

**ЎЗБЕКИСТОН ҚОНУНЧИЛИГИ
ТАҲЛИЛИ**

UZBEK LAW REVIEW

**ОБЗОР ЗАКОНОДАТЕЛЬСТВА
УЗБЕКИСТАНА**

ИЛМИЙ ТАҲЛИЛИЙ ЖУРНАЛ	SCIENTIFIC ANALYTICAL JOURNAL	НАУЧНО АНАЛИТИЧЕСКИЙ ЖУРНАЛ
--------------------------------------	--	--

**2020
№2**

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ

БОШ МУҲАРРИР:

Гулямов Саид Саидахарович – юридик фанлари доктори, профессор.

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ АЪЗОЛАРИ:

Рустамбеков Исламбек Рустамбекович – ю.ф.д., профессор.

Оқолов Омонбой – ю.ф.д., профессор.

Эргашев Восит Ёқубович – ю.ф.н., профессор.

Махкамов Отабек Мухтарович – ю.ф.д.

Суюнова Дилбар Жолдасбаевна – ю.ф.д., доц.

Адилходжаева Сурайё Махкамовна – ю.ф.д., профессор.

Ахмедшаева Мавлюда Ахатовна – ю.ф.д., профессор.

Рахимов Фахри Хайдарович – ю.ф.д., профессор.

Самарходжаев Ботир Билялович – ю.ф.д., профессор.

Тошев Бобокул Норқобилович – ю.ф.д., профессор.

Мухамеджанов Омон Зокирович – ю.ф.д., профессор.

Нарзиев Отабек Саъдиевич – ю.ф.н., доц.

Ҳужаев Шохжохон Акмалжон ўгли – юридик фанлар бўйича фалсафа доктори.

Маълумот олиш учун куйидагиларга мурожаат этиш сўралади:

Гулямов Саид Саидахарович,
Рустамбеков Исламбек Рустамбекович
ТДЮУ, Халқаро хусусий ҳуқуқ кафедраси,
Ўзбекистон Республикаси, Тошкент ш., 100047,
Сайилгоҳ кўчаси, 35. Тел: 233-66-36

"Ўзбекистон қонунчилиги таҳлили"нинг электрон нусхаси Интернетдаги www.lawview.uz сайтида жойлаштирилган.

Журнал 2013 йилдан Ўзбекистон Республикаси
Вазирлар Маҳкамасининг Олий Аттестация
комиссияси журналлари рўйхатига киритилган.

Ушбу журналда баён этилган натижалар, хулосалар, талқинлар уларнинг муаллифларига тегишли бўлиб, Ўзбекистон Республикаси ёки Тошкент давлат юридик университети сиёсати ёки фикрини акс эттирмайди.

2020 йилда нашр этилди.

Муаллифлик ҳуқуқлари Тошкент давлат юридик университетига тегишли. Барча ҳуқуқлар ҳимояланган. Журнал материалларидан фойдаланиш, тарқатиш ва кўпайтириш Тошкент давлат юридик университети рухсати билан амалга оширилади. Ушбу масалалар бўйича Тошкент давлат юридик университети мурожаат этилади. Ўзбекистон Республикаси, Тошкент ш., 100047, Сайилгоҳ кўчаси, 35.

ISSN 2181-8118

Масъул котиб: **И. Рустамбеков**

Наشريёт муҳаррири: **Н. Ниязова**

Техник муҳаррир: **Д. Козимов**

Лицензия № 02-0074

Босишга рухсат этилди – 03.08.2020

Наشريёт ҳисоб табоғи – 5

«IMPRESS MEDIA» босмаҳонасида босилди

Адади – 100 нусха.

ИЛМИЙ-ТАҲЛИЛИЙ
ЖУРНАЛ

2/2020

МУНДАРИЖА

ДАВЛАТ ҲУҚУҚИ ВА БОШҚАРУВИ

И.Эргашев	Солиқ маъмуриятчилиги ва рақамли технологиялар	5
С.Юсупов	Маҳаллий давлат органлари томонидан ҳуқуқий сиёсатни амалга оширишнинг ташкилий-ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш	9
Д.Камалова, С.Собиров	Ўзбекистон Республикаси Конституциявий суди ҳужжатлари ва Олий суд Пленуми тушунтиришларининг ҳуқуқий моҳиятининг ўзаро мутаносиблиги.....	13
Э.Қодиров	Ёшлар ҳуқуқий маданиятини юксалтиришнинг қонуний асослари ва принциплари	16
А.Ли	Ўзбекистон Республикасининг молиявий назорат тўғрисидаги қонунчилиги: замонавий ҳолати ва ривожланиш муаммолари	19
Н.Ражабов	Ўзбекистон Республикаси қонунчилигида экологик меъёрлаштириш институтини мустақамланиши хусусида айрим мулоҳазалар.....	27
О.Фазиев	Мурожаат қилиш ҳуқуқининг конституциявий-ҳуқуқий асослари	30
Д.Артиков	Германияда суд нормаконтролини амалга оширишнинг ўзига хос хусусиятлари.....	37
С.Султанова	Норма ижодқорлиги фаолиятини такомиллаштиришнинг ҳуқуқий асослари.....	42

ҲУҚУҚИ ВА ПРОЦЕССИ

Ш.Рўзиназаров	Фуқаролик-ҳуқуқий фанларга оид фундаментал тадқиқотлар: замонавий реаллик ва докторинал мўлжаллар	45
Дж.Бабаев	Истеъмолчига етказилган зарарни қоплашни фуқаролик-ҳуқуқий тартибга солишнинг илмий-методик масалалари.....	51
Э.Ахунджанов	Ўзбекистон Республикаси банк қонунчилигини такомиллаштиришнинг айрим масалалари.....	55
Ш.Файзуллаева	Ўзбекистон ва хорижий мамлакатларда қўчмас мулк ҳуқуқини ҳимоя қилиш даражаси.....	57
Д.Нурумов	Адвокат томонидан тадбиркорлик субъектларига юридик ёрдам кўрсатиш фаолиятини такомиллаштириш	60
Ж.Аллаёров	Халқаро фуқаролик процессининг халқаро хусусий ҳуқуқда тутган ўрни	63
А.Жураев	Ўзбекистон Республикасида Бизнес-омбудсманнинг қонун устуворлигини таъминлашга оид фаолияти	67
К.Гафуров	Глобал инновацион индекси ва Ўзбекистон: муаммолар ва истиқболлар	70
М.Махамадхўжаева	Лизинг шартномасини ҳуқуқий тартибга солишнинг айрим масалалари	74
Н.Темиров	Компьютер дастурларини ҳуқуқий ҳимоясига доир айрим масалалар	77
И.Ерниязов	Ўзбекистонда йўл қурилишини ҳуқуқий тартибга солишнинг айрим масалалари	79

ЖИНОЯТ ҲУҚУҚИ ВА ЖИНОЯТ ПРОЦЕССИ

М.Болтаев	Ўзбекистон Республикасида пробация институтини шаклланиши	82
А.Дурматов	Тиббиёт ходимларининг жиноий жавобгарлиги: миллий ва хорижий тажриба	84

ХАЛҚАРО-ҲУҚУҚИЙ МУНОСАБАТЛАР

И.Рустамбеков, С.Гулямов	Кибармаконда халқаро хусусий ҳуқуқ (коллизия кибер ҳуқуқ)	88
Н.Гафурова	Халқаро тиббиёт ҳуқуқининг замонавий ва тарихий асослари	91
Ш.Ахунов	Халқаро инвестициявий низолар ва уларни ҳал этиш усуллари	95
Ш.Алиризаева	Халқаро ҳуқуқнинг дунёнинг энергетик манзарасига таъсири	97
А.Исакулов	ICSID қарорларини тан олиш, ижро этиш ва бекор қилишнинг ўзига хос хусусиятлари.....	100
Ж.Ахмуродов	Суд гарови ва суд харажатларига доир қарорларни ижро этиш	104

ТАҚРИЗЛАР

Б.Топилдиев	2020 йил Москва шаҳри, "Юрлитинформ" нашриётида нашр этилган ю.ф.д., профессор В.Ю.Голубовский ва ю.ф.д., профессор Е.В.Кунц умумий таҳрири остидаги "Криминология" дарслигига тақриз	108
--------------------	---	------------

EDITORIAL BOARD

GENERAL MANAGER:

Dr. Gulyamov Said – Professor, Doctor of Sciences in Law.

MEMBERS OF EDITORIAL BOARD:

Dr. Islambek Rustambekov – professor, doctor of sciences in Law.

Dr. Omonboy Okyulov – professor, doctor of sciences in Law.

Dr. Vosit Ergashev – professor, candidate of sciences in law

Dr. Otabek Makhkamov – doctor of sciences in Law.

Dr. Dilbar Suyunova – doctor of sciences in Law, associate professor.

Dr. Surayo Adilkhodjaeva – professor, doctor of sciences in Law.

Dr. Mavlyuda Akhmedshaeva – professor, doctor of sciences in Law.

Dr. Fakhri Rakhimov – professor, doctor of sciences in Law.

Dr. Botir Samarkhodjaev – professor, doctor of sciences in Law.

Dr. Toshev Bobokul – professor, doctor of sciences in Law.

Dr. Omon Mukhamedjanov – professor, doctor of sciences in Law.

Dr. Otabek Narziev – Doctor of Philosophy in Law

Dr. Shohjahon Hujayev – Doctor of Philosophy in Law

For further information please contact:

Prof. Dr. Said Gulyamov,
Prof. Dr. Islambek Rustambekov
35, Sayilgoh Street, Tashkent,
TSUL, Department of "Private International Law",
100047, Uzbekistan. Tel.: 233-66-36

Electronic copy of "Uzbek Law Review" journal can be found at www.lawreview.uz

The journal was registered in the list of the High Attestation Commission of the Cabinet of Ministers of the Republic of Uzbekistan in 2013.

The findings, conclusions and interpretations expressed in the journal are those of the authors alone and can in no way be taken to reflect the views of the Republic of Uzbekistan or the Tashkent State University of Law.

Published in 2020.

Copyright by Tashkent State University of Law. All rights reserved. Enquiries concerning reproduction should be addressed to Tashkent State University of Law, 100047, 35, Sayilgoh Street, Tashkent, Uzbekistan.

ISSN 2181-8118

General Secretary: **I.Rustambekov**
Publishing editor: **N.Niyazova**
Technical editor: **D.Kozimov**

License No. 02-0074

Authorized to issue – 03.08.2020

Bulk – 5

Printed in «IMPRESS MEDIA» Printhouse

Number of copies – 100

**SCIENTIFIC-ANALYTICAL
JOURNAL**

2/2020

CONTENTS

STATE LAW AND MANAGEMENT

I.Ergashev Tax Administration and Digital Technologies.....	5
S.Yusupov Improving the Organizational and Legal Framework for the Implementation of Legal Policy by Local Self-Government Bodies.....	9
D.Kamalova, S.Sobirov Correlation of the legal essence of decisions of the Constitutional court and explanations of the Plenum of the Supreme Court of the Republic of Uzbekistan.....	13
K.Eshmuhammad Legal Bases and Principles of Improving Legal Culture of Youth.....	16
A.Li Legislation of the Republic of Uzbekistan on State Financial Control: Current Situation and Development Problems.....	19
N.Rajabov Some Judgments on Strengthening the Institute of Environmental Regulation in Uzbek Legislation.....	27
O.Fayziev Constitutional and Legal Basis of the Right of Appeal.....	30
D.Artikov Analysis of Problems of Judicial Control in Germany.....	37
S.Sultanov Legal Basis for Improving the Activities of Legislative Drafting.....	42

CIVIL LAW AND CIVIL PROCESS

Sh.Ruzinazarov Fundamental Research in Civil Law Disciplines: Current Realities and Doctrinal Directions.....	45
Dj.Babaev Scientific and Methodological Issues of Civil Law Regulation of Damage to the Consumer.....	51
E.Ahundjanov Some Issues of Improvement of Banking Legislation in the Republic of Uzbekistan.....	55
Sh.Fayzullaeva Level of Protection of Property Rights in Uzbekistan and in Foreign Countries.....	57
D.Nurumov Improvement of Legal Assistance Activity of Advocates for Business Entities.....	60
J.Allayorov Place of International Civil Procedure in Private International Law.....	63
A.Juraev Activities of the Business-Ombudsman of the Republic of Uzbekistan to Ensure the Rule of Law.....	67
K.Gafurov Global Innovation Index and Uzbekistan: Problems and Prospects.....	70
M.Mahamadhujaeva Some Issues of Legal Regulation of a Lease Agreement.....	74
N.Temirov Some Issues of Legal Protection of Computer Programs.....	77
I.Erniyazov Some Issues of Legal Regulation of Road Construction in Uzbekistan.....	79

CRIMINAL LAW AND CRIMINAL PROCESS

M.Boltaev Formation of the Institute of Probation in the Republic of Uzbekistan.....	82
A.Durmatov Criminal Liability of Medical Staff: National and Foreign Experience.....	84

INTERNATIONAL LEGAL RELATIONS

I.Rustambekov, S.Gulyamov Private International Law in Cyberspace (cyber conflict-of-laws).....	88
N.Gafurova Historical and Modern Foundations of International Health Law.....	91
Sh.Ahunov International Investment Disputes and Methods for Their Resolution.....	95
Sh.Aliirizaeva The Impact of International Law on the Energy Picture of the World.....	97
A.Isakulov Peculiarities of the Recognition, Enforcement and Annulment of ICSID Arbitral Awards.....	100
J.Ahmurodov Bail and Enforcement of Decisions in Respect of Legal Expenses.....	104

REVIEWS

B.Topildiev Review of the textbook "Criminology" edited by Doctor of Law, Professor V.Yu. Golubovsky, Doctor of Law, Professor E.V. Kunz, Moscow, Yurilitinform Publishing House, 2020.....	108
---	------------

РЕДАКЦИОННАЯ КОЛЛЕГИЯ

ГЛАВНЫЙ РЕДАКТОР:

Гулямов Саид Саидахарович – доктор юридических наук, профессор.

ЧЛЕНЫ РЕДКОЛЛЕГИИ:

Рустамбеков Исламбек Рустамбекович – д.ю.н., профессор.

Оқюлов Омонбой – д.ю.н., профессор.

Эргашев Восит Ёкубович – к.ю.н., профессор.

Махкамов Отабек Мухтарович – д.ю.н.

Суёнова Дилбар Жолдасбаевна – д.ю.н., доц.

Адилходжаева Сурайё Махкамовна – д.ю.н., профессор.

Ахмедшаева Мавлюда Ахатовна – д.ю.н., профессор.

Рахимов Фахри Хайдарович – д.ю.н., профессор.
Самарходжаев Ботир Билялович – д.ю.н., профессор.

Тошев Бобоқул Норқобилович – д.ю.н., профессор.

Мухамеджанов Омон Зокирович – д.ю.н., профессор.

Нарзиев Отабек Саъдиевич – доктор философии права.

Хўжаев Шохжохон Акмалжон ўғли – доктор философии права.

Для получения информации просим обращаться:

Гулямов Саид Саидахарович,
Рустамбеков Исламбек Рустамбекович
ТГЮУ, кафедра Международное частное право.
Республика Узбекистан, Ташкент, 100047,
ул. Сайилгох, 35. Тел.: 233-66-36 (1073).

Электронная версия "Обзор законодательства Узбекистана" размещена на Интернет сайте:
www.lawreview.uz

Журнал включен в список Высшей Аттестационной Комиссии Кабинета Министров Республики Узбекистан в 2013 г.

Результаты, заключения, толкования, выраженные в этом документе, принадлежат только их авторам и не отражают политики или мнения Республики Узбекистан или Ташкентского государственного юридического университета.

Опубликовано в 2020 г.

Авторские права принадлежат Ташкентскому государственному юридическому университету. Все права защищены. Публикация может производиться, распространяться или передаваться в какой-либо форме с разрешения Ташкентского государственного юридического университета. По вопросам воспроизведения обращаться в Ташкентский государственный юридический университет. Республика Узбекистан, Ташкент, 100047, ул. Сайилгох, 35.

ISSN 2181-8118

Ответственный секретарь: **И.Рустамбеков**

Издательский редактор: **Н.Ниязова**

Технический редактор: **Д.Козимов**

Лицензия № 02-0074

Подписано к печати – 03.08.2020 г.

Уч.- изд. лист. – 5

Отпечатано в типографии «IMPRESS MEDIA»

Тираж – 100

**НАУЧНЫЙ-АНАЛИТИЧЕСКИЙ
ЖУРНАЛ**

2/2020

СОДЕРЖАНИЕ

ГОСУДАРСТВЕННОЕ ПРАВО И УПРАВЛЕНИЕ

И.Эргашев	Налоговое администрирование и цифровые технологии.....	5
С.Юсупов	Совершенствование организационно-правовой основы реализации правовой политики местными органами самоуправления.....	9
Д.Камалова, С.Собиров	Соотношение правовой сущности решений Конституционного суда и разъяснений Пленума Верховного суда Республики Узбекистан.....	13
Э.Кодиров	Правовые основы принципы повышения правовой культуры молодёжи.....	16
А.Ли	Законодательство Республики Узбекистан о государственном финансовом контроле: современное состояние и проблемы развития.....	19
Н.Ражабов	Некоторые суждения по поводу укрепления института экологического нормирования в законодательстве Республики Узбекистан.....	27
О.Файзиев	Конституционно-правовые основы права обращения.....	30
Д.Артиков	Анализ проблем судебного контроля в Германии.....	37
С.Султанов	Правовые основы совершенствования деятельности норматворчества.....	42

ГРАЖДАНСКОЕ ПРАВО И ГРАЖДАНСКИЙ ПРОЦЕСС

Ш.Рузиназаров	Фундаментальные исследования в сфере гражданско-правовых дисциплин: современные реалии и доктринальные ориентиры.....	45
Дж.Бабаев	Научно-методологические вопросы гражданско-правового регулирования ущерба потребителя.....	51
Э.Ахунджанов	Некоторые вопросы совершенствования банковского законодательства Республики Узбекистан.....	55
Ш.Файзуллаева	Уровень защиты права собственности на недвижимость в Узбекистане и в зарубежных странах.....	57
Д.Нурумов	Совершенствование оказания адвокатами юридической помощи субъектам предпринимательской деятельности.....	60
Ж.Аллаёров	Место международного гражданского процесса в международном частном праве.....	63
А.Жураев	Деятельность Бизнес омбудсмена Республики Узбекистан по обеспечению верховенства закона.....	67
К.Гофуров	Глобальный инновационный индекс и Узбекистан: проблемы и перспективы.....	70
М.Махмадхужаева	Некоторые вопросы правового регулирования договора лизинга.....	74
Н.Темиров	Некоторые вопросы правовой защиты компьютерных программ.....	77
И.Ерниязов	Некоторые вопросы правового регулирования дорожного строительства в Узбекистане.....	79

УГОЛОВНОЕ ПРАВО И УГОЛОВНЫЙ ПРОЦЕСС

М.Болтаев	Становление института пробации в Республике Узбекистан.....	82
А.Дурматов	Уголовная ответственность медицинских работников: национальный и зарубежный опыт.....	84

МЕЖДУНАРОДНО-ПРАВОВЫЕ ОТНОШЕНИЯ

И.Рустамбеков, С.Гулямов	Международное частное право в киберпространстве (коллизияльное кибер право).....	88
Н.Гафурова	Исторические и современные основы права международного здравоохранения.....	91
Ш.Ахунов	Международные инвестиционные споры и способы их разрешения.....	95
Ш.Алиризаева	Влияние международного права на энергетическую картину мира.....	97
А.Исакулов	Особенности признания, исполнения и отмены арбитражных решений ICSID.....	100
Ж.Ахмуродов	Судебный залог и исполнение решений в отношении судебных расходов.....	104

РЕЦЕНЗИИ

Б.Топилдиев	Рецензия на учебник «Криминология» под редакцией д.ю.н., профессора В.Ю. Голубовского, д.ю.н., профессора Е.В. Кунц, г. Москва, Издательство «Юрлитинформ», 2020.....	108
--------------------	---	-----

И.А. Эргашев

ТДЮУ Маъмурий ва молия ҳуқуқи кафедраси
доцент в.б., (PhD)**СОЛИҚ МАЪМУРИЯТЧИЛИГИ ВА РАҚАМЛИ
ТЕХНОЛОГИЯЛАР:**

инновацион ривожланиш истиқболлари

Аннотация: мазкур мақолада солиқ маъмуриятчилиги жараёнига замонвий ахборот-коммуникация технологияларини кенг қўллаш солиқ органлари томонидан камроқ вақт ва маблағларни сарфлаган ҳолда солиқларни йиғиб олиш самарадорлигининг ошишига, шунингдек, солиқ тўловчиларга ўз солиқ мажбуриятларини бажаришларини енгиллаштиришга, солиқ маъмуриятчилигини шаффоф амалга оширишга олиб келиши назарий-амалий жиҳатлари тадқиқ этилган. Шунингдек, Солиқ маъмуриятчилигида ахборот-коммуникация технологияларини қўллашнинг ҳуқуқий механизмларини такомиллаштириш бўйича таклифлар берилган.

Калит сўзлар: солиқ маъмуриятчилиги, солиқ мажбурияти, солиқ тўловчи, ахборот-коммуникация технологиялари.

Аннотация: в данной статье исследуются теоретические и практические аспекты широкого использования современных информационных и коммуникационных технологий в процессе налогового администрирования, что повышает эффективность сбора налогов налоговыми органами с меньшими затратами времени и денег, а также облегчает налогоплательщикам выполнение своих налоговых обязательств. Также автором были разработаны предложения по совершенствованию правовых механизмов использования информационно-коммуникационных технологий в налоговом администрировании.

Ключевые слова: налоговое администрирование, налоговое обязательство, налогоплательщик, информационно-коммуникационные технологии.

Abstract: this article examines the theoretical and practical aspects of wide use of modern information and communication technologies in the process of tax administration, which increases the efficiency of tax collection by tax authorities with less time and money spent, as well as makes it easier for taxpayers to fulfill their tax obligations. Also, the author elaborated proposals for the improvement of legal mechanisms of using information and communication technologies in tax administration.

Keywords: tax administration, tax liability, taxpayer, information and communication technologies.

2017–2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида белгиланган устувор вазифалардан келиб чиқиб, давлат солиқ органлари фаолиятига замонвий ахборот-коммуникация технологияларини кенг жорий қилиш, улар томонидан тадбиркорлик субъектлари ва аҳолига кўрсатиладиган интерактив давлат хизматлари сифатини тубдан яхшилаш ҳамда ахборот технологиялари соҳасини янада ривожлантиришнинг қонунчилик асосларини такомиллаштириш масаласи муҳим ўрин тутди.

Давлат солиқ органларида ахборот-коммуникация технологиялари қўлланилган ҳолда кўрсатиладиган давлат хизматининг асосий мақсади ахборот технологиялари асосида интерактив давлат хизматлари кўрсатиш самарадорлигини ошириш, хизмат кўрсатиш вақти ва жараёнларини, шу жумладан, иқтисодий сарф-харажатларни қисқартириш, солиқ органлари фаолиятининг очиқлиги ва ошкоралигини таъминлашга қаратилиши зарурлигини, солиқ маъмуричилигини такомиллаштириш, қоғозсиз ҳужжат алмашинувини жорий этиш ва давлат солиқ хизмати органлари ишининг самарадорлигини оширишга қаратилган дастурий маҳсулотларни ишлаб чиқиб, амалиётга жорий этиш борасидаги вазифаларни ҳал қилиш муҳим вазифалардан бири ҳисобланади.

Президентимиз Шавкат Мирзиёев Олий Мажлисга йўллаган Мурожаатномасида бу борада батафсил тўхталиб, юртимиз “Халқаро ахборот коммуникация технологияларини ривожлантириш индекси” бўйича 2019 йилда 8 ғоғонага кўтарилган бўлса-да, ҳали жуда ҳам орқадамиз. Аксарият вазирлик ва идоралар, корхоналар рақамли технологиялардан мутлақо йироқ, десак, бу ҳам ҳақиқат деб таъкидлаганлари ҳам фикримизни исботлаб турибди.

Албатта, бошқа соҳаларда бўлгани каби солиқ маъмуриятчилиги жараёнида ҳам айрим тизимли камчилик ва муаммолар мавжуд. Яъни, бугунги кун талабларидан ёки халқаро стандартлардан орқада қолган, десак тўғри бўлади.

Солиқ соҳага «ақлли тартибга солиш» моделларини жорий қилиш ва ундаги ахборот технологиялар улушини ошириш, солиқ соҳасидаги мурожаатларни кўриб чиқишни белгилловчи янги самарали механизмларни ишлаб чиқиш билан боғлиқ масалаларни ҳуқуқий тартибга солиш мақсадида 2020 йил 5 июнь куни Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Солиқ маъмуриятчилигида замонвий ахборот-коммуникация технологияларини кенг жорий этишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарори қабул қилиниши ва мазкур қарор асосида белгиланган вазифалар солиқ маъмуриятчилиги жараёнига рақамли технологиялар ҳамда ахборот-коммуникация технологияларни қўллаш тизимини тубдан такомиллаштиришга хизмат қилиб, соҳани умуман янги сифат босқичига олиб чиқади.

Қарор билан Давлат солиқ кўмитасининг Ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантириш Стратегияси ҳамда уни амалга ошириш бўйича комплекс чоралар тасдиқланиши солиқ маъмуриятчилигида замонвий ахборот-коммуникация технологияларини янада кенг жорий қилиш ишларини тизимлаштиришга қаратилганлиги билан аҳамиятлидир.

Мазкур Стратегияда қуйидаги вазифалар белгиланган: маълумотларни қайта ишлаш маркази ва телекоммуникация қурилмаларини модернизация қилиш, сервер ва дастурий таъминотлар харид қилиш, ахборот тизимлари мажмуини ягона платформага ўтказиш, электрон давлат хизматлари кўрсатиш сифатини ошириш, катта ҳажмдаги маълумотларни тезкор таҳлил қилиш тизимларини йўлга қўйиш.

Ҳозирда мамлакатимизда солиқ маъмуриятчилиги муаммоларидан бири чакана савдо ва аҳолига хизмат кўрсатиш сектори томонидан тушумларни яшириш орқали солиқларни тўлашдан қочиб ҳисобланади. Онлайн назорат-касса машиналарини қўллаш мазкур ҳолатларнинг олдини олиш бўйича муҳим

тадбирлардан бири ҳисобланади. Шу сабабли, қарор билан “Онлайн назорат касса машиналари”, “Электрон ҳисобварақ-фактуралар” ва бошқа марказлашган тизимларни кенг жорий этиш Стратегияни амалга оширишнинг устувор йўналишларидан бири сифатида белгиланди.

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, қарор билан Давлат солиқ хизмати органлари ва солиқ тўловчилар ўртасида ўзаро алоқани масофавий тарзга ўтказиш, барча иштирокчилар ўртасидаги муносабатларни ахборот-коммуникация технологияларини кенг жорий қўллаш орқали тўлиқ автоматлаштириш ва интерактив давлат хизматлари сонини кенгайтириш кенгайтириш лозимлиги белгиланди.

Таҳлиллар шуни кўрсатадики, 2019 йилда Солиқ идоралари томонидан юридик ва жисмоний шахсларнинг жами 18259 та мурожаатлари кўриб чиқилган бўлиб, шундан шахсий қабул 2403 та, ёзма мурожаатлар 4160 та, электрон мурожаатлар 11696 тани ташкил қилмоқда. Шундан келиб чиқиб айтиш мумкинки, мамлакатимизда солиқ маъмуриятчилигида замонавий ахборот-коммуникация технологияларини қўллашни кенгайтириш ҳамда мазкур тизимни янада такомиллаштириш лозимлигидан далолат беради.

Ҳозирги замонавий солиқ маъмурчилиги нафақат солиқ қарздорлигини мажбурий ундириш механизмларини такомиллаштириши зарур, балки мазкур солиқ қарздорлигини замонавий ахборот телекоммуникация технологиялари орқали юзага келишини олдини олиш, солиқ тўловчилар томонидан ихтиёрли тўлаш бўйича ҳуқуқий саводхонлигини оширишга йўналтирилган тарғибот ва тушунтириш ишларига эътиборни кучайтириш самаралироқ ҳисобланади [1].

Ўтказилган сўровнома натижасида респондентларнинг солиқ маъмуриятчилиги жараёнига ахборот технологияларининг татбиқ қилиниши ушбу соҳани соддалаштиришга хизмат қиладими деган саволга 88% ҳа, 12% йўқ деб жавоб берганлигини ҳам қайд этиш зарур [2].

Сингтон Вольф таъкидлаб ўтганидек, солиқ маъмуриятчилигининг фаолиятида ахборот технологияларини қўлланиши бошлангандан сўнг охириги ўн йил ичида катта ўзгаришлар бўлди. Солиқ хизмати органлари томонидан солиқларни йиғиш жараёнларидаги кўпгина хатоларнинг олди олина бошланди ва кўпгина ҳужжатларни юритиш соддалашди [3].

Бугунги кунда солиқ маъмурчилигини такомиллаштириш, қоғозсиз ҳужжат алмашинувини жорий этиш ва давлат солиқ хизмати органлари ишининг самарадорлигини оширишга қаратилган эллика яқин дастурий маҳсулотлар ишлаб чиқилиб, амалиётга жорий этилмоқда.

Жумладан, Давлат солиқ қўмитасининг “Электрон давлат хизматлари – my.soliq.uz” портали орқали 35 та электрон давлат хизматлари кўрсатилмоқда. Шундан, 15 таси – ахборот давлат хизматлари, 20 таси – интерактив давлат хизматлари таркибига киради. Солиқ тўловчиларнинг тоифаси ва жойлашган жойидан қатъи назар барча хизматлардан фойдаланиш имконияти мавжуд [4].

Шунингдек, мамлакатимизда аҳоли ҳамда тадбиркорлик субъектлари вакилларини солиқларни ўз вақтида тўлаш муддатларидан, солиқ қонунчилигидаги ўзгаришлардан хабардор қилиш, уларнинг солиққа оид ҳуқуқий билимларини янада юксалтириш, солиқ

тўловларини электрон тарзда, ортиқча сарф-харажатсиз амалга оширишларига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Шу сабабли ҳам солиқ органлари тизимида илғор ахборот-коммуникация технологиялари жорий этилиши солиқ қонунчилиги бузилишларининг олдини олиш, уларни аниқлаш ва бартараф этиш бўйича ахборот-таҳлилий ишлар самарадорлигини оширишга муҳим аҳамият касб этади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 26 июндаги “Давлат солиқ хизмати органлари фаолиятини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” ПҚ–3802-сон қарори билан Ўзбекистон Республикаси солиқ маъмуриятчилиги тизимини такомиллаштиришнинг энг муҳим йўналишларидан бири сифатида текширувдан олдинги таҳлил ва масофавий назорат-таҳлил ишларини амалга ошириш учун маълумотларни тўлиқ йиғиш ва қайта ишлашни таъминлайдиган замонавий, илғор ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш чораларини янада кучайтириш белгиланди [5].

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 1 августдаги “Давлат солиқ хизмати органлари фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” ПҚ–3168-сон қарорини бажариш юзасидан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 1 августдаги “Давлат солиқ хизмати органлари фаолиятини ҳуқуқий тартибга солишни янада такомиллаштириш тўғрисида”ги 677-сон қарори билан тасдиқданган Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси тўғрисидаги низомнинг 8-бандида солиқ тўловчилар ва солиқ солиш объектларининг ўз вақтида ҳамда ишончли ҳисобга олинишини таъминлаш, уларни солиқ маъмуриятчилиги жараёнига замонавий ахборот-коммуникация технологияларини ва илғор автоматлаштирилган таҳлил услубларини кенг жорий этган ҳолда тўлиқ қамраб олиш механизмларини такомиллаштириш Давлат солиқ қўмитасининг асосий вазифаларидан бири сифатида кўрсатиб ўтилди [6].

Мазкур қарорга мувофиқ, солиқ тўловчининг шахсий кабинети Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитасининг расмий веб-сайтига жойлаштирилган, солиқ тўловчилар ва давлат солиқ хизмати органларининг солиқ тўғрисидаги қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳуқуқ ва мажбуриятлари амалга оширилиши билан боғлиқ бўлган ўзаро муносабатларни электрон тарзда амалга оширишни таъминлайдиган ахборот ресурси ҳисобланиши белгиланди.

Мазкур норма асосида солиқ тўловчилар ва давлат солиқ хизмати органларининг солиқ тўғрисидаги қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳуқуқ ва мажбуриятлари амалга оширилиши билан боғлиқ бўлган ўзаро муносабатларни электрон тарзда амалга оширишга ўтишда ҳуқуқий асос ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 18 июлдаги ПФ–5116-сонли “Солиқ маъмуриятчилигини тубдан такомиллаштириш, солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларнинг йиғилувчанлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармонида мувофиқ ишлаб чиқилган ҳамда Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитасининг 2017 йил 15 августдаги 2017-41-сон қарори билан тасдиқланган Солиқ тўловчининг шахсий кабинетидан фойдаланиш тартиби тўғрисидаги низом

(рўйхат рақами 2926, 2017 йил 5 сентябрь) қабул қилинди.

Мазкур низомга кўра солиқ тўловчининг шахсий кабинетини шакллантириш ва ундан фойдаланиш ҳамда солиқ тўловчилар ва давлат солиқ хизмати органлари ўртасидаги ўзаро муносабатларни солиқ тўловчининг шахсий кабинети орқали амалга ошириш тартибини белгилаб берди.

Солиқ маъмуриятчилиги жараёнига замонвий ахборот-коммуникация технологияларни кенг қўллаш солиқ органлари томонидан камроқ вақт ва маблағларни сарфлаган ҳолда солиқларни йиғиб олиш самарадорлигининг ошишига, шунингдек, солиқ тўловчиларга ўз солиқ мажбуриятларини бажаришларини енгиллаштиришга, солиқ маъмуриятчилигини шаффоф амалга оширишга олиб келади.

Ричард Бурд шу масала юзасидан ўз фикрини илгари сурар экан, солиқ маъмуриятчилигини яхшилаш ривожланаётган давлатлар учун асосий масалалардан бири бўлиб келган. Ушбу давлатлар учун даромад манбалари керак экан, ўз-ўзидан даромадлар бўйича маъмуриятчилик мавжуд. Даромадларнинг ўзи етарли эмас, балки давлат учун даромадларни йиғиб олишнинг энг мақбул усулларини, яъни самарали солиқ маъмуриятчилигини жорий этиш муҳим ҳисобланади. Ушбу жараёнлар давлатнинг иқтисодий ўсишига ва ресурслар тақсимотига таъсир қилади [7].

Бежиз Ўзбекистон Республикасининг коррупцияга қарши курашиш бўйича қонунчилигида ҳам давлат органлари ва тадбиркорлик субъектлари ўртасидаги ўзаро муносабатларнинг масофавий шакллари кенг жорий этиш ижтимоий-иқтисодий ривожланиш ва тадбиркорлик соҳасида коррупциянинг олдини олишга доир чора-тадбирларнинг бири сифатида белгиланмаган [8].

Ўзбекистон Республикасида ҳам солиқ маъмуриятчилигини такомиллаштиришда замонвий ахборот-коммуникация технологияларни кенг қўллаш зарурлиги эътироф этилмоқда, давлат органлари ва ташкилотлари ўртасида ахборот алмашиш механизмларининг, электрон солиқ маъмуриятчилиги ҳамда солиқ назоратинг амалга ошириш шакл ва услубларини такомиллашмаганлиги солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар йиғилувчанлигини зарур даражасини таъминлашга тўқтинлик қилаётган тизимли муаммолардан бири сифатида таъкидлаб ўтилган [9].

Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 18 июлдаги “Солиқ маъмуриятчилигини тубдан такомиллаштириш, солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар йиғилувчанлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ–5116-сонли Фармонида ҳам солиқ органлари фаолиятига замонвий ахборот-коммуникация технологияларини жорий қилиш ҳолати солиқ маъмуриятчилигининг шаффофлигини, солиқ солиш масалаларида манфаатдор вазирлик ва идоралар билан ҳамкорлик қилиш ҳамда назорат самарадорлигини, шунингдек давлат хизматларидан фойдаланиш имконияти таъминланмаётганлиги кўрсатиб ўтилган ва мазкур Фармоннинг 1-бандида солиқ маъмуриятчилиги жараёнига замонвий ахборот-коммуникация технологиялари ва илғор автоматлаштирилган таҳлил услубларини кенг жорий этиш, солиқ тўловчиларга, энг аввало, тадбиркорлик субъектларига тўғридан-тўғри мулоқотсиз электрон

хизмат кўрсатишга тўлиқ ўтиш Ўзбекистон Республикаси давлат солиқ хизмати органлари тизимини ислоҳ этишнинг муҳим йўналишларидан бири этиб белгиланган.

Ривожланган давлат солиқ маъмуриятчилиги тизимини модернизация қилишида энг асосий эътиборни мазкур жараёни автоматлаштириш ва замонвий ахборот-коммуникация технологияларни кенг қўллаш орқали солиқ маъмуриятчилиги жараёнининг шаффофлигини ҳамда соддалаштиришни таъминлашга қаратилган.

Масалан, Хитой Халқ Республикаси (ХХР) солиқ маъмуриятчилигида замонвий ахборот-коммуникация технологияларни қўллашнинг муҳим ролини эътироф этган ҳолда “Солиқларни йиғишнинг маъмуриятчилиги тўғрисида” Хитой Халқ Республикаси Қонунида давлат томонидан турли даражадаги солиқ органларини режалари равишда замонвий ахборот-коммуникация технологиялар билан таъминлаши ҳамда солиқ органлари ва бошқа давлат органлари ўртасида ўзаро маълумот айирбошлашни такомиллаштириш мажбурияти белгилаб қўйилган [10].

Ҳозирда мамлакатимизда солиқ маъмуриятчилиги муаммоларидан бири чакана савдо ва аҳолига хизмат кўрсатиш сектори томонидан тушумларни яшириш орқали солиқларни тўлашдан қочиш ҳисобланади.

Онлайн назорат-касса машиналарини қўллашни кенгайтириш мазкур ҳолатларнинг олдини олиш бўйича муҳим тадбирлардан бири ҳисобланади.

Мамлакатимизда ҳам онлайн назорат-касса машиналари қўллашнинг зарур эканлиги эътироф этилиб, 2018 йил 1 январдан бошлаб онлайн назорат-касса машиналарини қўллашга босқичма-босқич ўтиш белгиланган [11].

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 10 июлдаги ПҚ–4389-сон қарори билан Ўзбекистонда солиқ маъмуриятчилигини такомиллаштириш стратегиясининг муҳим йўналишларидан бири сифатида онлайн назорат-касса машиналари чеклари билан тасдиқланган харажатлар бўйича жисмоний шахсларга даромад, мол-мулк ва ер солиқлари бўйича чегирмалар бериш ёки чекларда кўрсатилган қўшилган қиймат солиғининг бир қисmini қайтариб бериш тартибини жорий этиш вазифаси қўйилган эди [12].

Бундан мақсад – жисмоний шахсларнинг ўзлари харид чоғида чек берилишини талаб қиладилар ва натижада давлатга солиқ тушуми яхшиланади. Харидор чек бериладиган жойдан савдо қилиш ва чек берилмаслик ҳолатлари бўйича тегишли идораларни хабардор қилишдан манфаатдор бўлади ва бу ўз навбатида солиқ тўловчиларни солиқ маданиятини шакллантиришга хизмат қилади. Ушбу янги тартибдан ҳам давлат, ҳам солиқ тўловчилар манфаатдор.

Бундан ташқари, Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодексининг 133-моддасида солиқ тўловчиларнинг мажбуриятлари юзага келганлиги тўғрисида ахборот тақдим этадиган органлар, муассасалар ва ташкилотларнинг солиқ органларига маълумотлар тақдим этиш мажбуриятлари кўрсатилган. Бироқ солиқ органларига ушбу моддада назарда тутилган, қоғозда ёки электрон шаклда тақдим этиладиган маълумотларнинг шакллари, шунингдек шаклларни тўлдириш тартиби Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси томонидан тасдиқланиши белгиланган бўлса-да, мазкур органлар, муассасалар ва ташкилотлардан фақатгина битта

Қимматли қоғозлар марказий депозитарийси томонидан ўзи ва инвестиция воситачилари томонидан рўйхатга олинган акцияларга доир битимлар тўғрисидаги ахборотни Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитасига тақдим этиш тартиби тасдиқланган.

Бизнинг фикримизча, солиқ тўловчиларнинг мажбуриятлари юзага келганлиги тўғрисида ахборот тақдим этадиган барча органлар, муассасалар ва ташкилотлар ахборотни солиқ органларига тақдим этиш тартиби белгиланиши лозим.

Солиқ органлари ва солиқ тўловчиларнинг мажбуриятлари юзага келганлиги тўғрисида ахборот тақдим этадиган органлар, муассасалар ва ташкилотлар ўртасида электрон ҳужжат алмашинувини янада такомиллаштириш ва солиқ соҳасида низолар келиб чиққан ҳолларда ушбу ҳужжатлардан далил сифатида фойдаланиш мумкинлиги тўғрисидаги нормаларни қонунчиликка киритиш мақсадга мувофиқ ҳисобланади.

Шу билан бирга, солиқ тўловчиларнинг мажбуриятлари юзага келганлиги тўғрисида ахборот тақдим этиш тартибини бузганлик учун мансабдор шахсларга нисбатан маъмурий жавобгарликни қонунчиликка киритиш лозим.

Бундан ташқари, қайд этиш лозимки, замонавий ва қулай янги усулни давр талаблари асосида амалга ошириш борасида ҳали қилинадиган ишлар талайгина. Бунинг сабаби шуки, барча солиқ тўловчилар ҳали ҳам бу ҳақда тўлиқ маълумот ва тушунчага эга эмас. Шунинг учун, солиқ органлари ходимлари томонидан ҳисоботларни қоғоз кўринишида тақдим этган ва етарли кўникмага эга бўлмаган жойларда тегишли корхона ва ташкилот раҳбарлари ҳамда ҳисобчилари иштирокида “Солиқ тўловчилар учун қулай интерактив хизматлар” мавзусида семинарлар ҳамда давра суҳбатлари ўтказилиб, доимий равишда тушунтириш ишлари олиб борилиши мақсадга мувофиқ.

Хулоса ўрнида шунни айтиш мумкинки, солиқ маъмуриятчилигида замонавий ахборот-коммуникация технологияларини қўллашни кенгайтиришга қаратилган лойиҳалар ва чора-тадбирларни амалга ошириш, хусусан, давлат солиқ органларининг ўз функцияларини бажаришда тезкорлик ва сифатни оширишга имкон берувчи фаолиятини автоматлаштириш, давлат солиқ органларининг корпоратив ва локал тармоқларини такомиллаштириш ва модернизациялаш, давлат солиқ органлари томонидан тадбиркорлик субъектлари ва аҳолига кўрсатиладиган интерактив давлат хизматлари рўйхатини кенгайтириш ва сифатини яхшилаш, давлат солиқ хизматчилари, тадбиркорлик субъектлари ва аҳолининг ахборот технологиялари бўйича саводхонлигини оширишга қаратилган ишлар кўламини янада кенгайтириш давр талаби ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексига юқорида таъкидланган ўзгартишларни киритиш солиқ тўловчилар учун солиқларни тўлашни ортиқча харажатларсиз ва ҳаракатларсиз амалга оширишга имкон беради ва ушбу ислохотлар, ўз навбатида, мамлакатимизда ишбилармонлик муҳитини янада яхшилаш, тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш учун энг қулай шарт-шароитлар яратилишига ўз улушини қўшади.

Адабиётлар рўйхати:

1. Фиёсов А. Солиқлар ва мажбурий тўловлар бўйича қарздорликларни келиб чиқиши таҳлили // “Иқтисодийёт ва инновацион технологиялар” илмий электрон журнали. № 2, март-апрель, 2019 йил. – Б. 23-24.

2. Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси ҳузуридаги Малака ошириш марказининг 2019 йил 23 октябрдаги 01-584-сон хати.

3. Singleton B.Wolfe. The use of computers in Tax Administration. Article. Jurmetrics Journal. Volume 17. 1977. Washington. USA. –P.215 https://www.jstor.org/stable/29761583?seq=1#metadata_info_tab_contents (Сингтон Волф америкалик олим. Солиқ маъмуриятчилигида компьютернинг қўлланилиши мавзусида мақола.)

4. <https://my.soliq.uz/main/about-portal>

5. Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 27.06.2018 й., 07/18/3802/1402-сон.

6. Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2017 й., 35-сон, 929-модда; Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 04.12.2017 й., 09/17/960/0355-сон, 04.04.2018 й., 09/18/252/0995-сон, 24.05.2018 й., 09/18/384/1266-сон.

7. Richard M.Bird. Improving Tax Administration in Developing Countries. Journal of Tax Administration Vol. 1:1, University of Toronto. Canada, -P.23, <https://pdfs.semanticscholar.org/bf0e/ef94aec5bd3dfa22543c2dc76aa2b40a7ea7.pdf> (Ричард Бурд. Ривожланаётган давлатларда солиқ маъмуриятчилигини яхшилаш. Мақола. Солиқ маъмуриятчилиги журнали. 1-сон. Канада)

8. Ўзбекистон Республикасининг “Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида” қонуни 20-моддаси. (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2017 й., 1-сон, 2-модда; Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 16.01.2019 й., 03/19/516/2484-сон; 24.05.2019 й., 03/19/542/3177-сон).

9. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 29 июндаги “Ўзбекистон Республикасининг солиқ сиёсатини такомиллаштириш концепцияси тўғрисида”ги ПФ–5468-сонли фармони.

10. Law of the People's Republic of China on the Administration of Tax Collection (Order of the President No.49), April 28, 2001, article, 6.

11. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 18 июлдаги “Солиқ маъмуриятчилигини тубдан такомиллаштириш, солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларни йиғилувчанлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида” ПФ–5116-сонли фармони, 2-банди.

12. Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 11.07.2019 й., 07/19/4389/3409-сон.

С. Юсупов

ТДЮУ Маъмурий ва молия ҳуқуқи кафедраси
мудирини (PhD)

МАҲАЛЛИЙ ДАВЛАТ ОРГАНЛАРИ ТОМОНИДАН ҲУҚУҚИЙ СИЁСАТНИ АМАЛГА ОШИРИШНИНГ ТАШКИЛИЙ-ҲУҚУҚИЙ АСОСЛАРИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ

Аннотация: Ўзбекистонда амалга оширилаётган маъмурий ислохотларнинг долзарб йўналишларидан бири ижро ҳокимияти органларининг самарадорлигини ошириш, уларнинг мазкур йўналишдаги роли ва масъулиятини кучайтиришнинг мазмуни таҳлил қилиниб, ҳуқуқий давлат концепцияси бўйича, маҳаллий давлат ҳокимияти ижро органларининг асосий вазифаси – қонуннинг жойлардаги ижросини таъминлашнинг ўзига хос хусусияти эканлиги таққиз қилинган.

Калит сўзлар: маъмурий ислохотлар, ижро ҳокимияти, давлат органлари, мансабдор шахс, ҳуқуқий сиёсат, давлат бошқаруви.

Аннотация: одним из ключевых направлений административной реформы в Узбекистане является повышение эффективности органов исполнительной власти, анализирована содержания усиление их роли и ответственности в этой сфере. Изучен особенности обеспечения исполнения законов на местах как основной задачей исполнительных органов местной власти.

Ключевые слова: административная реформа, исполнительная власть, государственные органы, чиновник, правовая политика, государственное управление.

Annotation: one of the key directions of the administrative reform in Uzbekistan is to increase the efficiency of executive bodies, the content of strengthening their role and responsibility in this area is analyzed. The features of ensuring the implementation of laws at the local level have been studied as the main task of the executive bodies of local power.

Keywords: administrative reform, executive power, government bodies, official, legal policy, public administration.

Бугунги кунда Ўзбекистонда амалга оширилаётган маъмурий ислохотларнинг долзарб йўналишларидан бири ижро ҳокимияти органларининг самарадорлигини ошириш, уларнинг мазкур йўналишдаги роли ва масъулиятини кучайтиришга қаратилган. Маҳаллий давлат ҳокимиятининг ижро органлари ҳар бир ҳудуд фаолиятини ташкил этувчи давлат бўғини ҳисобланади. Мазкур ҳокимият давлат органларининг асосий ва давлат хизматчиларининг аксарият қисмини ўз ичига олиб, кенг доирадаги ваколатларга эгадир. Ҳуқуқий давлат концепцияси бўйича, маҳаллий давлат ҳокимияти ижро органларининг асосий вазифаси – қонуннинг жойлардаги ижросини таъминлаш бўлиб, объектив равишда, фуқароларнинг ҳуқуқ ва манфаатларига тегишли бўлган фаолиятнинг амалга оширилишини талаб этади. Бу эса, ўз навбатида, ҳар бир демократик давлатда маҳаллий ижро ҳокимияти органларини шакллантириш, ташкил этиш ва

масъулиятини белгилаш масалаларига жиддий ёндашиш лозимлигини талаб этади.

Давлат бошқаруви соҳасида қарорлар қабул қилиш жуда ҳам мураккаб ва серқирра жараён бўлиб, ҳаб бир мансабдор шахс ва ваколатли орган томонидан қабул қилинаётган қарор вақт нуқтаъи назаридан долзарблиги билан бирга ҳуқуқий муносабатларни тартибга солиш, кимларгадир ҳуқуқ ва мажбуриятлар бериш ва юклаш жиҳатидан адолатлилик ва шаффофлик тамойилларига асосланган бўлиши ҳамда, атрофлича муҳокама этилиши, етти ўлчаб бир кесилиши лозим бўлади. Шу билан биргаликда, мазкур қабул қилинган қарорнинг самарадорлиги унинг ижроси нечоғлик амалга оширилганлигида кўринади. Бу борада Низомулмулк “Сиёсатнома” асарида шундай дейди: “Фармоннинг ҳурмати ва куч-қуввати шундай бўлиши керакки, ижро этилмагунча уни ҳеч ким қўлидан кўйиши керак эмас. Агарда бирор кишининг фармонга салбий муносабати маълум бўлса ё унинг ижроси чўзилиб кетганлиги тўғрисида хабар етса, ундай кишига, агар у яқинлардан бўлса ҳам, жазо берилади. Подшоҳ амри, албатта, ижро этилиши ва унга жиддий муносабатда бўлиниши билан бошқалардан фарқ қилади” [1].

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 103-моддасига асосан, “Вилоят, туман ва шаҳар ҳокимлари ўз ваколатларини яқкабошчилик асосларида амалга оширадилар ва ўзлари раҳбарлик қилаётган органларнинг қарорлари ва фаолияти учун шахсан жавобгар бўладилар”. Маҳаллий ижро ҳокимиятининг роли, айниқса, ислохотлар амалга оширилаётган ҳамда демократияга ўтиш жараёнида муҳимдир. Фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш, муҳим хўжалик ислохотларини амалга ошириш ва бозор иқтисодиётини ташкил этиш борасида асосий масъулият ижро ҳокимияти зиммасига юклатилади. Давлат бошқарувининг мазкур органлари фуқароларнинг манфаатларини муҳофаза қилиш борасида ишлаб чиқилган янги демократик қонунларни ҳаётга татбиқ этишда муҳим роль ўйнайди. Маҳаллий давлат ҳокимияти органлари фаолиятида ҳуқуқий сиёсатни амалга ошириш, ижро органлари ва вакиллик органларининг самарали фаолияти, улар томонидан қабул қилинаётган қарорлар ва уларнинг ижроси масаласи билан чамбарчас боғлиқдир. Айни ушбу масалага 2020 йил 20 январь куни Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев янги сайланган Олий Мажлис Сенатининг биринчи мажлисидаги нутқида алоҳида тўхталиб ўтиб, қуйидагиларни...” Энди ижро ҳокимияти ёмон ишламоқда, деб нолиб ўтирадиган вақт ўтди. Ижро органи фаолияти устидан ким назорат қилиши керак? Аввало, сенаторлар эмасми? Қуйи кенгашлар қанчалик фаол бўлса, Сенатнинг иши шунча самарали бўлади. Ижро органини жойларда фаол ишлатиш сенаторларимизга жуда ҳам боғлиқ. Сенаторлар жойлардаги раҳбарлар ҳисоботини эшитиши, республика даражасида ҳал қилинадиган масалаларни Сенат муҳокамасига киритиб бориши керак.” [2] деб таъкидлаб ўтди.

Давлат бошқаруви соҳасида қарор қабул қилишда қўлланиладиган технология ва механизмлар қуйидаги омилларга боғлиқдир:

- сифат жиҳатдан муайян кўриниш ва шаклга эга жараёнларга;
- ушбу жараёнларнинг ўзига хос хусусиятларига;
- мазкур жараёнлар кечаётган соҳага;

– бу жараёнларда иштирок этаётган субъектларга;

– барқарор шарт-шароит ва бошқа омиллар.

Ҳокимият органлари томонидан қабул қилинадиган қарорларда сиёсий кучлар нисбати, миллатлар ва турли ижтимоий қатламлар манфаатлари ўз ифодасини топади. Шу боис, давлат бошқаруви соҳаси ўзига хос хусусиятларга эга. Бу ҳам тасодифий эмас, чунки давлат мамлакатнинг сиёсий йўналишини белгилашдан тортиб, оддий фуқаронинг мурожаатига жавоб беришгача бўлган жуда кенг қамровли ишларни амалга оширади. Қарорлар қабул қилиш жараёни кўп жиҳатдан давлат бошқарувининг қонунийлигига боғлиқдир. Буни давлат томонидан амалга оширилаётган ишларнинг ҳуқуқий асоси бор-йўқлигига қараб аниқлаш мумкин. Бунда давлатнинг, аввало, жамиятга хизмат қилиши ниҳоятда муҳим ҳисобланади.

Айни ушбу масалага юрбошимиз “Танқидий таҳлил, қатъий тартиб ва интизом ва шахсий жавобгарлик – ҳар бир раҳбар фаолиятининг кундалик қонидаси бўлиши керак” номли маърузасида алоҳида тўхталиб ўтиб қуйидагиларни билдириб ўтган... “айрим вилоят, шаҳар ва туман ҳокимликларининг раҳбарлари тушган ҳужжатларнинг ижросини таъминлаш юзасидан ўз вақтида, чуқур ишлаб чиқилган ва пухта асосланган қарорлар қабул қилиш ўрнига ушбу ҳужжатларга умумий тусдаги резолюциялар қўйиш ва топшириқлар бериш билан чекланмоқда. Шунингдек, кўпчилик раҳбарларнинг мураккаб муаммоларни кабинетдан чиқмасдан, “... жойлардаги ишлар қандай аҳволда эканини чуқур ўрганмасдан ҳал этишга одатланиб қолган [3].”

Дунё амалиёти шуни кўрсатмоқдаки – жойлардаги давлат бошқаруви органларига ҳудудий ривожланиш масалалари бўйича қарорларни қабул қилиш ва уларни яқка тартибда амалга ошириш каби айрим вазифаларни ишониб топширишни назарда тутувчи давлат бошқаруви тизимини марказлаштиришдан чиқариш концепциясини илгари суриш ёндашуви оммавийлашиб бормоқда. Ушбу ҳолатда, ривожланишни кўзда тутувчи марраларга етишиш томонидан қарайдиган бўлсак, жойларда самарали давлат бошқаруви нафақат давлат бошқарув институтлари орасидаги ўзаро алоқанинг яхшиланишига, балки шунингдек, барқарор ва самарали ҳудудий ривожланишга олиб келади. Натижада, айнан вилоят ва туманлардаги давлат бошқарув органларининг ривожланиш сиёсатида замонавий ёндашувларни ишлаб чиқиш ва тадбиқ этишда кенг оммани жалб этган ҳолда керакли ижтимоий-иқтисодий ўзгаришларни амалга оширишни талаб этувчи жаҳон талабларига ўз вақтида жавоб бера олиши, ҳудудларнинг келажақдаги иқтисодий ва ижтимоий ривожланиш даражасини белгилаб беради.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг XXI бобида Ўзбекистон Республикаси маҳаллий давлат ҳокимияти органлари фаолиятининг конституциявий асослари мустаҳкамлаб қўйилди. Мазкур қоида маҳаллий ҳокимият ва ижроия ҳокимияти органларининг тизимини, уларни ишини ташкил этиш тартибини, уларнинг вазифаларини, ваколатларини ташкилий фаолиятининг шакллари кўрсатиб берди.

Маҳаллий ҳокимият органлари Ўзбекистон Республикасининг қонунларини, Президент фармонларини, давлат ҳокимияти юқори органларининг қарорларини амалга оширадilar

ҳамда республика ва маҳаллий аҳамиятга молик масалаларни муҳокама қилишда қатнашади.

Конституциянинг 99-моддасида вилоятлар, туманлар ва шаҳарларда ҳокимлар бошчилик қиладиган халқ депутатлари Кенгашлари ҳокимиятнинг вакиллик органлари бўлиб, улар давлат ва фуқароларнинг манфаатларини кўзлаб ўз ваколатларига тааллуқли масалаларни ҳал этадилар деб белгилаб қўйилди.

Конституцияда маҳаллий ҳокимиятнинг икки мустақил органга – вакиллик ва ижро ҳокимият органларига бўлиниши белгиланди. “Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида” ги Қонуннинг 1-моддасида “Вилоятлар, туманлар ва шаҳарларда халқ депутатлари Кенгашлари давлат ҳокимиятининг вакиллик органларидир” деб аниқ белгилаб қўйилди.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 100-моддасида маҳаллий давлат ҳокимиятининг ваколатлари белгиланган. Бу ваколатларга қонунийликни, ҳуқуқий-тартиботни ва фуқароларнинг хавфсизлигини таъминлаш; ҳудудларни иқтисодий, ижтимоий ва маданий ривожлантириш; маҳаллий бюджетни шакллантириш ва уни ижро этиш, маҳаллий солиқлар, йиғимларни белгилаш, бюджетдан ташқари жамғармаларни ҳосил қилиш; маҳаллий коммунал хўжаликка раҳбарлик қилиш; атроф-муҳитни муҳофаза қилиш; фуқаролик ҳолати актларини қайд этишни таъминлаш; норматив ҳужжатларни қабул қилиш ҳамда Ўзбекистон Республикаси қонунларига зид келмайдиган бошқа ваколатларни амалга ошириш киради.

Вилоят, туман ва шаҳар ҳокимлари ўз ваколатларини яқкабошчилик асосида, халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлари эса коллегиял тарзда амалга оширадilar. Ҳокимлар ўзига берилган ваколатлар доирасида тегишли ҳудуддаги барча корхоналар, муассасалар, ташкилотлар, бирлашмалар, шунингдек мансабдор шахслар ва фуқаролар томонидан бажарилиши мажбурий бўлган қарорлар қабул қилади.

Ўзбекистон маҳаллий ҳокимияти органлари қуйидаги меъёрий ҳужжатларга асосан фаолият юритади: Ўзбекистон Республикаси Конституцияси; “Ўзбекистон Республикаси маҳаллий ҳокимият органларини қайта ташкил этиш тўғрисида” ги Ўзбекистон Республикасининг 1992 йил 4 январдаги қонуни; “Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида” ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни; Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашлари “Иш тартиби”; доимий комиссиялари тўғрисидаги Низом; бошқа меъёрий қонун ҳужжатлар. Ушбу меъёрий ҳужжатларнинг хусусиятларидан бири шундан иборатки, ҳамма поғонадаги маҳаллий ҳокимият органларининг фаолиятини ягона қонун ҳужжатлари асосида тартибга солиб туради.

Вилоят, туман ва шаҳар ижроия ҳокимияти ҳокимнинг раҳбарлиги остида фаолият юритади. Унинг таркибига белгиланган соҳа бўйича вазифани бажарувчи бўлинмалар сифатида ҳоким котибияти ва тармоқларга бўлинган бошқармалар киради.

Амалдаги қонунчиликка мувофиқ, ҳокимлик аппаратада қуйидаги бошқарувчилик ҳужжатлари тайёрланади: ҳокимнинг қарор ва фармойишлари; халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашининг қарорлари; ҳоким ва унинг ўринбосарларининг топшириқлари [4].

Вилоят, туман ва шаҳар ҳокимиятлари томонидан қарор ва фармойишларни, халқ депутатлари Кенгаши қарорларини, тезкор мажлислар баённомаларини, юқори турувчи ташкилотларга юбориладиган хизмат

хатлар имзоланади. Демак, маҳаллий ижроия органлари томонидан тайёрланадиган қарор ва фармойишлар асосан бошқарув қарорлари ҳисобланади.

Мамлакатимиз раҳбари вакиллик ва ижро органларида қарорлар қабул қилиш жараёнининг такомиллаштириш масаласига тўхталиб ўтиб, қуйидагиларни билдириб ўтдилар.., “Бироқ, йўлимизда қандай тўсиқ ва қийинчиликлар, кескин ва долзарб муаммоларга дуч келсак ҳам, шошма-шошарлик билан, пала-партиш қарорлар қабул қилишга, яхши ўйлаб кўрилмаган хатти-ҳаракатларга йўл қўйишга ҳаққимиз йўқ. Шу сабабли мавжуд камчиликларни бартараф этиш ҳамда давлат ҳокимияти ва бошқарув органларида қарорлар қабул қилиниши ва ижро этилишини янада яхшилаш лозим. Демакки, вакиллик ва ижро органларида қарорлар қабул қилиш жараёни таҳлили ва унинг самарадорлигини ошириш мамлакатимиздаги айни бугунги куннинг долзарб масалаларидан бири бўлиб қолмоқда [5].”

Таъкидлаш жоизки, маҳаллий Кенгашлар ҳудудларнинг ижтимоий-иқтисодий, социал-маданий ривожланиши, жойларда қонун ҳужжатлари ижросини таъминлаш ва ўз ваколатлари доирасидаги бошқа масалаларни ҳал қилиш борасида норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилиш билан бир қаторда, назорат фаолиятини ҳам амалга оширадилар. Маҳаллий Кенгашларнинг назорат фаолияти, одатда, депутатлик назорати ҳам дейилади.

Фикримизча, депутатлик назорати – бу маҳаллий Кенгашлар ва уларнинг органлари бўлган доимий ва муваққат комиссиялар, сиёсий партияларнинг депутатлик гуруҳлари, шунингдек депутатларнинг маҳаллий ижро ҳокимияти органлари ҳамда бошқа мансабдор шахслар томонидан қонун ҳужжатларининг ҳаётга тадбиқ этилиши ҳолатини кузатиш ва ўрганиш, ҳудудлардаги мавжуд тўсиқ, камчиликларни аниқлаш ҳамда уларни бартараф этишга қаратилган ташкилий-ҳуқуқий фаолиятдир. Қайд этиш жоизки, амалдаги қонун ҳужжатлари таҳлиliga кўра бугунги кунда халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларида депутатлик назоратининг қуйидаги шаклларида фойдаланилмоқда:

- амалдаги қонун ҳужжатларининг ижро ҳокимияти органлари ва унинг бошқарма ҳамда бўлимлари томонидан ижро этилишини назорат тартибда ўрганиш;

- бюджет соҳасидаги назорат, жумладан маҳаллий бюджетларни қабул қилиш ҳамда уларнинг ижроси тўғрисидаги ҳисоботларни кўриб чиқиш ҳамда маҳаллий солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларнинг ставкаларини қонун ҳужжатларида белгиланган миқдорлар доирасида белгилаш;

- ҳокимнинг ҳудудлар ижтимоий-иқтисодий ривожланишининг энг муҳим ва долзарб масалалари юзасидан ҳисоботларини, шунингдек бошқа мансабдор шахсларнинг ҳисобот ва ахборотларини эшитиш;

- депутатлик сўровлари, шунингдек сиёсий партияларнинг депутатлик гуруҳлари сўровларини юбориш;

- ҳокимнинг қарорларини тасдиқлаш, шунингдек ҳокимнинг ва қуйи Кенгашнинг Ўзбекистон Республикаси қонунларига мос келмайдиган қарорларини бекор қилиш;

- аксарият юридик адабиётларда мансабдор шахсларни тайинлаш ёки уларни лавозимларга тасдиқлаш ҳам депутатлик назорати шаклларида бири сифатида қайд этилади. Бизнингча, амалдаги қонун

ҳужжатларининг маҳаллий ижро ҳокимияти органлари ва унинг бўлимлари томонидан ижро этилиши устидан назоратни амалга оширишда Кенгаш ва унинг доимий комиссияларининг асосий вазифалари:

- биринчидан, қонун ҳужжатларининг ижро этилишига тўсқинлик қилаётган сабаблар ва шароитларни аниқлашдан;

- иккинчидан, қонун ҳужжатларининг ижро этилишида йўл қўйилаётган хато ва камчиликларни бартараф этиш юзасидан таклифлар ишлаб чиқишдан;

- учинчидан, энг долзарб ҳудудий муаммоларни аниқлаш ва уларни бартараф этиш бўйича тавсиялар ишлаб чиқишдан;

- тўртинчидан, Кенгаш доимий комиссиялари томонидан ўтказилган конференциялар, давра суҳбатлари ва семинарлар, шунингдек фуқароларнинг мурожаатларини кўриб чиқиш натижалари бўйича олинган ахборотни амалда қўлладан;

- бешинчидан, депутатларнинг ҳуқуқий билимлари ҳамда амалий кўникмалари даражасини оширишдан;

- олтинчидан, жамиятда ҳуқуқий маданиятни юксалтиришдан иборатдир.

Ўзбекистон Республикаси Бюджет кодексининг 27-моддасида маҳаллий Кенгашларнинг бюджет соҳасидаги ваколатлари белгиланган бўлиб, унга биноан халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлари: Қорақалпоғистон Республикаси бюджетини, вилоятлар ва Тошкент шаҳар маҳаллий бюджетларини, туманлар ва шаҳарлар бюджетларини тегишинча Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар, туманлар ва шаҳарлар ҳокимларининг тақдимномасига мувофиқ кўриб чиқади ва қабул қилади. Шунингдек, маҳаллий бюджетларнинг тегишли даврдаги ижроси тўғрисидаги ҳисоботларни ҳокимларнинг тақдимно-масига мувофиқ ҳар чорақда кўриб чиқади ва тасдиқлайди. Шу ўринда қайд этиш жоизки, Бюджет кодексининг ушбу меъёри, “Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида”ги Қонуннинг 17-моддасида Кенгаш сессияларини йилга камида тўрт марта чақирилишини белгилаш учун ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилади. Шу билан бирга, маҳаллий солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларнинг ставкаларини қонун ҳужжатларида белгиланган миқдорлар доирасида белгилашни ҳам Кенгашларнинг бюджет соҳасидаги назорат ваколати сирасига киритиш мумкин. “Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида”ги Қонуннинг 24-моддасига биноан, халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлари ҳокимнинг ва қуйи Кенгашнинг Ўзбекистон Республикаси қонунларига мос келмайдиган қарорларини бекор қилади. Бироқ, ушбу ҳужжатларни бекор қилиш тартиби, унинг механизмлари қонунчиликда ўз аксини топмаганини қайд этмоқчимиз. Яъни, ҳоким қарорларини бекор қилиш ташаббуси ким томонидан билдирилиши, қайси тартибда бекор қилиниши, уни бекор қилиш билан боғлиқ сессияда ким раислик қилиши каби масалаларни ҳуқуқий жиҳатдан тартибга солиш долзарб аҳамият касб этмоқда.

Юридик фанлари номзоди А.Дадашева ҳам ушбу масалани ҳуқуқий тадқиқ қилиш жараёнида маҳаллий даражада ваколатларнинг бўлиниши нуқтаи назаридан ҳозирги вақтда бирхиллаштирилган вилоят ва туман ҳокимиятларининг ташкилий тузилмаси оқилона кўринмайди. “Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси қонунида турли даражадаги ҳокимиятлар ўртасидаги масъулият соҳаларини бўлиниши ўз аксини топмади, бу эса ижроия

ҳоқимиятининг турли даражаларида “ким нима учун жавоб беради тушунчасининг мавхумлашишига олиб келади. Чунки барча даражадаги ижроия ҳоқимият органлари томонидан қарорларни кўриб чиқиш ва қабул қилиш амаллари борасида аниқ меъёрлар ёки стандартлар йўқ. Бу ҳолат эса қарорлар қабул қилишда бюракратлашувга олиб келиб, натижада бошқарув вазибаларнинг ноаниқ тақсимлашувига, ҳоқимият ходимларига ўзига хос бўлмаган вазибаларнинг юкланишига ва вазибаларнинг тегишлича бажариш имкониятидан маҳрум бўлишга олиб келишини билдириб ўтган [6].

Маълумки маҳаллий ҳоқимият органлари фаолиятини такомиллаштириш бевосита маҳаллий кенгашлар фаолиятининг такомиллашуви билан чамбарчас боғлиқдир. Ҳозирги кунда фақат 2014 йил 30 майда Сенатнинг маҳаллий ҳоқимият вакиллик органлари фаолиятини кучайтиришга кўмаклашувчи комиссияси томонидан қабул қилинган “Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашлари ҳамда улар доимий комиссиялари қарорларининг маҳаллий давлат ҳоқимияти ва бошқаруви органлари томонидан ижро этилиши устидан назоратни амалга ошириш бўйича намунавий тартиб” дагина белгилаб берган ҳолос.

Амалдаги қонун ҳужжатлари таҳлили маҳаллий кенгашларнинг назорат фаолиятини тартибга солувчи қонун ҳужжатларида қатор бўшлиқлар мавжуд эканлигини кўрсатди:

Биринчидан, “Маҳаллий давлат ҳоқимияти тўғрисида”ги Қонун ва бошқа қонун ҳужжатларида маҳаллий кенгашларда депутатлик назоратини амалга ошириш механизмлари ҳамда депутатлик назоратининг ҳуқуқий оқибатларини назарда тутувчи нормалар мавжуд эмас;

Иккинчидан, қонун ҳужжатларида депутатлик назорати шакллари, хусусан, депутат сўровини юбориш ва жавоблар олиш, сўровлар юзасидан мансабдор шахсларнинг ўз вақтида жавоб қайтариши механизмлари тўлиқ белгиланмаган. Сўровларда белгиланган масалаларни ҳал этиш юзасидан маҳаллий ижро ҳоқимиятининг айрим бўлим раҳбарлари эътиборсизлик ва ҳаракатсизликка йўл қўймоқда. Оқибатда, фуқароларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилишга қаратилган депутат сўровларида кўтарилган масалалар ҳал этилмай қолмоқда;

Учинчидан, мансабдор шахсларнинг ҳисоботларини тинглаш ва улар юзасидан қабул қилинган қарорларнинг ҳуқуқий оқибатларига тегишли ташкилий-ҳуқуқий тартиб-таомиллар белгиланмаган.

Шунингдек, бугунги кунда халқ депутатлари маҳаллий кенгаш қарорларининг матнларида одатда қатор умумий камчиликларни кузатишимиз мумкин. Хусусан, кўпгина ҳолларда халқ депутатлари Кенгаши қарорининг номи унинг мазмунига мос бўлмайди. Халқ депутатлари Кенгаши қарорларининг матнларида норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга ҳаволалар қилинганда уларнинг рекузитлари – норматив-ҳуқуқий ҳужжатнинг қабул қилинган санаси ва рақами тўлиқ кўрсатилмайди. Халқ депутатлари Кенгашининг қарорларидаги топшириқлар расмиятчилик учунгина берилади, яъни топшириқлар аниқ ва тушунарли бўлмайди. Баъзан эса халқ депутатлари Кенгашининг қарорларида мазкур қарорнинг ижроси зиммасига юклатилган аниқ ижрочилар кўрсатилмайди. Яна бир жиддий камчилик сифатида халқ депутатлари

Кенгашининг қарорларида баён этилган топшириқларни ижро этиш муддати, ушбу қарорлардаги топшириқлар ижросини таъминлашга масъул бўлган шахсларнинг белгиланмаганлигини кўришимиз мумкин. Айрим ҳолларда эса халқ депутатлари Кенгаши қарорлари ижроси устидан назоратни амалга ошириш халқ депутатлари Кенгашининг доимий комиссиялари ёки депутатлари эмас балки ҳоқимлик аппаратининг мансабдор шахсларига ёки ҳоқим ўринбосарлари – тегишли мажмуалар раҳбарлари зиммасига юклатилганлигининг гувоҳи бўламиз. Халқ депутатлари Кенгашларининг ўз фаолиятларида бундай камчиликларга йўл қўйишлари халқ депутатлари Кенгаши қарорларининг ижроси билан боғлиқ ишлар самарадорлигига ҳам, депутатларнинг фаолиятига ҳам ижобий таъсир қилмайди.

Маълумки, “Маҳаллий давлат ҳоқимияти тўғрисида”ги қонунга биноан Кенгашларнинг сессияда қарорлар ижросининг бориши ҳақида, депутатларнинг сессияларда айтган танқидий фикр ва мулоҳазаларини ҳисобга олиш ҳақида мунтазам хабардор қилиб бориши белгиланган. Шу боисдан ҳозирги шароитда қарорларнинг ижроси бўйича депутатларнинг назоратини ўрнатиш шакллари ривожлантирилмоқда. Қарорларнинг ижроси устидан назоратнинг тўғри йўлга қўйилиши қарорлар ижро қилинганлигини ҳоқимлик аппаратида, унинг бўлим ва бошқармаларида, доимий комиссиялар томонидан аниқ ҳисобга олиниши ёрдам беради. Шу мақсадда ҳоқимият девонида махсус журнал юритилади. Унда Кенгаш қарори, ҳоқимнинг қарор ва фармойиши, ҳужжатнинг тартиб рақами, қабул қилинган вақти, номи ва юборилган картотека бўлиб, унда қарорларнинг амалга оширилиши ҳам қайд қилиб борилади. Қарор ижро қилиниб бўлингач, унинг ижрочиси ким эканлиги шу соҳага раҳбарлик қилувчи ҳоқимият аппарати раҳбарларининг кўрсатмаси билан назоратдан олинади ва шу ҳақда қарточкага қайд қилинади. Бу эса қарорлар ижросини формал жиҳатдан назоратга олишга қулай имкон беради.

Давлат бошқарувининг қўйи бўғинида сиёсий ҳоқимиятнинг марказлашувига йўл қўймасликка, уни чеклаш ва назорат этишга қаратилган тамойил киритилса мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз. Зеро, барча бўғинларда ҳоқимиятнинг бўлиниши конституциявий, ҳуқуқий давлатнинг бош белгиларидан биридир. Бунда биз ҳар бир ҳоқимиятнинг мустақиллиги, бир-бирига таъсир кўрсатиш механизмларидан бири ҳисобланган вето тизимини жорий этишни таклиф этган бўлардик. Яъни, маҳаллий кенгашлар томонидан қабул қилинган сиёсий қарорларга ҳудудий бошқарув органлари раҳбар (ҳоқим)лари томонидан вето қўйиш тартибини жорий этиш лозим. Бу эса ижроия ҳоқимиятининг ҳудудий бошқарувдаги роли ва аҳамиятини, таъсирчанлик кучини сақлаб қолишда ҳам ресурс вазибасини ўтайди.

Адабиётлар рўйхати:

1. Сиёсатнома (Сияр ул-мулк) / Низомулмулк. Масъул муҳаррир Шариф Холмурод. Форс тилидан таржима, сўзбоши ва изоҳлар муаллифлари Шодмон Воҳид, Афтондил Эркинов. – Тошкент: Янги аср авлоди, 2015. 92-б.

2. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг Олий Мажлис Сенатининг биринчи мажлисидаги нутқи. Халқ сўзи. 21 январь. №15. (7516).

3. Мирзиёев Ш. Танқидий таҳлил, қатъий тартиб ва интизом ва шахсий жавобгарлик – ҳар бир раҳбар фаолиятининг кундалик қондаси бўлиши керак. – Т.: Ўзбекистон, 2017. 10-б.

4. “Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикасининг Қонуни // Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши Ахборотномаси. 1993. – №9, – 320-модда.

5. Мирзиёев Ш. Эркин ва фаровон, демократик Ўзбекистон давлатини биргаликда барпо этамиз. – Т.: Ўзбекистон, 2016.

6. Дадашева А.А. Ўзбекистон Республикасида маҳаллий давлат ҳокимияти вакиллик органларининг вужудга келиши ва ривожланиши (назария ва амалиёт): юрид. фан. номз.дис. автореф. – Т.: ЎзМУ босмаҳонаси,. 2008 й. 13-14-б.

Д.Камалова

ТДЮУ кафедраси мудири, юридик фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)

С.Собиров

ТДЮУ талабаси

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ КОНСТИТУЦИЯВИЙ СУДИ ХУЖЖАТЛАРИ ВА ОЛИЙ СУД ПЛЕНУМИ ТУШУНТИРИШЛАРИНИНГ ҲУҚУҚИЙ МОҲИЯТИНИНГ ЎЗАРО МУТАНОСИБЛИГИ

Аннотация: мазкур мақолада амалдаги қонун ҳужжатлари, илмий-назаририй ёндашув, шунингдек хорижий тажрибага асосланган ҳолда ҳуқуқ нормаларани тушунтириш (шарҳлаш) ваколатига эга бўлган Ўзбекистон Республикаси Конституциявий суди ва Олий суди томонидан қабул қилинган ҳужжатларнинг юридик моҳияти таҳлил қилинган.

Калит сўзлар: ҳуқуқий норманинг ноаниқлиги, шарҳ, тушунтириш, Конституциявий суд ҳуқуқий позицияси, Олий суд Пленуми, абстракт тушунтириш, суд амалиёти.

Аннотация: в статье на основе действующего законодательства, научно-теоретических взглядов, а также международного опыта анализируется юридическая природа судебных актов Конституционного и Верховного судов Республики Узбекистан, уполномоченных разъяснять (толковать) правовые нормы.

Ключевые слова: неясность правовой нормы, толкование, разъяснение, правовая позиция Конституционного суда, Пленум Верховного суда, абстрактное толкование, судебная практика.

Annotation: in this article, basing on the current legislation, scientific and theoretical views, as well as international experience, analyzed the legal nature of judicial acts of the Constitutional and Supreme courts of the Republic of Uzbekistan authorized to explain (interpret) legal norms.

Key words: the ambiguity of a legal norm, interpretation, explanation, Constitutional court's opinion, Plenum of the Supreme Court, abstract explanation, case law.

Судебная власть, будучи одной из ветвей государственной власти, призвана осуществлять правосудие — разрешение споров и конфликтов, возникающих в самых различных отраслях общественной жизни на основе действующих норм позитивного права. Непосредственно с осуществлением правосудия связана и такая функция судебной власти, как осуществление судебного надзора за деятельностью судебных органов (нижестоящих судов), а также дача толкований и разъяснений по вопросам правоприменительной практики.

Нормативно-правовые акты по объективным причинам не всегда могут успевать регулировать новшества, возникающие в правоприменительной деятельности (устаревание норм, появление новых общественных институтов, научно-технический прогресс и проч.). Вышеуказанное, а также наличие большого массива действующих актов законодательства, некоторые недочеты в юридической технике заставляют правоприменителя в лице высших судебных органов оперативно реагировать, в частности в целях недопущения произвольного применения и неправильного толкования тех или иных норм и правил. Осуществление данной функции непосредственным образом так-

же содействует укреплению правосудия и формированию единообразной судебной практики.

Одним из таких способов восполнения пробелов в актах законодательства по вопросам их применения является деятельность Конституционного суда Республики Узбекистан в форме вынесения судебного акта по вопросам дачи официальных толкований Конституции и законам, а также Верховного суда Республики Узбекистан в форме принятия постановлений Пленума по тем или иным вопросам применения законодательства. Вопрос соотношения их правовых характеристик требует особо подчеркнуть тот факт, что судебные акты высших судов в Республике Узбекистан «de jure» не являются источниками права. Как отмечал английский философ и историк Фрэнсис Бэкон, «судьи должны помнить, что их дело – истолковать закон, а не даровать его». Официальная интерпретация правовых норм в условиях их непрерывного принятия и исполнения крайне необходима для их правильного применения, устранения коллизий.

Переходя к вопросу о соотношении интерпретаций правовых норм, данных Конституционным судом и Верховным судом Республики Узбекистан, отмечается, что законодатель применительно к первой форме использует слово «толкование», а касательно постановлений Пленума Верховного суда – «разъяснение».

Официальное толкование Конституции и законов Республики Узбекистан возложено на Конституционный суд [1]. С научно-теоретической точки зрения, «толкование представляет собой особый вид деятельности государственных органов, должностных лиц, направленной на раскрытие смыслового содержания правовых норм и на выявление содержащейся в ней государственной воли» [2; -С.275]. Аналогичной точки зрения придерживаются и отечественные ученые, отмечая также при этом, что «толкование возникает из-за необходимости применения норм права, которые являются наиболее общими и носят общий характер, к индивидуальным отношениям, возникающим в обществе» [3; -С.167]. В науке также отмечается, что толкование права представляет собой промежуточную стадию между правотворчеством и право реализацией. «Первичная цель всех правил толкования законов состоит в том, чтобы установить намерение законодателя; или, точнее, значение, которое субъект уполномочен понимать как намерение законодателя» [4; -С. 72].

Выдающийся советский и российский ученый, цивилист, I председатель Комитета Конституционного надзора, бывшего СССР (1989-1991), прямо или косвенно оказавший влияние на развитие конституционного судопроизводства, С.С. Алексеев подчеркивал особую значимость толкований Конституционного суда, дающего нормативные разъяснения по конституционным вопросам [5; -С.245]. Из вышеуказанного, следует, что Конституционный суд в пределах своей компетенции применяет «логическое расширение закона» с целью устранения всех неясностей и противоречий, одновременно не создавая при этом каких-либо новых норм, что противоречило бы самой сути принципа разделения властей. А.А. Иванов, отмечая строгую границу толкований Конституционного суда, указывает, что «толкование, осуществляемое Конституционным судом – это особый вид толкования, когда норма закона разъясняется в соответствии с Конституцией» [6]. Дача официальных толкований Конституционным судом имеет место в большинстве стран романо-германской правовой семьи. Так, ст. 93 Консти-

туции ФРГ предусматривается, что Федеральный Конституционный суд, в частности, рассматривает дела о толковании Основного закона в связи со спорами об объеме прав и обязанностей какого-либо высшего федерального органа или иных сторон спора, которые согласно Основному закону или регламенту высшего федерального органа наделены собственными правами. Конституция Болгарии устанавливает полномочия Конституционного суда по даче толкований [7].

Толкования Конституционного суда являются правовыми позициями данного органа по конкретному делу и обязательны для всех органов государственной власти и управления, а также предприятий, учреждений, организаций и общественных объединений, должностных лиц и граждан [8].

Разъяснения относительно вопросов по применению гражданского, уголовного, административного, экономического законодательства и законодательства об административных правонарушениях относятся в соответствии со ст. 17 Закона Республики Узбекистан «О судах» к ведению Верховного суда [9]. Касательно разъяснений Пленума Верховного суда и его полномочий на их принятие имеются многочисленные споры и мнения. В современном их понимании первые постановления Пленума Верховного суда начали издаваться с 1933 года [10]. Разъяснения, данные Пленумом Верховного суда, в соответствии со ст. 21 вышеназванного Закона, так же, как и решения Конституционного суда, обязательны для судов, других органов, предприятий, учреждений, организаций и должностных лиц, применяющих законодательство, по которому дано разъяснение.

Необходимо подчеркнуть, что в постановлениях Пленума Верховного суда de facto могут содержаться нормативные положения, которые конкретизируют тот или иной акт законодательства по вопросам его применения. Также допускается применение постановлений Пленума при решении соответствующих дел наряду с законами (например, ст. 179 ЭПК, ст. 158 Ко-АС Республики Узбекистан). Вопрос о сущности постановлений Пленума Верховного суда, как указывалось выше, вызывает споры. Однако, некоторыми из ученых в качестве подвида нормативного толкования указываются и «правоприменительное толкование, т.е. разъяснение, содержащееся в актах центральных юрисдикционных органов (Пленум Верховного суда), имеющих значение общих правил и призванных обеспечить надлежащее применение закона» [5; -С.245].

Постановления Пленума Верховного суда являются своеобразным ориентиром для нижестоящих судов, содержащиеся в них разъяснения являются механизмом преодоления неопределенностей в правоприменении и формирования единообразной судебной практики. По своей юридической природе «постановления Пленума Верховного суда являются актами абстрактного толкования» [6], которые основываются, в отличие от судебных актов Конституционного суда, предполагающие правовые позиции по конкретному делу, на обобщении судебной практики, анализе судебной статистики. Также необходимо отметить, что постановления Пленума представляют собой также и результат глубокого теоретического обобщения и переработки всего массива судебной практики в отдельной отрасли права.

В противоположность к этому высказывается и иная точка зрения, согласно которой «абстрактное толкование законов, когда избирается только одно

доктринальное объяснение хуже формулирования правовых позиций по конкретным судебным делам» [6].

Помимо содержательной стороны, акты Конституционного суда по даче толкований и постановления Пленума Верховного суда различаются и по внешним признакам (по форме и процедуре принятия акта). В соответствии с действующим законодательством Республики Узбекистан в Конституционный суд вправе обращаться только указанные в законе должностные лица и государственные органы, перечень которых не подлежит расширительному толкованию. Кроме того, рассмотрение дела о даче официального толкования является одной из форм осуществления конституционного судопроизводства. Пленум Верховного суда же, в свою очередь, созывается и не осуществляет правосудие; решение принимается, как уже отмечалось, на основе исследования судебной практики. Практическая значимость созыва Пленума Верховного суда, как представляется, заключается в том, что при делящихся процедурах принятия законодательных актов, дача разъяснений может, более или менее, стать альтернативой для правоприменителя. На основании того, что деятельность Конституционного суда является формой судопроизводства, то в таком случае должен иметь место и такой институт, как особое мнение судьи. Различается и порядок отмены судебных актов высших судов.

Резюмируя вышеизложенное, следует вывод, что основным критерием сравнения и сопоставления судебных актов Конституционного и Верховного судов (Пленума), разъясняющих в той или иной степени смысл правовой нормы и ее применение, является сам предмет интерпретации:

1. Конституционный суд формулирует правовые позиции в рамках конкретного дела при неясности и противоречивости норм законов, требующих толкования. Решение, принятое по данному конкретному делу, имеет обязательный характер и подлежит исполнению;

2. Правовая абстрактность постановлений Пленума Верховного суда предполагает, что данные разъяснение, как правило, представляют собой общие направления применения законодательства, имеющих своей целью поддержания принципа правовой определенности в практике судов.

Список литературы:

1. Конституция Республики Узбекистан, ст. 109. Национальная база данных законодательства, 05.09.2019 г., № 03/19/563/3685

2. Марченко М.Н., Дерябина Е.М. Теория государства и права: учебник для бакалавров. – Москва: Проспект, 2015. – 432 с.

3. Давлат ва ҳуқуқ назарияси: Дарслик / Масъул муҳаррир ю.ф.д., доцент Н.П. Азизов. – Т.: Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 2018. – 228 б.

4. Joel Prentiss Bishop «Commentaries on The Written Laws and Their Interpretation». Boston: Little Brown and Company. – 372 p. // www.archive.org

5. Алексеев С.С. Собрание сочинений. В 10 т. Том 8: Учебники и учебные пособия. – М.: Статут, 2016. – 480 с.

6. Иванов А.А. «Седьмая инстанция?» // <https://www.zakon.ru>

7. <http://www.concourt.arm>

8. Конституционный закон Республики Узбекистан «О Конституционном суде Республики Узбекистан, ст.

13. Собрание законодательства Республики Узбекистан, 18.03.2020 г., № 03/20/612/0326

9. Закон Республики Узбекистан «О внесении изменений и дополнений в Закон Республики Узбекистан «О судах». Национальная база данных законодательства, 11.03.2020 г., № 03/20/607/0279

10. Безродная Е.Б. «Роль Верховного суда в вопросе разъяснения судебной практики» www.moluch.ru.

Э.О.Қодиров

ТДЮУ “Давлат ҳуқуқи ва бошқаруви” кафедраси
профессори в.б., ю.ф.д.

ЁШЛАР ҲУҚУҚИЙ МАДАНИЯТИНИ ЮКСАЛТИРИШНИНГ ҚОНУНИЙ АСОСЛАРИ ВА ПРИНЦИПЛАРИ

Аннотация: мазкур мақолада ёшларнинг ҳуқуқий маданиятини юксалтиришда фармон ва концепцияда белгиланган жамиятда ҳуқуқий маданиятни юксалтиришнинг принциплари: «шахс – оила – маҳалла – таълим муассасаси – ташкилот – жамият» тизимли таҳлил этилган.

Калит сўзлар: ёшлар ҳуқуқий маданияти, шахс, оила, маҳалла, таълим муассасаси, ташкилот, жамият.

Аннотация: в данной статье на системной основе анализируются принципы повышения правовой культуры в обществе, определенные указом и концепцией повышения правовой культуры молодежи через призму: «личность – семья – махалла – образовательное учреждение – организация – общество».

Ключевые слова: молодежная правовая культура, личность, семья, махалла, образовательное учреждение, организация, общество.

Annotation: in this article, on a systematic basis, analyzed the principles of enhancing the legal culture in society, defined by the decree and the concept of enhancing the legal culture of youth through the prism: "personality – family – mahalla - educational institution – organization – society".

Keywords: legal culture of youth, personality, family, mahalla (neighborhood), educational institution, organization, society.

Ёшлар ҳуқуқий маданиятини юксалтиришнинг қонуний асослари ва принципларини илмий-назарий жиҳатдан тадқиқ этишни биз Ўзбекистон Республикасининг Президенти Шавкат Мирзиёев томонидан 2019 йилнинг 9 январидан имзоланган «Жамиятда ҳуқуқий онг ва ҳуқуқий маданиятни юксалтириш тизимини тубдан такомиллаштириш тўғрисида»ги Фармони ва у асосида қабул қилинган Жамиятда ҳуқуқий маданиятни юксалтириш Коцепцияси асосида амалга оширдик. Сабаби мазкур мақола мазмунан ушбу норматив-ҳуқуқий ҳужжатнинг ижросини таъминлашга хизмат қилади.

Зотан, мақолада биз ўрганаётган ёшларнинг ҳуқуқий маданиятини юксалтиришдаги ўзига хослик фармон ва концепцияда белгиланган вазибалар қаторида жамиятда ҳуқуқий маданиятни юксалтириш: «шахс – оила – маҳалла – таълим муассасаси – ташкилот – жамият» принципи бўйича тизимли ва узвий ташкил этилишига мантиқан уйғун [1].

Ана шу жиҳатдан, шахс ҳуқуқий маданияти бу энг аввало, қонунларга риоя этиш ва уларни сўзсиз бажариш, қонунга итоаткорлик, ҳуқуқни ва одил судловни ҳурмат қилишдир. Шахс ҳуқуқий маданиятининг юксалиги ҳуқуқий давлат ва фуқаролик жамияти қарор топиши ва ҳуқуқий тизимининг юксалишини англатади. Мамлакатимизнинг тараққиёти ва ислоҳотларнинг муваффақияти айнан, шахс ҳуқуқий юксалигига боғлиқ. Шахсининг ҳуқуқий маданияти унинг чинакам

фуқаровий муносабати, демократик ислоҳотларга хайрихоҳлиги, белгиланган мақсадларга тезроқ эришишининг муҳим шarti ҳисобланади. Шахс ҳуқуқий маданияти ҳуқуқни ҳурмат қилишни, ҳуқуқдан керак даражада хабардорликни назарда тутати. Бундай тоифадаги шахс: юридик нормаларни муайян даражада билиши; муайян ҳуқуқий онгга эга бўлиши; ҳуқуқни ҳурмат қилиш кўникмаси шаклланган хулқ-атвори билан ажралиб туради.

Шахс ҳуқуқий маданияти ўз таркибида:

- қонунга итоаткорлик;
- қонуний ва ҳуқуқий институтларни чуқур ҳурмат қилиш;
- юксак даражада ижтимоий-ҳуқуқий фаоллик;
- ҳуқуқни ижтимоий ўзгаришлар ва шахс манфаатларини ҳимоя қилишнинг самарали воситаларидан бири сифатида баҳолаш каби жиҳатларни ўзида мужассам этади.

Бинобарин, *шахс* ҳуқуқий маданияти бу ҳуқуқий билимлар, ҳуқуққа нисбатан ихтиёрий хоҳиш ва истак асосидаги муносабат ҳамда қонуний хулқ-атворнинг йиғиндисидир. Ҳаётининг тажриба, мавжуд реал муҳит, оммавий ахборот воситалари каби ҳуқуқий билимларнинг асоси ҳисобланади. Бироқ шахсининг юксак маънавий фазилатларисиз, қонуний хулқ-атвор кўникмаларисиз ва ҳуқуқий фаоллигисиз юксак ҳуқуқий маданиятга эришиб бўлмайди.

Оила – шахс камолотини белгиловчи асосий ижтимоий институт саналади. Жамият ва оилада юз берадиган ҳодисалар бир-бири билан мантиқан боғлиқ. Бугунги кунда иқтисодий, сиёсий, ҳуқуқий ва маънавий билимларга эга бўлган ижобий фазилатларни ўзида мужассам этган оила жамиятнинг асоси саналади. Шу боис, оила нафақат фарзандларни дунёга келтириш балки давлат ва жамият учун муносиб инсонлар тарбияловчи муҳим ижтимоий институт ҳисобланади. Шахсда ҳуқуқий маданиятнинг шаклланиши ҳам дастлаб бошланғич асосини айнан соғлом оилавий муҳитдан олади.

Оилада ота-оналар ўртасидаги соғлом муносабат фарзандларининг ҳуқуққа бўлган ижобий қарашларини шакллантиришга муҳим омил бўлиб хизмат қилади. Халқимизда: «Қуш уясида кўрганини қилади» деган мақол бежиз айтилмаган. Агар ота-оналарнинг ўзлари ҳаётимизда бўлаётган ўзгаришларнинг ҳуқуқий томонларидан беҳабар бўлсалар, хизмат жойларида, кўча-кўйда билиб-билмай қилган ҳуқуқбузарликларини ҳеч нарса бўлмагандек, фарзандлари олдида муҳокама қилишса ва ўзларини ҳақ деб ҳисоблашса, бу ёшлар тарбиясига салбий таъсир кўрсатади.

Ёшлар ҳуқуқий маданиятини юксалтиришда оила шубҳасиз муҳим ўрин тутати. Чунки ёшлар тарбиясининг аксарият қисми айнан оилада шаклланади. Оилада болалиқдан берилган одиллик, тўғрилиқ, ёлғон гапирмаслик, ноҳақлик, кечиримлилик, меҳр-оқибат, назорат, муайян тақиқланган салбий ҳаракатларни қилмаслик ва жазолаш борасидаги тарбиявий усуллар дастлаб боланинг онгида кейин эса хулқ-атворига кўчиб уни бажаришга одатланиб боради. Натижада фарзанднинг оилада олган ижтимоий тарбияси асосида ҳуқуқий онги ўсиб, ҳуқуқий муносабати ҳамда хулқ-атвори шаклланади.

Оилавий муҳит ва тарбия ёшларнинг давлат ва жамият учун муносиб ҳуқуқий фаол, ўз ҳуқуқ ва мажбу-

риятларини тенг англайдиган ёки аксинча, шахс бўлиб этишишига замин яратади.

Фармон ва у асосида қабул қилинган концепцияда, оилада ёшларнинг ҳуқуқий тарбиясини шакллантиришнинг принцип, усул ва воситалари ҳуқуқий институтлар билан тизимли ва манзилли равишда амалга оширилиши белгиланган. Фикримизча, ушбу жараёнда ота-оналарнинг кундалик турмушда одоб-ахлоқ масалаларида ибрат намунасини кўрсатиши муҳим аҳамият касб этиб, белгиланган ҳуқуқий механизмнинг амалда ишлашига замин яратади.

Ёшларнинг ҳуқуқий маданиятини юксалтиришда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, маҳаллаларнинг роли беқиёсдир. Маҳаллалар ёшларнинг ҳуқуқий маданиятини юксалтиришга бевосита ва билвосита таъсир кўрсатади. *Маҳалла институти* – ёшларнинг маҳаллий аҳамиятга молик масалаларини ўз манфаатларидан, ривожланишнинг тарихий хусусиятларидан, миллий ва маънавий қадриятлардан, маҳаллий урф-одатлар ва анъаналардан келиб чиқиб амалга оширади.

Шу нуқтаи назардан келиб чиқиб, маҳаллалар ёшлар учун манзилли ва предметли ҳуқуқий тарғиботни амалга оширишга бевосита масъулдирлар. Шунингдек, ёшларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари ҳамда қонуний манфаатларига тегишли бўлган қонун ҳужжатларининг мазмун ва моҳиятини мутахассислар ёрдамида ёшлар онгига етказишга ҳам бевосита масъуллиги фармонда ўз аксини топган. Маҳалла институти ёшларнинг тўғри ҳуқуқий ижтимоийлашувига катта имконият яратади.

Маҳалла институти жамоатчилик назоратининг субъекти сифатида адвокатлар, нотариуслар, юридик хизмат ходимлари ва бошқа ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар томонидан ёшларнинг манфаатига дахлдор масалалар бўйича тушунтиришлар беришни ташкил этади. Ҳуқуқбузарликлар ва ҳуқуқбузарликлар профилактикаси, тарбияси оғир ёшлар билан ишлашни такомиллаштириш мақсадида судлар билан маҳаллаларда очиқ мулоқот тизимини йўлга қўйиш каби вазифаларни амалга ошириш орқали ёшларнинг ҳуқуқий маданиятини юксалтиришга ўзининг муносиб ҳиссасини қўшади.

Таълим муассасаларида ёшларнинг ҳуқуқий маданиятини юксалтириш – шахснинг болалиқдан, яъни дастлаб мактабгача таълим муассасаси, умумтаълим мактаблари, академик лицейи ва касб-ҳунар коллежлари, олий ўқув юртларида амалга оширилади. Агар ўқувчи тегишли назарий ҳуқуқий билимларга эга бўлмаса, турли ҳуқуқбузарлик ёки жиноятларнинг қурбонига айланиши мумкин. Айнан шу боисдан ҳам ёшлар ҳуқуқий маданиятини юксалтиришда таълимни давлат томонидан бошқариш органлари ва таълим муассасаларининг ўрни беқиёс.

Таълим муассасалари ёшларга ҳуқуқий билимларни бериш орқали уларда ҳуқуқий тушунча ва тасавурлар, ҳуқуқий кўникма ва малакасини шакллантириш ҳамда ҳуқуқ нормаларига риоя этиш руҳида тарбиялаб, ёшларнинг ҳуқуқий онги ва маданиятини юксалтиради.

Мамлакатимизда ёшларнинг ҳуқуқий тарбияси – стратегик масала эканлигидан келиб чиқиб, бугун республикаимиздаги таълим муассасаларида узлуксиз таълим тизими таълим-тарбия усулларини қайта кўриб чиқишимиз зарур. Фарзандларимизда мураккаб вазиятларда тўғри ечим, қарорлар қабул қила олиш кўникмаларини шакллантиришимиз керак. «Биз

ёшларимизга «Сен конституцияимиздаги нормаларни кўпайтириш жадвалидек билишинг керак, дея олишини керак ...». Бу фикр ҳар бир ўқитувчи, мураббийдан ўз ишини танқидий кўриб чиқишни талаб қилади. Нима учун? Бу фикрнинг аҳамиятини англаш учун бир ҳуқуқий вазиятни кўз олдимизга келтирамиз: Сиз 7-синфга кириб, «Сиз Ватан олдида қандай бурчларим бор, деб ҳисоблайсиз?», «Ота-онангиз олдидаги қайси бурчларингизни биласиз?», деб сўрасангиз, турли жавобларни оласиз. Лекин 7 га 7 ни қўшсак, неча бўлади, десангиз, ўқувчилар жўр бўлиб, яқдиллик билан «Ўн тўрт!», деб мағрур жавоб беришади. Нега шундай? Чунки 7+7=14 да, аниқлик таъминланган. «Ўзбекистон ёшларининг Ватан олдида қандай бурчлари бор?» деган саволга жавобда эса шу аниқлик йўқ. Нега? Чунки шу пайтгача ҳуқуқий тарбиявий ишлар тизими олдига аниқлик, кафолатни таъминлаш талаби қўйилмаган. Демак, биз зудлик билан таълим муассасаларида ҳуқуқий тарбиявий ишларимизни мавҳумликдан тозалаб, аниқлик сари интилишимиз керак. Токи фарзандларимиз ўзларининг Ватан олдидаги бурчларининг дастлаб лоақал 3 тасини, кейинги йил 5 тасини аниқ, яқдиллик билан мағрур «кўпайтириш жадвалидек» билсин, амалда қўллашга тайёр бўлсин. Ана шунда бу аниқ билимлар эртага уларнинг ҳаётда турли вазиятларда иккиланмасдан, тўғри қарор қабул қилишларида мадад бўлади.

Норматив-ҳуқуқий ҳужжатда «Ўзбекистон Республикаси Конституциясини ўрганиш» ва «Инсон ҳуқуқларини ўрганиш» махсус курсларини барча таълим муассасаларида ўқувчиларнинг ёш босқичини эътиборга олган ҳолда ўқитиш ҳамда уларнинг яқини бўйича синовлар ўтказиш белгиланган. Шунингдек, бу борада янги авлод дарсликлари ва ўқув қўлланмаларини ҳуқуқий тизим талаблари ва ўқувчиларнинг ёш хусусиятини эътиборга олиб тайёрлаш масаласи ҳам назарда тутилган. Айниқса, ёшларга ҳуқуқни амалий ўргатиш бўйича «Street law» (Кўча ҳуқуқи – амалий ҳуқуқ) лойиҳасини жорий этиш вазифасининг белгилангани диққатга сазовор. Ёшлар ўртасида ҳуқуқий маданияти юксакларини рағбатлантириб бориш мақсадида турли босқичдаги ҳуқуқ йўналишидаги кўрик танловлар ўтказилишининг белгилангани ҳам ёшлар учун фойдадан холи бўлмайди.

Давлат органлари ва ташкилотлар ходимлари ҳуқуқий маданиятининг юксаклиги жамиятда ёшларнинг ҳуқуқий маданиятини юксалтиришга бевосита таъсир этади. Давлат бошқарувини либераллаштиришнинг тақдири, демократлаштиришнинг кутилган натижаларни бериши ва истиқболи давлат органлари ва ташкилотлар ходимларининг ҳуқуқий фаоллигига, ижтимоий, ҳуқуқий жараёнлардаги онгли ва масъулиятли иштирокига боғлиқ. Чунки давлатнинг ижтимоий, ҳуқуқий салоҳиятини белгилувчи омиллардан бири – давлат органлари ва ташкилотлари ходимларининг ижтимоий фаоллиги, ҳуқуқий маданиятининг юксаклигидир. Мамлакатимизда давлат органлари ва ташкилотлари ходимларининг ўз ҳуқуқ ва мажбуриятларини яхши билиши ҳуқуқий демократик давлат ва кучли фуқаролик жамияти қарор топиши ҳамда айнан, ёшларнинг ҳуқуқий маданиятини юксалтиришга ўз ижобий таъсирини кўрсатади.

Бугунги кунда ҳуқуқни амалий қўллаш амалиёти, халқ билан мулоқот натижалари давлат органлари ва ташкилотлари айрим мансабдор шахслар ҳуқуқий билимининг етарли эмаслиги ёхуд ҳуқуқий маданияти

даражаси пастлигини кўрсатмоқда. Ушбу ҳолатни ёшлар сиёсати ва ҳуқуқий маданияти даражаси билан боғлиқ куйидаги ҳолат билан изоҳлаш мумкин. Жумладан, республикамизда ўтган 2018 йили 16 ёшдан 25 ёшгача бўлган ёшлар ўртасида ишсизлик даражаси 17 фоиздан ортгани ҳақида Podrob- no.uz корреспонденти Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлигининг ахборотида асосланиб хабар берган. Ишсиз ёшлар (30 ёшгача бўлган) даражаси эркаклар ўртасида 15,1 фоизни, хотин-қизлар ўртасида 12,9 фоизни ташкил қилган. Ишсиз ёшларнинг аксарияти Қашқадарё, Самарқанд ва Фарғона вилоятларига (9,7 фоиз) тўғри келмоқда, шунингдек, Тошкент шаҳрида (7,9 фоиз) ёшлар ишсизлиги нисбатан пастроқ даражада сақланиб қолмоқда [2].

Давлат органлари ва ташкилотлар ходимларининг ҳуқуқий маданиятини ошириш масаласи давлатимизда ислохотларнинг натижасига ҳамда ёшларнинг ҳуқуқий маданиятини оширишга ўз таъсирини кўрсатишини назардан қочирмаслик керак. Шу боис, ушбу норматив-ҳуқуқий ҳужжатда давлат органлари ва ташкилотлар ходимларининг ҳуқуқий маданиятини юксалтириш борасида бир қатор вазифалар белгиланди. Жумладан, ҳуқуқий тарғибот тадбирларини ўтказиш бўйича услубий қўлланма ишлаб чиқиш, жамоатчилик асосида фаолият юритувчи ҳуқуқий тарғибот гуруҳларини ташкил қилиш ва улар томонидан соҳага оид қонун нормаларини тизимли равишда тарғиб қилиш, кадрларни бўш лавозимларга танлашнинг шаффофлигини таъминлаш кабиларнинг белгилангани бежиз эмас. Табиийки, давлат хизматчиларининг ҳуқуқий маданиятини юксалтиришга қаратилган ушбу механизмлар ўз самарасини беради.

Жамият ҳуқуқий маданияти маънавий қадриятларнинг муҳим таркибий қисми ҳисобланади. У ҳуқуқий мулоқот ва ижтимоий муносабатларни тартибга солишнинг ҳуқуқий воситаларидан фойдаланиш билан боғлиқ хулқ-атвор ва ҳаракатларнинг барча турларини қамраб олади. Жамият ҳуқуқий маданияти ижтимоий онг даражаси, мавжуд қонунчиликнинг ҳолати ва хусусияти, мамлакатда яратилган ҳуқуқий тартибнинг мустақамлик даражаси билан белгиланади. У аҳолининг умумий маданий даражаси билан бевосита боғлиқ бўлиб, аҳоли маданиятининг сиёсий, маънавий, эстетик турлари билан ўзаро алоқага киришади ҳамда инсон ҳуқуқ ва эркинликларининг тўлиқлиги, ривожланганлиги ва таъминлангани; ҳуқуққа амалда эҳтиёж мавжудлиги; мамлакатдаги қонунийлик ва ҳуқуқий тартибот ҳолати; жамиятда юридик фан ва юридик таълимнинг ривожланиш даражаси билан белгиланади.

Жамият ҳуқуқий маданияти – ҳуқуқий ҳаётнинг сифати, инсон ҳуқуқлари ва эркинликларининг давлат ва жамият томонидан қаролатилганлик даражаси, шунингдек жамиятнинг ҳар бир аъзоси ҳуқуқни билиши, тушуниши ва унга риоя этиши демакдир.

Ана шу нуқтаи назардан жамият ҳуқуқий маданиятини юксалтиришда муносиб ҳисса қўшган ҳуқуқ тарғиботчиларини рағбатлантириш мақсадида Концепцияда «Ҳуқуқий тарғибот аълочилиси» кўкрак нишони таъсиси этилиши белгиланди.

Жамият ҳуқуқий маданиятини юксалтиришга масъул давлат органи сифатида Адлия вазирлиги томонидан ўтган вақт мобайнида қатор амалий ишлар амалга оширилгани ҳам эътиборга молик. Хусусан, «Huquqiy axborot» телеграмм канали – 130 минг дан ортиқ аъзоси бор. Каналга оддий фуқаролардан

тортиб нуфузли халқаро нашрларгача ҳаволалар берилади. Ҳозирда ушбу канал инглиз тилида ҳам юритилмоқда.

Ҳуқуқий тестлар (www.test.adliya.uz) сайтида доимий равишда янгиланиб турадиган тест саволларига жавоб бериш орқали фуқаролар ўз ҳуқуқий билим кўрсаткичини аниқлаб борилади.

«Адлия ахбороти» брифинги – ҳафтанинг ҳар жума кунлари қонун ҳужжатларининг моҳияти ва аҳамиятини аҳолига етказиш мақсадида ўтказиб келинмоқда. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 13 апрелда «Давлат ҳуқуқий сиёсатини амалга оширишда адлия органлари ва муассасалари фаолиятини тубдан такомиллаштириш чора тадбирлари тўғрисида»ги Фармони имзоланди. Унга мувофиқ туман (шаҳар) адлия бўлимлари ташкил этилди. Тошкент давлат юридик университетининг Ҳуқуқий тадқиқотлар маркази негизда Адлия вазирлиги ҳузуридаги Ҳуқуқий сиёсат тадқиқот институти ташкил этилди. У ҳуқуқий онг ва ҳуқуқий маданиятни ошириш услублари ва усуллари ишлаб чиқиш билан шуғулланади.

Манзилли ва ақлли тарғибот – бир ойлик акция давомида оммавий ахборот воситалари, ижтимоий тармоқлар орқали, шунингдек, кўчаларда, аҳоли гавжум жойларда, турли корхона ва муассасаларда фуқароларга ҳуқуқий маслаҳатлар ва ҳуқуқий ёрдамлар берилди. 38 мингдан ортиқ аҳоли хонадонига бориб, бевосита суҳбатлар қилиниб, ҳуқуқий маслаҳатлар берилди [3]. Жамият ҳуқуқий маданияти шахснинг кейинги камолотини белгилайдиган ва унинг юксалишига замин яратадиган, ҳуқуқий тизимни шакллантирадиган эътиборталаб ва ўта муҳим кенг қамровли босқич саналади. Демак, ёшлар ҳуқуқий маданиятини юксалтиришнинг қонуний асослари Концепцияда қайд этилган принциплар билан боғлиқ. Шахснинг ҳуқуқий маданияти ҳуқуқий ижтимоийлашув асосида бутун умри мобайнида давом этадиган жараён экан. Ёш босқичи шахснинг кейинги камолотини белгилайдиган ва унинг юксалишига замин яратадиган, эътиборталаб ҳамда ўта муҳим босқич саналади. Қонун ҳужжатлари ёшларнинг жамиятда ўз ўринларини топишига катта таъсир кўрсатади. Шунинг учун ёшлар ҳуқуқий маданиятининг юксалишида ёшларга давлат ва жамият, юқорида қайд этилган ижтимоий ҳамда ҳуқуқий институтлар томонидан катта эътибор талаб этилади.

Юқоридаги фикрлардан қуйидаги хулоса ва таклифларни илгари суриш мумкин:

– ёшлар ҳуқуқий маданиятини юксалтиришнинг қонуний асослари ва принципларига илмий-назарий жиҳатдан ёндашиб уни таҳлил ва тадқиқ этиш турли ёш босқичидаги ёшларнинг ҳуқуқий маданиятини юксалтиришда муҳим амалий аҳамиятга эга;

– ёшлар ҳуқуқий маданиятини юксалтиришнинг қонуний асослари ва принциплари дастлаб уларда ҳуқуқни қўллаш кўникмасининг шаклланишига замин яратишга хизмат қилади. Чунки ҳуқуқий маданиятни юксалтириш субъектив характерга ҳам эга бўлгани ва ёшлар айнан қонун ҳужжатларининг моҳиятини англаш орқали ҳуқуқни қўллаш амалиётига эга бўлади. Ёшлар учун қонун ҳужжатларини тарғиб этишнинг замонавий таъсирчан воситаларидан фойдаланиш вақти келди;

– ёшлар маданият ва ҳуқуқнинг ташувчилари ҳисобланади. Шу боис ёшларда ҳуқуқий маданиятни юксалтиришда дастлаб уларда умумий маданият, миллий ва умумбашарий қадриятларни болалигидан

шакллантириш лозим;

— мамлакатимиз ёшларининг ҳуқуқий маданиятини юксалтиришнинг қонуний асосларидан бири уларга ҳуқуқий таълим бериш ҳисобланади. Ёшларига ҳуқуқий таълим беришни такомиллаштириш зарур эканлини эътироф этамиз. Сабаби, бу ёшларга давр талабидан келиб чиқиб, ҳуқуқий тарбияни умумий асосда эмас, аксинча, бевосита уларнинг манфаатини кўзлаб, уларнинг таълим йўналиши ёхуд олаётган касб нуктаи назаридан келиб чиқиб амалга ошириш лозим, деб ҳисоблаймиз.

Адабиётлар рўйхати:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 9 январдаги ПФ— 5618-сон «Жамиятда ҳуқуқий онг ва ҳуқуқий маданиятни юксалтириш тизимини тубдан такомиллаштириш тўғрисида»ги Фармони // Халқ сўзи, 2019 йил 10 январь.
2. <https://www.podrobno.uz/cat/economic/v-uzbekistane-uroven-bezrabo/30>
3. Адлия вазирлиги: ҳуқуқий тарғибот: 1 йил ичида. — Инсон ва қонун, 2018 йил 25 декабрь.

А. Ли

и.о. профессора кафедры «Бизнес право»
ТГЮУ, к.ю.н.

ЗАКОНОДАТЕЛЬСТВО РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН О ГОСУДАРСТВЕННОМ ФИНАНСОВОМ КОНТРОЛЕ: СОВРЕМЕННОЕ СОСТОЯНИЕ И ПРОБЛЕМЫ РАЗВИТИЯ

Аннотация: в статье представлен анализ современного состояния законодательства Республики Узбекистан о государственном финансовом контроле и проблем его развития. Раскрыты существенные характеристики государственного финансового контроля и дано определение понятия такого контроля. Обосновывается вывод о необходимости признать государственный контроль за деятельностью хозяйствующих субъектов важным элементом государственного финансового контроля наряду с налоговым, таможенным и валютным контролем. Рассмотрены кардинальные изменения в порядке осуществления государственного финансового контроля, предусмотренные актами Президента Республики Узбекистан. Предложены пути решения наиболее значимых проблем дальнейшего развития законодательства о государственном финансовом контроле на основе разработки и принятия новых законов и совершенствования норм действующих нормативно-правовых актов. Уделено особое внимание вопросам разработки базового законодательного акта о государственном финансовом контроле и правовым последствиям его принятия.

Ключевые слова: финансовый контроль, государственный финансовый контроль, государственный контроль за деятельностью хозяйствующих субъектов, законодательство, нормативно-правовые акты.

Abstract: the analysis of the current state of legislation of the Republic of Uzbekistan on state financial control and problems of its development is presented in the paper. Essential characteristics of state financial control are revealed and the concept of such control is defined. The conclusion about necessity to recognize state control over activity of economic entities as an important element of state financial control along with tax, customs and currency control is substantiated. Cardinal changes in the procedure of state financial control stipulated by the acts of the President of the Republic of Uzbekistan are considered. Ways of solving the most significant problems of further development of legislation on state financial control on the basis of development and adoption of new laws and improvement of norms of existing normative-legal acts are suggested. Special attention is given to the issues of development of basic legislative act on state financial control and legal consequences of its adoption.

Keywords: financial control, state financial control, state control over activity of economic subjects, legislation, normative-legal acts.

Аннотация: мазкур мақолада Ўзбекистон Республикасининг давлат молиявий назорати тўғрисидаги қонунчилигининг ҳозирги ҳолати ва уни ривожлантириш муаммолари таҳлили келтирилган. Давлат молиявий назоратининг муҳим хусусиятлари очиқ берилган ва бундай назорат тушунчасининг таърифи берилган. Мақолада берилган хулоса солиқ, божхона ва валюта назорати билан бир қаторда хўжалик юритувчи субъектлар фаолияти устидан

давлат назоратини давлат молиявий назоратининг муҳим элементи деб эътироф этиш зарурлиги тўғрисидаги тўхтамга келишга имкон беради. Давлат молиявий назоратини амалга ошириш тартибида Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳужжатларида назарда тутилган туб ўзгаришлар кўриб чиқилган. Мақолада янги қонунларни ишлаб чиқиш ва қабул қилиш ҳамда амалдаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг нормаларини такомиллаштириш асосида давлат молиявий назорати тўғрисидаги қонун ҳужжатларини янада ривожлантиришнинг энг муҳим муаммоларини ҳал этиш йўллари таклиф этилмоқда. Мақолада давлат молиявий назорати ва уни қабул қилишнинг ҳуқуқий оқибатлари тўғрисида асосий қонунчилик ҳужжатини ишлаб чиқишга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Калит сўзлар: молиявий назорат, давлат молиявий назорати, ҳужалик юритувчи субъектлар фаолияти устидан давлат назорати, қонун ҳужжатлари, норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар.

Успешная реализация широкомасштабных реформ, намеченных Стратегией действий по пяти приоритетным направлениям развития Республики Узбекистан в 2017-2021 годах [1], в значительной степени зависит от сформировавшейся законодательной базы государственного финансового контроля и ее дальнейшего развития. Сегодняшние реалии требуют оперативного реагирования на системные проблемы государственного финансового контроля и его правового обеспечения, наличие которых отражается в результативности проводимых в стране реформах.

Нынешние проблемы действующего законодательства о государственном финансовом контроле во многом обусловлены тем, что отсутствует единое понимание сущности такого контроля, а действующая система контролируемых органов, объединенных одной целью, не имеет единой правовой основы. В этих условиях исследование теоретических и практических аспектов государственного финансового контроля и ключевых направлений его правового регулирования приобретает особую значимость для существенного повышения результативности такого контроля - одного из важнейших факторов финансово-экономической устойчивости и социальной стабильности государства, его экономической безопасности, благополучия граждан.

На сегодняшний день в специальной литературе не существует единого общепризнанного определения понятия государственного финансового контроля. Среди представителей экономической и юридической науки существуют различные мнения по вопросам о сущности государственной финансового контроля. Так, В.В.Бурцев определяет государственный финансовый контроль как одну из важнейших функций государственного управления, которая направлена на вскрытие отклонений от принятых стандартов законности, целесообразности и эффективности управления финансовыми ресурсами и иной государственной собственностью, а при наличии таких отклонений - на своевременное принятие соответствующих корректирующих и превентивных мер [2].

С точки зрения других авторов под государственным финансовым контролем следует понимать основанную на нормах финансового права систему органов и мероприятий по проверке законности и целесообразности действий в сфере образования, распределения и использования денежных фондов государства,

одну из форм государственного контроля, способствующую обеспечению законности, охране государственной собственности, целевому, эффективному и экономному использованию государственных средств, помогающая вскрыть нарушения установленной государством финансовой дисциплины [3].

М. В. Карасева указывает, что «государственный финансовый контроль – это проверка соблюдения органами государственной власти и местного самоуправления, юридическими и физическими лицами финансового законодательства Российской Федерации и субъектов РФ, а также рациональности и эффективности использования государственных финансовых и материальных ресурсов» [4].

Маълумки, атроф муҳитнинг жорий ҳолати таҳлили, халқаро миқёсдаги ва минтақавий экологик муаммолар, янги экологик хавф-хатарлар мамлакатимиз аҳолисининг ҳаёт сифатини яхшилаш борасида олиб борилаётган ижтимоий-иқтисодий жараённинг ажралмас қисми ҳисобланадиган муҳим бир сиёсий ҳужжат ишлаб чиқиш заруратини вужудга келтирди. Шу аснода, атроф муҳитни муҳофаза қилиш соҳасида давлат сиёсатининг устувор йўналишларини белгилаш, табиатни муҳофаза қилиш соҳасидаги қонун ҳужжатлари бузилишлари профилактикаси, уларни аниқлаш ва олдини олишнинг самарали механизмларини жорий этиш, республика аҳоли пунктларининг санитария ва экологик ҳолати учун давлат органлари, хўжалик юритувчи субъектлар раҳбарлари ва фуқароларнинг шахсий жавобгарлигини кучайтириш, барқарор ривожланиш соҳасидаги Миллий мақсад ва вазифаларга эришишни таъминлаш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 30 октябрдаги ПФ-5863-сон билан 2030 йилгача бўлган даврда Ўзбекистон Республикасининг Атроф муҳитни муҳофаза қилиш КОНЦЕПЦИЯСИ тасдиқланди. Ушбу ҳужжат атроф муҳитни муҳофаза қилиш соҳасида давлат сиёсатининг устувор йўналишларини белгилайди, уларнинг амалга оширилиши эса келажак авлодларнинг манфаатлари йўлида давлатни барқарор ривожлантиришни таъминлаш имконини беради.

Шунингдек, мамлакатимизда атроф табиий муҳит ҳолатининг сифатини яхшилаш мақсадида атроф муҳит сифатининг ягона нормативлари, стандартларини биргаликда ишлаб чиқиш ва қабул қилиш бўйича чора-тадбирларни амалга ошириш зарурлиги белгилаб қўйилгандир. Жумладан, мамлакатимизда атроф табиий муҳит ҳолатининг сифатини яхшилаш мақсадида қуйидаги чора-тадбирларни амалга ошириш зарурлиги белгилаб қўйилгандир, яъни: атроф муҳит сифатининг ягона нормативлари, стандартларини биргаликда ишлаб чиқиш ва қабул; атроф муҳитни муҳофаза қилиш соҳасидаги мутахассисларни минтақа мамлакатлари учун ягона методика бўйича тайёрлаш, шунингдек, илғор халқаро амалиётга ва Жаҳон савдо ташкилоти талабларига мос келадиган агроэкологик стандартларни кенг татбиқ қилиш; миллий иқтисодиётни сувдан тежаб фойдаланиш, қайта тикланадиган энергия технологияларини ривожлантириш ва кенг қўллашни рағбатлантиришга йўналтириб ўзгартириш, шунингдек, юқори энергия самарадор стандартлар асосида иншоотлар барпо этиш; атроф муҳитнинг сифатини белгиловчи устувор йўналишлар бўйича халқаро стандартларга (БМТ Европа иқтисодий комиссияси, ЕИ ва бошқалар) ўтишни таъминлаш; давлат харидларини амалга оширишда экологик стандартларни қўллашни кенгайтириш; Европа стандартлари асосида назорат қилинадиган ифлослантирувчи моддалар сонини оптималлаштирган ҳолда, уларни чиқариш ва оқизишни самарали назорат қилиш механизмини жорий этиш; давлат экологик экспертизаси ўтказилишини тартибга солувчи норматив-ҳуқуқий базани, шу жумладан хўжалик юритувчи субъектларнинг экологик хавфлилик тоифасини аниқлаш тизимини халқаро стандартлар асосида танқидий қайта кўриб чиқиш; экологик менежмент

тизимини яратишнинг халқаро стандартларини жорий этиш, МДХ, ЕИ давлатлари ҳамда бошқа мамлакатлар билан экологик сертифицирлаштириш бўйича ишларни ўзаро тан олиш механизмини татбиқ этиш; амалдаги стандартларнинг халқаро ИСО (Халқаро стандартлаштириш ташкилоти) ва ХЭК (Халқаро электротехника комиссияси) стандартлари билан уйғунлашувини таъминлаш ва б.

Шунингдек, ушбу Концепцияда Давлат экология қўмитаси ҳамда унинг ҳузуридаги «Давлат экологик сертифицирлаштириш ва стандартлаштириш маркази» ДУК масъуллигида, келажакда амалдаги стандартларни ИСО ва ХЭК халқаро стандартлари билан уйғунлаштириш ишларини амалга ошириш масалалари ўрин олганлигини гувоҳи бўлишимиз мумкин.

Хуллас, табиатда ифлослантирувчи моддалар ва биологик организмларнинг инсон ҳамда табиий муҳит объектлари учун йўл қўйиладиган тўпланиш даражалари бузилишига олиб келадиган бўлса, уларнинг чиқариш (ташлаш) нинг йўл қўйиладиган даражадаги нормативлари қайта кўриб чиқилиши, илғор мамлакатлар стандартлари асосида назорат қилинадиган ифлослантирувчи моддалар сонини оптималлаштирган ҳолда, уларни чиқариш (ташлаш) ва оқизишни самарали назорат қилиш механизмини жорий этиш лозим.

Нихоят, экологик меъёрларни жорий қилишда ташкили-ҳуқуқий механизмни шакллантириш лозим бўлади. Бунинг учун, албатта экологик назоратни ва экологик меъёрларни қўллаш билан боғлиқ мутахассислар ҳамда масъул шахсларнинг экологик-ҳуқуқий онги ва маданиятини юксалтириш, экологик меъёрлашга оид илмий маълумотларни тақдим қилиш ҳамда бошқа чора-тадбирларни амалга ошириш зарур.

Адабиётлар рўйхати:

1. Максимова Ю.Г. Создание системы экологического нормирования в условиях развития экологического законодательства Российской Федерации // Экологическое право. - М.: Юрист, 2012, № 6. - С. 18-21
2. Ерофеев Б.В. Экологическое право России, - Москва: 1999. – 249 б., Бринчук М.М. Экологическое право: Учебник. - 2-е изд., перераб. и доп. -М.: Юристъ, 2004. -670 с.
3. Воробейчик Е.Л. Экологическое нормирование: на пути к обобщающей теории / Экологическое нормирование и управление качеством почв и земель / колл. Монография Под общ. ред. С.А.Шобы, А.С.Яковлева, Н.Г.Рыбальского. – М.: НИИ-Природа, 2013. – 310 с.
4. Ўзбекча-русча-инглизча экологик изоҳли луғат Б.Алихонов, С.Самойлов, Р.Ибрагимов. Т., «Chinor ENK», 2004. 304 б.
5. Стратегия и проблемы устойчивого развития России в ХХ1 в. / Под ред. А.Г. Гранберга, В.И. Данилова-Данильяна, М.М. Циканова, Е.С. Шопхоева. М.: ЗАО «Издательство «Экономика», 2002.С. 233.
6. Вершило Н.Д. Эколого-правовые основы устойчивого развития / Автореферат диссертации на соискание ученой степени доктора юридических наук / - М.: 2008. С. 54
7. Ма Синь. Экологическое нормирование как правовая мера предупреждения экологического вреда по законодательству Китая // Ж. Экологическое право. № 1. 2019, С. -37-41.

8. Байдельдинов Д.Л. Правовой механизм государственного управления в области экологии. – Алматы: Қазақ университеті. 1998. – 188 с.

9. Петров В.В. Экологическое право России. Учебник. – Москва: БЕК, 1997. - 557с.

О.Файзиев,
ТДЮУ “Маъмурий ва молия ҳуқуқи”
кафедраси ўқитувчиси, PhD

**МУРОЖААТ ҚИЛИШ ҲУҚУҚИНИНГ
КОНСТИТУЦИЯВИЙ-ҲУҚУҚИЙ АСОСЛАРИ:**

*конституциявий нормалар таҳлили, мавжуд
муаммолар ва ечимлар*

Калит сўзлар: жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари, халқаро ҳуқуқ нормалари устуворлиги, халқ иродасини ифода этиш, жамият ва фуқаролар олдида масъуллик, давлат хизмати, конституциявий суд, қонунчилик ташаббуси ҳуқуқи, Халқ қабулхонаси, виртуал қабулхона, Бош вазирнинг тадбиркорлар мурожаатларини кўриб чиқиш қабулхоналари.

Аннотация: ушбу мақолада жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаат қилишга оид ҳуқуқнинг конституциявий-ҳуқуқий асослари ёритилган. Бунда Ўзбекистон Республикаси Конституциясида белгиланган мурожаат қилиш ҳуқуқини таъминлаш ва кафолатлашга доир нормалар тизимли таҳлил қилинган, бу борада хорижий давлатлар тажрибаси қиёсий ўрганилган, мавжуд муаммолар ва уларнинг ечими бўйича тавсиялар ишлаб чиқилган, таҳлил қилинган соҳадаги қонун ҳужжатларини такомиллаштириш юзасидан таклифлар билдирилган.

Ключевые слова: обращения физических и юридических лиц, верховенство норм международного права, выражение воли народа, ответственность перед обществом и гражданами, государственная служба, конституционный суд, право законодательной инициативы, Народная приемная, виртуальный прием, приемная Премьер-министра по рассмотрению обращений предпринимателей.

Аннотации: В данной статье описываются конституционные и правовые основы права физических и юридических лиц на обращение. Также проведен системный анализ норм Конституции Республики Узбекистан по обеспечению и гарантированию права на обращение, сравнительное изучение опыта зарубежных стран, разработка существующих проблем и рекомендации по их решению, предложения по совершенствованию законодательства в этой сфере.

Keywords: applications of individuals and legal entities, rule of international law, expression of the will of the people, responsibility to society and citizens, civil service, Constitutional Court, power to initiate legislation, People's reception, virtual reception, Reception of the Prime Minister for consideration of applications from entrepreneurs.

Annotations: This article describes the constitutional and legal foundations of the right of individuals and legal entities to appeal. Also, a systematic analysis of the norms of the Constitution of the Republic of Uzbekistan on ensuring and guaranteeing the right to appeal, a comparative study of the experience of foreign countries, the development of existing problems and recommendations for their solution, proposals for improving legislation in this area were carried out.

Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси мамлакатимизда асосий ҳуқуқлар ва эркинликлар, шу жумладан, жисмоний ва юридик шахсларнинг шахсий

ва жамоа манфаатлари юзасидан ваколатли органлар ва мансабдор шахсларга муурожаат қилиш ҳуқуқини кафолатловчи муҳим расмий ҳужжат ҳисобланади.

Энг аввало, давлатимизнинг ўзига хос “паспорти” ҳисобланган [1] Конституция инсон ҳуқуқлари ғояларига содиқлигини тантанали равишда эълон қилиб, халқаро ҳуқуқнинг умум эътироф этилган қоидалари устунлигини тан олган ҳолда ҳамда республика фуқароларининг муносиб ҳаёт кечиришларини таъминлаш мақсадида қабул қилинганлигига эътибор қаратиш жоиз, деб ўйлаймиз.

Маълумки, инсон ҳуқуқларига доир халқаро ҳуқуқ нормалари ва қоидалари Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси, Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро пакт, Иқтисодий ижтимоий ва маданий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро пакт ҳамда бошқа халқаро ҳужжатларда белгиланган. Жумладан, Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро пактнинг 2-моддасида барча иштирокчи давлатларга ўзининг юрисдикциясидаги ҳар қандай шахс учун юридик ҳимоя ваколатли суд, маъмурий ёки қонун чиқарувчи ҳокимиятлар томонидан ёки давлатнинг ҳуқуқий тизимида назарда тутилган бошқа ваколатли органлар томонидан таъминлаши имкониятини яратиш, ҳуқуқий ҳимоя воситалари берилганда, ваколатли ҳокимиятлар томонидан бунинг қўлланилишини таъминлаш мажбурияти юклатилган [2].

Конституция **муқаддимасида** шу каби халқаро ҳуқуқ нормалари устуворлиги тан олинган ҳамда конституциявий нормалар мазмуни ушбу ғоялар билан уйғунлашган. Жумладан, тадқиқотчилар дунё конституцияларида инсон ҳуқуқларининг жами 117 хили тан олинганлигини ҳисоблаб чиқиб, уларнинг қанчаси конституцияларда акс этгани бўйича таҳлил ўтказганида, Франция Конституциясида 13, АҚШ Конституциясида 35, Буюк Британия конституциявий аҳамиятдаги ҳужжатида 44, Германия ва Япониянинг Асосий қонунида 48 турдаги ҳуқуқлар қамраб олингани ҳолда, Ўзбекистон Конституциясида 55 турдаги ҳуқуқ [3], шу жумладан, фуқароларнинг давлат органлари ва муассасаларига муурожаат қилиш ҳуқуқи ўз ифодасини топганлиги аниқланган.

Конституция тузилишига эътибор қаратсак, давлат бошқарувини ташкил этиш ва шу каби бошқа масалаларни тартибга солишдан бошланган аксарият хорижий давлатлар конституцияларидан фарқли равишда Ўзбекистон Конституцияси, энг аввало, халқ манфаатларини эътироф этишдан, давлат органлари халқ олдида масъул эканлигини мустаҳкамлашдан бошланган.

Жумладан, Конституциянинг **1-моддасида** Ўзбекистон демократик республика (халқ ҳокимиятчилигига асосланган давлат) эканлиги белгиланган бўлса, **2-моддасида** давлат халқ иродасини ифода этиб, унинг манфаатларига хизмат қилиши, давлат органлари ва мансабдор шахслар жамият ва фуқаролар олдида масъул эканлиги, **7-моддасида** халқ давлат ҳокимиятининг бирдан бир манбаи эканлиги, Ўзбекистон Республикасида давлат ҳокимияти халқ манфаатларини кўзлаб амалга ошириши белгиланган. Яъни, давлат органлари, мансабдор шахслар собиқ Совет тизимида бўлганидай қандайдир гуруҳ (партия) манфаатларига эмас, балки халқ манфаатларига хизмат қилиши кераклиги мустаҳкамланган [4].

Мазкур нормалар орқали Ўзбекистонда давлат, хусусан, давлат хизмати ва мансабдор шахсларнинг энг муҳим ва бирламчи вазифаси халқ иродасини ифода этиш, халқ манфаатларини ҳимоя қилиш ва унга хизмат қилишдан иборат эканлиги конституциявий норма даражасида мустаҳкамланган [5].

Бунда албатта, давлат хизматини ўташ, давлат хизматчиларига юкланган вазифалар ва уларнинг амалга ошириш даражаси ҳал қилувчи аҳамият касб этади. Ҳозирга қадар мамлакатимизда давлат хизматининг айрим соҳалари ёки айрим тоифадаги давлат хизматчиларининг фаолиятини тартибга солувчи алоҳида қонун ҳужжатлари қабул қилинган. Жумладан, “Давлат солиқ хизмати тўғрисида”ги [6], “Судлар тўғрисида”ги [7], “Прокуратура тўғрисида”ги [8], “Ўзбекистон Республикаси Давлат хавфсизлик хизмати тўғрисида”ги [9], “Ички ишлар органлари тўғрисида”ги [10], “Давлат божхона хизмати тўғрисида”ги [11] қонунларда тегишли соҳада давлат хизматини ташкил этиш принциплари, давлат хизматчиларининг мақоми, уларга қўйилган талаблар, жавобгарлик ва улар томонидан хизматни ўташ шартлари белгилаб қўйилган.

Жумладан, “Ички ишлар органлари тўғрисида”ги Қонуннинг 27-моддасида ички ишлар органларидаги хизматга биринчи марта қабул қилинган фуқаролар Ватанга ва Ўзбекистон халқига содиқ бўлишга қасамёд қабул қилиши белгиланган. Ёхуд ушбу Қонуннинг 8-моддасида ички ишлар органи ходими ўзига фуқаро муурожаат этган тақдирда, ўз лавозимини, унвонини, фамилиясини, исмини, отасининг исмини айтиши, уни диққат билан эшитиши, ўз ваколатлари доирасида тегишли чоралар кўриши ёхуд қўйилган масалани ҳал этиш кимнинг ваколатига киришини тушунтириши шартлиги мустаҳкамланган.

Шунингдек, “Прокуратура тўғрисида”ги Қонунда фуқароларнинг ариза ва шикоятларини ҳамда юридик шахсларнинг муурожаатларини кўриб чиқиш тартиби алоҳида моддада келтирилган (**7-модда**).

Ўз навбатида, қайд этиш лозимки, мамлакатимизда барча давлат хизматчилари ва мансабдор шахсларнинг мақоми, вазифалари, хизматни ўташ шартларини белгиловчи ягона қонун ҳужжати мавжуд эмас. Ушбу муносабатлар турли қонун ҳужжатларида муайян даражада акс этган бўлса-да, қонун ҳужжатларида айрим бўшлиқ ва камчиликлар мавжуд. Шу сабабли, ушбу соҳада ягона ёндашувни белгиловчи қонун ҳужжатини қабул қилиш зарурати юзага келган. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 3 октябрдаги ПФ–5843-сон Фармони билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикасида кадрлар сиёсатини ва давлат фуқаролик хизмати тизимини тубдан такомиллаштиришга оид биринчи навбатдаги чоратadbирлар дастурида хорижий экспертларнинг тавсиялари ва кенг жамоатчилик фикрини инobatга олган ҳолда “Давлат фуқаролик хизмати тўғрисида”ги Қонун лойиҳасини такомиллаштириш орқали Ўзбекистон Республикасида давлат фуқаролик хизматининг асосий тушунчалари, регламентлари ва кафолатларини қонун билан мустаҳкамлаш топширилган [12].

Бу борада хорижий мамлакатлар тажрибасига назар ташласак, ушбу муносабатлар Россия Федерациясида “Россия Федерациясининг давлат фуқаролик хизмати тўғрисида”ги Федерал Қонун [13], Қозоғистонда “Қозоғистон Республикасининг давлат

хизмати тўғрисида”ги Қонун [14], Японияда “Давлат хизмати тўғрисида”ги Қонун [15], Корея Республикасида “Давлат хизмати тизими тўғрисида”ги Қонун [16] билан тартибга солинган.

Жумладан, “Россия Федерациясининг давлат фуқаролик хизмати тўғрисида”ги Федерал Қонуннинг 4-моддасида инсон ва фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари устуворлиги давлат фуқаролик хизматининг асосий принципларидан бири сифатида белгиланган.

Бу борада Юсуф Хос Ҳожиб ўзининг “Қутадғу били” асарида давлат хизматини амалга ошираётган арбоблар қандай бўлиши кераклиги, улар қандай хусусиятларга эга бўлиши лозимлиги тўғрисида тўхталиб ўтган. Масалан, ушбу асарда вазирларга қўйилган талаблар шундай таърифланади: “вазир пишиқ ва одил бўлиши, бошқаларни ҳам шу йўлга ундаб туриши лозим. Бу ишга ишончли, етук ва сара, уқув-идрокли, доно ва юмшоқ кўнгил, айни пайтда, дадил ва журъатли кишилар керак” [17]. Шунингдек, Низомулмулкнинг “Сиеъатнома” ёки “Сияр ул-мулк” асарида ҳам давлат хизматчилари билан боғлиқ масалалар ўз ифодасини топган. Асарнинг асосий ғоялари ҳам шундан иборатки, вазир Низомулмулк шоҳ ва ҳокимларни адлу инсофга, сулҳ ва мурувватга, давлатни оқилонга бошқариб, қатъий қоида ва тартиб ўрнатишга, амалдорларни виждонли, пок, ҳалол ва имонли бўлишга, мамлакат ободонлиги, унинг аҳли фаравонлиги, тинчлиги ва тотувлигини таъминлаш учун ҳаракат қилишга даъват этади [18]. Шунингдек, маърифатпарвар олим Маҳмудхўжа Бехбудий юз йил муқаддам шундай ёзган эди: “Ҳозирги замон ишларига хоҳ тижорат, хоҳ ҳуқуқат, хоҳ саноатхоналарда бўлсун, кириб вазифа олмоққа ва иш қилмоққа илми замонавий лозим. Лозим бўлғонда ўзингизни ва ўғлингизни замонавийликка ўқимоққа ҳаракат қилсангиз”. Албатта, қайд этилган нуқтаи назарлар бугунги кунда ҳам ўзининг аҳамиятини йўқотгани йўқ.

Юқоридагиларга мувофиқ, Конституциямизнинг 2-моддасида мустақамланган давлатнинг халқ иродасини ифода этиши, унинг манфаатларига хизмат қилиши, давлат органлари ва мансабдор шахсларнинг жамият ва фуқаролар олдида масъуллигига доир аниқ механизмларни акс эттирган ҳолда Ўзбекистон Республикасининг “Давлат фуқаролик хизмати тўғрисида”ги Қонунини қабул қилиш, мазкур Қонунда бош ғоя сифатида давлатнинг халқ иродасини ифода этиши ва унинг манфаатларига хизмат қилишни белгиланган ҳолда давлат хизматчиларининг аниқ вазифаларини белгилаш, халқ манфаатларини ифода этиш, шу жумладан, жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари билан ишлаш даражасига кўра давлат органлари ва мансабдор шахсларни баҳолаш механизмларини жорий этиш мақсадга мувофиқ.

Зотан, юқорида қайд этилган конституциявий нормаларнинг реализацияси, айниқса, жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари билан ишлашда кенгроқ намоён бўлади. Давлат органлари ва мансабдор шахслар фаолияти билан боғлиқ мурожаатлар ҳам, аввало, давлат аппаратининг қайсидир тизимидаги муайян камчилик, ноқулайлик мавжудлигидан келиб чиқади. Мурожаатлар, фикримизча, мавжуд тизимли муаммолар, камчиликлар, халқнинг турмуш-тарзи, дарди, ноласи, қувончи, хоҳиш-истаги, мақсадлари, орзу-ниятлари, ташвишлари, жамият аъзолари нималар ҳақида ўйлаётгани, қандай “нафас олаётгани”ни, умуман

олганда, аҳоли кайфиятини ҳаққоний кўрсатадиган индикаторлардан бири ҳисобланади.

Конституциямизнинг кейинги нормаларига эътибор қаратсак, **13-моддада** Ўзбекистон Республикасида демократия умуминсоний принципларга асосланиши, уларга кўра инсон, унинг ҳаёти, эркинлиги, шаъни, қадр-қиммати ва бошқа дахлсиз ҳуқуқлари олий қадрият ҳисобланиши, демократик ҳуқуқ ва эркинликлар Конституция ва қонунлар билан ҳимоя қилиниши, **14-моддада** давлат ўз фаолиятини инсон ва жамият фаровонлигини кўзлаб, ижтимоий адолат ва қонунийлик принциплари асосида амалга ошириши мустақамланган.

Таъкидлаш лозимки, мамлакатимизда жисмоний шахс, унинг вакили ёки оила аъзоларининг ўз ҳуқуқлари, эркинликлари ҳамда қонуний манфаатларини рўёбга чиқариш ёки ҳимоя қилиш мақсадида давлат органларига, ташкилотларга ва мансабдор шахсларга мурожаат этганлиги, шунингдек мурожаатларида фикрини билдирганлиги ва танқид қилганлиги муносабати билан таъқиб этиш ман этилади. Яъни, демократик ҳуқуқ ва эркинликлар Конституция ва қонунлар билан ҳимоя қилинган, уларга дахл қилиш тегишли жавобгарликни юзага келтиради.

Шу билан бирга, мурожаатларни кўриб чиқишда жисмоний шахсларнинг шахсий ҳаёти тўғрисидаги маълумотлар уларнинг розилигисиз, жисмоний ва юридик шахсларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ҳамда қонуний манфаатларини камситадиган бошқа ахборотнинг давлат органлари, ташкилотлар ходимлари ва улар мансабдор шахслари томонидан ошкор этилиши тақиқланган.

Мамлакатимизда шу каби қоидаларнинг белгиланиши Асосий Қонуннинг 13 ва 14-моддаларида назарда тутилган нормаларга асосланган.

Конституциянинг **18-моддасига** кўра, Ўзбекистон Республикасида барча фуқаролар бир хил ҳуқуқ ва эркинликларга эга бўлиб, жинси, ирқи, миллати, тили, дини, ижтимоий келиб чиқиши, эътиқоди, шахси ва ижтимоий мавқеидан қатъи назар, қонун олдида тенгдирлар.

Конституцияда белгиланган мазкур талабларга асосан фуқароларга жинси, ирқи, миллати, тили, дини, ижтимоий келиб чиқиши, эътиқоди, шахси ва ижтимоий мавқеидан қатъи назар, давлат органлари ва мансабдор шахсларга тенг ҳуқуқ асосида мурожаат қилишлари учун барча шарт-шароитлар яратилган.

Шу жумладан, “Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисида”ги Қонуннинг 16-моддасида мурожаат этиш ҳуқуқидан фойдаланилаётганда жисмоний шахснинг жинси, ирқи, миллати, тили, дини, ижтимоий келиб чиқиши, эътиқоди, шахсий ва ижтимоий мавқеига, шунингдек юридик шахсларнинг мулк шакли, жойлашган ери (почта манзили), ташкилий-ҳуқуқий шакллари ва бошқа ҳолатларига қараб камситишга йўл қўйилмаслиги [19] кафолатланган.

Конституциянинг **20-моддасида** фуқаролар ўз ҳуқуқ ва эркинликларини амалга оширишда бошқа шахсларнинг, давлат ва жамиятнинг қонуний манфаатлари, ҳуқуқлари ва эркинликларига путур етказмасликлари шартлиги белгиланган. Мазкур норма мурожаат қилиш ҳуқуқини амалга оширишга ҳам татбиқ этилади. Яъни, ҳар қандай шахс томонидан мурожаат этиш ҳуқуқининг амалга оширилиши бошқа жисмоний ва юридик шахсларнинг ҳуқуқларини,

эркинликларини ҳамда қонуний манфаатларини, шунингдек жамият ва давлат манфаатларини бузмаслиги керак.

Конституциянинг **35-моддасига** асосан, ҳар бир шахс бевосита ўзи ва бошқалар билан биргаликда ваколатли давлат органларига, муассасаларига ёки халқ вакилларига ариза, таклиф ва шикоятлар билан мурожаат қилиш ҳуқуқига эга. Аризалар, таклифлар ва шикоятлар қонунда белгиланган тартибда ва мuddатларда кўриб чиқилиши шарт.

Мантиқан олиб қараганда, ҳар бир шахсда умри давомида ваколатли давлат органларига бирон-бир масала юзасидан мурожаат қилишга, зарур бўлганда, давлат хизматларидан фойдаланишга эҳтиёж туғилиши, табиий. Шу нуқтаи назардан, мурожаат қилиш ҳуқуқининг мустақамлаб қўйилиши ҳар бир шахснинг қонунчиликда мустақамлаб қўйилган ҳуқуқлари ва эркинликлари амалга оширилишини, ўз навбатида, бурч ва мажбуриятлари бажарилишини таъминлашда улкан аҳамият касб этади. Яъни, бирон-бир шахсий, ижтимоий-иқтисодий ёки сиёсий ҳуқуқи бузилган ёки ҳуқуқлари амалга оширилиши учун тўсиқ, реал хавф мавжуд бўлган, қонуний манфаатларига зиён етган ёхуд давлат зиммасидаги масала ечимини истаган ҳар қандай шахс ўзининг ваколатли давлат ташкилотлари ва мансабдор шахсларга мурожаат қилиш ҳуқуқидан фойдаланиб, кўрсатган муаммолари, эҳтиёжлари ҳал этилишига ёки батафсил расмий тушунтириш олишга эришиши мумкин.

Демак, мурожаат қилиш ҳуқуқининг Конституция билан белгиланиши демократик тамойилларга тўла мос келишини таъкидлаган ҳолда ҳар бир шахснинг ушбу ҳуқуқдан фойдаланиш орқали ўз қонуний мақсад-муддасига етишиши қонунан кафолатланади, бунда ҳар бир мурожаат қилувчига бошқа мурожаат қилувчилар билан бир хил мажбурият юкланади ва эркинликлар берилади. Ҳар бир шахснинг ҳуқуқлари муҳофаза ва ҳимоя қилинишини таъминлаш демократик давлатнинг асосий бурчларидан бири ҳисобланади.

Асосий қонуннинг 35-моддасида белгиланган нормалар давлатнинг инсон ҳуқуқларини таъминлашдаги муҳим вазифаси бўлиб, ҳар доим ва ҳар қандай шароитда ҳам ҳар бир шахснинг давлат билан бевосита ва билвосита алоқага (муносабатга) киришиши учун давлат ташкилотларига (мансабдор шахсларга) мурожаат қилиш ҳуқуқини кафолатлайди.

Ўз навбатида, Конституциямизнинг ҳар бир шахснинг мурожаат қилиш ҳуқуқини белгиловчи ушбу моддаси унинг юқорида қайд этилган, шунингдек бошқа моддалари билан чамбарчас ва узвий боғлиқ, яъни қоидалар бир-бирининг мазмунини мустақамлайди, тўлдиради, бойитади, мақсадини, принципларини аниқлаштиради, амалга ошириш мезонлари ва шартларини белгилайди.

Шу билан бирга, мамлакатимизда фуқароларнинг ҳар қандай давлат органига мурожаат қилиш ҳуқуқи кафолатларини кучайтириш лозим. Жумладан, “Ўзбекистон Республикасининг Конституциявий суди тўғрисида”ги Қонуннинг 25-моддасига кўра, куйидагилар Конституциявий судда кўриб чиқиш учун масалалар киритиш ҳуқуқига эга: 1) Олий Мажлиснинг палаталари; 2) Ўзбекистон Республикаси Президенти; 3) Вазирлар Маҳкамаси; 4) Олий Мажлиснинг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (омбудсман); 5) Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси; 6) Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари

умумий сонининг камида тўртдан бир қисмидан иборат депутатлар гуруҳи; 6) Олий Мажлис Сенати аъзолари умумий сонининг камида тўртдан бир қисмидан иборат сенаторлар гуруҳи; 7) Ўзбекистон Республикаси Олий суди; 8) Бош прокурор; 9) Ҳисоб палатасининг раиси [20]. Эътиборли жиҳати шундаки, Қонунда фуқаролар ва юридик шахсларнинг Конституциявий судга мурожаат қилиш ҳуқуқи ва унинг реализацияси назарда тутилмаган.

Ваҳоланки, доимий равишда фуқаролар ва юридик шахсларнинг ўз конституциявий ҳуқуқларини тиклаш мақсадида муайян ишда қўлланилган қонуннинг конституциявийлигини аниқлаб беришни сўраб, бевосита Конституциявий судга мурожаат қилишига зарурат мавжуд.

Бу борада хорижий давлатларда Конституциявий судга мурожаат қилиш ва мурожаатни кўриб чиқиш тартиби мустақамланганлигини кузатишимиз мумкин. Жумладан, “Россия Федерациясининг Конституциявий суди тўғрисида”ги Федерал Конституциявий Қонунининг 37-моддасида фуқаролар томонидан Конституциявий судга мурожаат қилишга оид талаблар белгиланган [21].

Бизнингча, жисмоний ва юридик шахсларнинг қонунлардаги айрим нормаларнинг Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси нормаларига мувофиқлиги бўйича хулоса сўраб Ўзбекистон Республикасининг Конституциявий судига тўғридан-тўғри мурожаат қилиш ҳуқуқини қонун билан мустақамлаш, ўз навбатида, тегишли бўлмаган мурожаатлар ҳам келиб тушиши ҳисобида иш ҳажми ортиб кетишининг олдини олиш мақсадида ушбу механизмнинг аниқ тартиб-таомилларини “Ўзбекистон Республикасининг Конституциявий суди тўғрисида”ги Қонунда мустақамлаш лозим.

Бундан ташқари, фуқароларнинг мурожаат қилиш ҳуқуқи билан боғлиқ қонунчиликдаги яна бир муҳим ҳолатга эътибор қаратиш мумкин. Маълумки, Конституциянинг **83-моддасида** Ўзбекистон Республикаси Президенти, ўз давлат ҳокимиятининг олий вакиллик органи орқали Қорақалпоғистон Республикаси, Олий Мажлиснинг Қонунчилик палатаси депутатлари, Вазирлар Маҳкамаси, Конституциявий суд, Олий суд, Бош прокурор қонунчилик ташаббуси ҳуқуқига эга субъектлар ҳисобланади. Амалдаги тартибга кўра, агарда жисмоний ва юридик шахслар қонун нормаларини такомиллаштириш, хусусан, юзага келаётган муаммоларни ва қонун ҳужжатларида мавжуд муайян бўшлиқни бартараф этиш зарур деб ҳисоблаганда, ўзларининг таклифларини қонунчилик ташаббуси ҳуқуқи субъектларига киритиши лозим.

Бу борада хорижий мамлакатлар тажрибасида бошқача самарали ва замонавий механизмлар ҳам мавжудлигини кузатиш мумкин. Жумладан, Беларусь Республикаси Конституциясининг 99-моддасида Президент, Республика Кенгаши, Вакиллар палатаси депутатлари, Ҳукумат, шунингдек, сайлов ҳуқуқига эга бўлган 50 мингдан кам бўлмаган фуқаролар қонунчилик ташаббуси ҳуқуқига эга эканлиги белгиланган [22]. “Беларусь Республикаси фуқароларининг қонунчилик ташаббуси ҳуқуқини амалга ошириш тартиби тўғрисида”ги Беларусь Республикаси Қонунининг 2-моддасига кўра, фуқароларнинг қонунчилик ташаббуси ҳуқуқи қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда Миллий Мажлиснинг Вакиллар палатасида кўриб чиқилиши

мажбурий бўлган қонун лойиҳаларини Вакиллар палатасига киритиш ҳуқуқи ҳисобланади [23].

Таъкидлаш керакки, бевосита фуқароларнинг қонунчилик ташаббуси ҳуқуқи аксарият Европа мамлакатларида тан олинади. Жумладан, Албания (81-модда) [24], Андорра (58-модда) [25], Австрия (41-модда) [26], Венгрия (28-модда) [27], Грузия (45-модда) [28], Испания (87-модда) [29], Италия (71-модда) [30], Латвия (64-модда) [31], Литва (68-модда) [32], Лихтенштейн (64-модда) [33], Македония (70-модда) [34], Полша (118-модда) [35], Португалия (167-модда) [36], Руминия (73-модда) [37], Словения (88-модда) [38], Швейцария (138-модда) [39] каби давлатлар конституцияларида ҳам фуқаролик қонунчилик ташаббуси механизмлари жорий этилган.

Шу билан бирга, уларда ушбу ҳуқуқ сайловда овоз бериш ҳуқуқига эга бўлган давлат фуқаролари учун назарда тутилган. Бунда қонунчилик ташаббуси учун фуқароларнинг минимал сони ҳар хил: Словенияда – 5 минг, Македонияда – 10 минг, Албанияда – 20 минг, Грузияда – 25 минг, Литва, Италия ва Венгрияда – 50 минг, Австрия, Польша ва Швейцарияда – 100 минг, Руминияда – 250 минг, Испанияда – 500 минг, Лихтенштейнда – 1 млн, Латвия ва Андоррада – умумий сайловчиларнинг ўндан бир қисми этиб белгиланган [40].

Аслида ушбу йўналишда мамлакатимизда ҳам дастлабки қадамлар ташланди. Жумладан, 2018 йилда фуқароларнинг ваколатли давлат органларига электрон жамоавий мурожаат бериш бўйича конституциявий ҳуқуқлари рўйбга чиқарилишини таъминловчи махсус – “Mening fikrim” веб-портали ишга туширилди. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгашининг 2018 йил 2 апрелда қабул қилинган 1600-III/КҚ-322-III-сонли қўшма қарори билан “Mening fikrim” веб-портали орқали электрон жамоавий мурожаат қилиш ва уларни кўриб чиқиш тартиби тўғрисидаги низом ҳам тасдиқланди [41] (эски тахрирдаги низомнинг қоидаларини такомиллаштириш зарурати юзага келганлиги сабабли, 2019 йил 2 февралдаги 2310-III/КҚ-503-III-сон қўшма қарор билан ҳужжат янги тахрирда тасдиқланди [42]).

Жорий этилган тартибга кўра, “Mening fikrim” веб-портали Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг палаталари ва Вазирлар Маҳкамаси номига йўлланган мурожаат камида 10 мингта қўллаб-қувватловчи овозни, Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, халқ депутатлари вилоятлар, Тошкент шаҳар Кенгаши номига йўлланган мурожаат камида 5 мингта қўллаб-қувватловчи овозни, халқ депутатлари туман, шаҳар Кенгаши номига йўлланган мурожаат камида 1 мингта қўллаб-қувватловчи овозни тўплаши керак.

Юқоридагиларга асосан, келтириб ўтилган механизмларни янада такомиллаштириш ҳамда чуқур таҳлил қилиш асосида фуқароларнинг қонунчиликни такомиллаштиришдаги иштироки кўламини кенгайтириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 83-моддасига тегишли ўзгартиришлар киритиш ҳамда “Фуқароларнинг қонунчилик ташаббуси ҳуқуқини амалга ошириш тартиби тўғрисида”ги Қонунни қабул қилиш таклиф этилади. Ўйлаймизки, мамлакатимизда ҳам фуқароларнинг қонунчилик ташаббуси ҳуқуқини таъминлаш механизмларини қайта кўриб чиқиш фуқароларнинг мурожаат қилиш билан боғлиқ

конституциявий ҳуқуқини кафолатлашда, шунингдек, фуқароларга ўзларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш имкониятларини кенгайтириш ҳамда қонун ҳужжатларининг халқчиллигини таъминлашда янги самарали йўналишларни очиб беради.

Конституциянинг бошқа нормаларига назар ташласак, **43-моддада** давлат фуқароларнинг Конституция ва қонунларда мустақамланган ҳуқуқлари ва эркинликларини таъминлаш белгиланган бўлса, **44-моддада** ҳар бир шахсга ўз ҳуқуқ ва эркинликларини суд орқали ҳимоя қилиш, давлат органлари, мансабдор шахслар, жамоат бирлашмаларининг ғайриқонуний хатти-ҳаракатлари устидан судга шикоят қилиш ҳуқуқи кафолатланган.

Дарҳақиқат, мамлакатимизда фуқаролар, чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахслар давлат органлари ва бошқа органларнинг, мансабдор шахсларнинг ҳар қандай ғайриқонуний хатти-ҳаракатларидан, шунингдек ҳаёти ва соғлиғи, шаъни ва кадр-қиммати, шахсий эркинлиги ва мол-мулки, бошқа ҳуқуқ ва эркинликларига тажовузлардан суд ҳимоясида бўлиш ҳуқуқига эга.

Қонун ҳужжатларида жисмоний ва юридик шахсларнинг суд органларига ариза ва шикоятлар билан мурожаат қилиш ҳуқуқи алоҳида назарда тутилган. Ушбу ҳуқуқни амалга ошириш тартиби ва шартлари тегишлича фуқаролик процессуал, иқтисодий процессуал, жиноят процессуал, маъмурий жавобгарлик ҳамда маъмурий суд ишларини юритиш тўғрисидаги қонун ҳужжатлари билан белгиланган.

Конституцияда фуқароларнинг мурожаат қилиш ҳуқуқини кафолатловчи энг муҳим нормалардан яна бири **93-моддада** белгиланган Ўзбекистон Республикаси Президентининг фуқароларнинг ҳуқуқлари ва эркинликларига, Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ва қонунларига риоя этилишининг кафили эканлигини белгиловчи норма ҳисобланади.

Ушбу нормани таҳлил қилар эканмиз, аввало, Давлат раҳбарининг ўз лавозимига киришишдан олдин Ўзбекистон халқига садоқат билан хизмат қилишга, республиканинг Конституцияси ва қонунларига қатъий риоя этишга, фуқароларнинг ҳуқуқлари ва эркинликларига кафолат беришга, Ўзбекистон Республикаси Президенти зиммасига юклатилган вазифаларни виждонан бажаришга тантанали қасамёд қилишга доир нормалар Конституция даражасида мустақамланганлигини ҳам алоҳида эътироф этиш жоиздир (**92-модда**).

Бу борада мустақилликнинг илк даврларидан қатор тизимли ислохотлар амалга оширилиши билан бир қаторда, сўнги йилларда Давлат раҳбарининг давлат органларидаги кўп йиллик тажрибаси асосида илгари сурган ташаббуси билан мурожаатлар билан ишлаш соҳаси тубдан ислох қилинди, халқ билан мулоқот қилишнинг янги ва самарали механизмлари жорий этилди. Амалга оширилган ислохотлар натижаси ўлароқ ҳозирда “**халқ давлат идораларига эмас, давлат идоралари халқимизга хизмат қилиши керак**” деган тамойил барча давлат органлари ва мансабдор шахслар учун дастуруламал бўлиб хизмат қилмоқда.

Ислохотлар натижасида аҳоли мурожаатлари билан ишлаш мамлакатимизда муҳим стратегик йўналишлардан бири сифатида белгилаб олинди. Жумладан, халқ билан доимий, яқин ва очиқ мулоқот

тизими йўлга қўйилиб, муаммоларни ҳал этишнинг самарали механизмлари, усуллари ва весталари жорий этилганлиги, муҳим миллий демократик институтлар – Ўзбекистон Республикаси Президентининг Виртуал қабулхонаси, шунингдек Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳрида, ҳар бир туман ва шаҳарда (туманга бўйсунувчи шаҳарлардан ташқари) Халқ қабулхоналари тузилиб, аҳоли муурожаатлари билан ишлаш борасида самарали иш олиб бораётганлиги, Президент Администрацияси тузилмасида бевосита фуқаролар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва муурожаатлар билан ишлаш бўйича алоҳида таркибий бўлинма фаолияти самарали йўлга қўйилганлиги [43], муурожаатларнинг ваколатли давлат органлари ва мансабдор шахслар томонидан қонунда белгиланган тартибда ва мuddатларда кўриб чиқилиши таъминланаётганлиги, мансабдор шахслар мунтазам равишда жойларга чиққан ҳолда шахсан муурожаат қилиш истагида бўлганлар билан учрашиб, мулоқот қилиб, улар муаммоларини тинглаётганлиги шулар жумласидандир.

Бу борада сўз кетар экан, Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 2017 йилда Олий Мажлисга Муурожаатномасида "...халқ билан яқиндан мулоқот қилиш, унинг дарду ташвишлари, ҳаётий муаммоларини самарали ҳал этиш бўйича янги тизим яратилди. Бу тизимнинг асоси бўлган Ўзбекистон Республикаси Президентининг Халқ қабулхоналари ва Виртуал қабулхонаси фуқароларнинг муурожаатлари билан ишлашнинг ўзига хос демократик институти сифатида амалда ўзини оқламоқда. Қисқа мuddатда ана шу қабулхоналарга бир ярим миллиондан зиёд фуқаро муурожаат қилгани ва қанча-қанча одамнинг йиллар давомида ҳал этилмаган муаммолари ижобий ечилгани Ўзбекистонда халқ ҳоқимияти номига эмас, амалда жорий этилаётганини кўрсатмоқда. Жойларда раҳбарларнинг йўл қўйилган хато ва камчиликларни тезлик билан бартараф этиш юзасидан шахсий жавобгарлиги кучайгани мазкур тизимнинг муҳим натижаси бўлди" [44], дея таъкидлаганига эътибор қаратиш лозим.

Сўнги тўрт йил ичида Ўзбекистон Республикаси Президенти номига 4 миллиондан ортиқ муурожаатлар келиб тушганлиги [45], республика ишчи гуруҳлари томонидан уйма-уй юриш, ижтимоий ва бошқа объектларни ўрганиш натижасида қўшимча 3,5 миллиондан ортиқ турли муаммолар аниқланганлиги жойларда ечимини кутаётган масалалар кўплигини ҳамда уларнинг ҳал этилишини таъминлаш кўпроқ ўрта ва қуйи бўғиндаги ташкилотларга масъулият юкланишини кўрсатмоқда.

Таҳлиллар шуни кўрсатадики, аксарият инсонларда қуйи бўғинларда ҳал бўлиши мумкин бўлган масалаларда ҳам юқори турувчи давлат ташкилотлари ва мансабдор шахсларга, жумладан тўғридан-тўғри Давлат раҳбарига муурожаат қилиш кайфияти юқори. Албатта, бизнингча, ваколатли давлат органларига муурожаат қилмасдан, бирданига Президент номига муурожаат қилишнинг ўзига хос сабаблари ва асослари мавжуд бўлиб, биз улар ҳақида бошқа илмий мақолаларимизда тўлиқроқ тўхталиб ўтганмиз.

Бироқ, таҳлиллардан кўринадики, муурожаатлар билан ишлашда муаммоларнинг асл илдизи, бизнингча, қуйи ва ўрта бўғинлардаги давлат органлари фаолиятида, шу сабабли, аниқ таҳлиллар асосида тегишли соҳаларда чуқур маъмурий

ислоҳотлар ўтказилиши мақсадга мувофиқ. Жумладан, барча давлат органларида аҳоли муурожаатлари билан ишлашни тизимли йўлга қўйиш ва давлат хизматчиларининг масъулиятини кучайтириш мақсадида аниқ таҳлилларга асосланган ҳолда Ўзбекистон Республикаси Президентига тўғридан-тўғри муурожаат қилиш мумкин бўлган ҳолатлар ва асосларни, бундай муурожаатлар билан ишлашнинг ўзига хос хусусиятларини қонунчиликда белгилаб, босқичма-босқич амалиётга жорий этиш тавсия этилади.

Аслида қонунчилигимизда ушбу ҳолатга ўхшаш бўлган аналогиялар мавжуд. Хусусан, Конституциянинг 93-моддасида қуйидаги масалалар юзасидан тўғридан-тўғри Давлат раҳбарига муурожаат қилиниши ҳамда ушбу масалалар бевосита Президент томонидан ҳал этилиши белгиланган:

– Ўзбекистон Республикасининг фуқаролигига қабул қилишга оид масалаларни ҳал этиш;

– Ўзбекистон Республикасида сиёсий бошпана беришга оид масалаларни ҳал этиш;

– амнистия тўғрисидаги ҳужжатларни қабул қилиш ҳақида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенатига тақдимнома киритиш;

– Ўзбекистон Республикасининг судлари томонидан ҳукм қилинган шахсларни афв этиш.

Конституциядаги яна бир муҳим норма фуқароларнинг иқтисодий, ижтимоий ва бошқа ҳуқуқлари ҳамда қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича чора-тадбирларни амалга оширишга доир Вазирлар Маҳкамасининг ваколатлари белгиланган **98-моддаси** ҳисобланади.

Ушбу норма ҳам жисмоний ва юридик шахсларнинг муурожаат қилиш ҳуқуқини таъминлашда муҳим ҳисобланади. Яъни, иқтисодий, ижтимоий ва бошқа ҳуқуқлари ҳамда қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш юзасидан Ҳукумат ваколатларидаги масалалар бўйича Вазирлар Маҳкамасига муурожаат қилишлари ва ўзларининг ҳуқуқлари, манфаатларини ҳимоя қилишлари мумкин.

Шуни таъкидлаш лозимки, ушбу норманинг яққол реализацияси сифатида 2019 йил 14 майдан эътиборан Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг Тадбиркорлар муурожаатларини кўриб чиқиш қабулхоналари ташкил этилганлиги ва фаолияти йўлга қўйилганлигини [46] алоҳида эътироф этиш жоиз, деб ҳисоблаймиз. Мазкур тизимни электрон шаклда юриштишни ташкил этиш мақсадида "business.gov.uz" ягона интерактив портали ишга туширилди.

Ҳозирда амалга жорий этилган мазкур тизим тадбиркорларнинг, шу жумладан, чет эллик инвесторларнинг муурожаатлари билан ишлашни ташкил этиш сифати ва тезкорлигини ошириш, улар билан очиқ ва тўғридан-тўғри мулоқотни таъминлаш, уларнинг қонуний талабларини амалий ва самарали рўёбга чиқариш ва муаммоли масалаларни ҳал этиш, ҳудудларнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланишига реал ҳиссани кўпайтириш, аҳолининг иш билан бандлигини ошириш ва унинг моддий фаровонлигини ўстиришда ўз ҳиссасини қўшиб келмоқда.

Жумладан, ўтган бир ярим йиллик давр мобайнида Бош вазирнинг Тадбиркорлар муурожаатларини кўриб чиқиш қабулхоналари томонидан тадбиркорлик субъектларини қийнаб келаётган масалалар бўйича 100 мингга яқин муурожаат кўриб чиқилган ҳамда аксарият масалалар ижобий ҳал қилинган [47].

Хулоса ўрнида айтиш керакки, бугунги кунда Конституция билан мустақамланган кафолатлар асосида мамлакатимизда жисмоний ва юридик шахсларнинг муружаатлари билан ишлашнинг замонавий миллий моделини яратишга эришилди ҳамда ушбу тизим изчил равишда такомиллаштириб борилмоқда. Инсонларнинг муружаат қилишга бўлган конституциявий ҳуқуқини кафолатлаш ҳар қандай демократик жамиятда олий қадрият сифатида эътироф этилади.

Адабиётлар рўяхати:

1. Миракулов М. Эркинлик, адолат ва тенгликнинг мустақам ҳуқуқий пойдевори. // www.constitution.uz
2. Международный пакт о гражданских и политических правах. / Принят резолюцией 2200 А (XXI) Генеральной Ассамблеи ООН от 16 декабря 1966 года. // www.un.org/ru/documents/decl_conv/conventions/pactpol.shtml
3. Халқимиз сиёсий-ҳуқуқий тафаккури тимсоли. // www.un.int/uzbekistan
4. Комментарий к Конституции Республики Узбекистан. / Ш.З.Уразаев и др. – Ташкент: Узбекистан, 2001. – С. 47-49.
5. Ўзбекистон Республикаси Конституциясига шарҳ. / А.А.Азизхўжаев, Ф.Абдумажидов, М.А.Ахмедшаева ва бошқ. – Тошкент: Ўзбекистон, 2008. – Б. 26.
6. Ўзбекистон Республикасининг 1997 йил 29 августдаги 474-сон “Давлат солиқ хизмати тўғрисида”ги Қонуни. // Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1997 й., 9-сон, 232-модда.
7. Ўзбекистон Республикасининг 2000 йил 14 декабрдаги 162-II-сон “Судлар тўғрисида”ги Қонуни. // Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2001 й., 1-2-сон, 10-модда.
8. Ўзбекистон Республикасининг 2001 йил 29 августдаги 257-II-сон “Прокуратура тўғрисида”ги Қонуни. // Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2001 й., 9-10-сон, 168-модда.
9. Ўзбекистон Республикасининг 2018 йил 5 апрелдаги ЎРҚ–471-сон “Ўзбекистон Республикаси Давлат хавфсизлик хизмати тўғрисида”ги Қонуни. // Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 06.04.2018 й., 03/18/471/1022-сон.
10. Ўзбекистон Республикасининг 2016 йил 16 сентябрдаги ЎРҚ–407-сон “Ички ишлар органлари тўғрисида”ги Қонуни. // Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2016 й., 38-сон, 438-модда.
11. Ўзбекистон Республикасининг 2018 йил 18 октябрдаги ЎРҚ–502-сон “Давлат божхона хизмати тўғрисида”ги Қонуни. // Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 19.10.2018 й., 03/18/502/2068-сон.
12. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 3 октябрдаги “Ўзбекистон Республикасида кадрлар сиёсати ва давлат фуқаролик хизмати тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ–5843-сон Фармони. // Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 04.10.2019 й., 06/19/5843/3900-сон.
13. Федеральный Закон Российской Федерации от 27 июля 2004 года № 79-ФЗ «О государственной гражданской службе Российской Федерации» (с изменени-

ями на 31 июля 2020 года). // www.docs.cntd.ru/document/901904391

14. Закон Республики Казахстан от 23 ноября 2015 года № 416-V ЗРК «О государственной службе Республики Казахстан» (с изменениями и дополнениями по состоянию на 06.10.2020 г.). // www.online.zakon.kz/document/?doc_id=36786682#pos=1196;-57

15. Muroi Tsutomu. Shingendai gyouseihounyuumon. – Houritsubunkasha, 2001. – 63-66 p.;

16. Закон Республики Кореи «О системе государственной службы». // www.regnum.ru/news/society/2558114.html

17. Юсуф Хос Ҳожиб. Қутадғу билиг. – Тошкент: Юлдузча, 1990. – Б. 50.

18. Низомулмулк. Сиёсатнома (Сияр ул-мулк). – Тошкент: Янги аср авлоди, 2010. – Б. 10.

19. Ўзбекистон Республикасининг 2017 йил 11 сентябрдаги ЎРҚ–445-сон “Жисмоний ва юридик шахсларнинг муружаатлари тўғрисида”ги Қонуни. // Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2017 й., 37-сон, 977-модда.

20. Ўзбекистон Республикасининг 2017 йил 31 майдаги ЎРҚ–431-сон “Ўзбекистон Республикасининг Конституциявий суди тўғрисида”ги Конституциявий Қонуни. // Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2017 й., 22-сон, 407-модда.

21. Федеральный Конституционный Закон Российской Федерации от 21 июля 1994 года № 1-ФКЗ «О Конституционном суде Российской Федерации» (с изменениями на 9 ноября 2020 года). // www.docs.cntd.ru/document/9006048

22. Конституция Республики Беларусь 1994 года (с изменениями и дополнениями, принятыми на республиканских референдумах 24 ноября 1996 г. и 17 октября 2004 г.). // www.pravo.by/pravovaya-informatsiya/normativnye-dokumenty/konstitutsiya-respubliki-belarus/

23. Закон Республики Беларусь от 26 ноября 2003 г. № 248-З «О порядке реализации права законодательной инициативы гражданами Республики Беларусь». // www.pravo.by/document/?guid=3871&p0=H10300248

24. Конституция Республики Албания от 21 октября 1998 года. // www.concourt.am/armenian/legal_resources/world_constitutions/constit/albania/albani-r.htm

25. Конституция Княжества Андорра от 14 марта 1993 года. // www.legalns.com

26. Конституция Австрийской Республики от 10 ноября 1920 года. // www.legalns.com

27. Конституция Венгерской Республики от 18 августа 1949 года. // www.legalns.com

28. Конституция Грузии от 24 августа 1995 года. // www.matsne.gov.ge/ru/document/view/30346?publication=36

29. Конституция Королевства Испании от 27 декабря 1978 года. // www.legalns.com

30. Конституция Итальянской Республики от 1 января 1948 года. // www.legalns.com

31. Конституция Латвийской Республики. // <https://www.president.lv/ru/latviiskaya-respublika/konstituciya-latvii#gsc.tab=0>

32. Конституция Литовской Республики от 2 ноября 1992 года (Принята гражданами Литовской Республики на референдуме 25 октября 1992 г.). // www.lrs.lt/home/Konstitucija/Konstitucija_RU.htm

33. Конституция Княжества Лихтенштейн от 5 октября 1921 года. // www.legalns.com

34. Конституция Республики Македония от 17 ноября 1991 года. // www.legalns.com

35. Конституция Республики Польша от 2 апреля 1997 года. // www.legalns.com

36. Конституция Португальской Республики от 2 апреля 1976 года. // www.legalns.com

37. Конституция Румынии от 21 ноября 1991 года. // www.legalns.com

38. Конституция Республики Словения от 23 декабря 1993 года. // www.legalns.com

39. Конституция Швейцарской Конфедерации от 18 апреля 1999 года. // www.legalns.com

40. Антонова О.А. Законодательная инициатива граждан как форма участия в управлении делами общества и государства. // Вестник Прикамского социального института. – 2018. – № 2 (80). – С. 9.

41. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгашининг 2018 йил 2 апрелдаги 1600-III/КҚ-322-III-сонли “Mening fikrim” веб-портали орқали электрон жамоавий мурожаат қилиш ва уларни кўриб чиқиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида”ги Қўшма қарори.

42. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгашининг ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгашининг 2019 йил 2 февралда қабул қилинган 2310-III/КҚ-503-III-сонли “Mening fikrim” веб-портали орқали электрон жамоавий мурожаат қилиш ва уларни кўриб чиқиш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида”ги Қўшма қарори. // www.lex.uz/docs/4249490?query=mening%20fikrim

43. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 28 декабрдаги ПФ–4904-сон “Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари билан ишлаш тизимини тубдан такомиллаштиришга доир чора-тадбирлар тўғрисида”ги Фармони. // Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2017 й., 1-сон, 5-модда.

44. Мирзиёев Ш.М. Халқимизнинг розилиги бизнинг фаолиятимизга берилган энг олий баҳодир. 2-жилд.– Тошкент: Ўзбекистон, 2018. – Б. 73

45. www.pm.gov.uz

46. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 14 майдаги ПФ–5718-сон “Тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-қувватлаш ва ҳимоя қилиш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармони. // Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 15.05.2019 й., 06/19/5718/3131-сон

47. www.business.gov.uz.

Д.Артиков

ТДЮУ катта ўқитувчиси

ГЕРМАНИЯДА СУД НОРМАКОНТРОЛИНИ АМАЛГА ОШИРИШНИНГ ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ

Аннотация: мазкур мақолада Германия Федератив Республикасида суд нормаконтролининг ўзига хос хусусиятлари баён қилинган. Германия Конституциявий суди ва маъмурий судининг мазкур соҳадаги ваколатлари Ўзбекистон қонунчилиги билан қиёслаб таҳлил қилинган.

Калит сўзлар: нормаконтроль, идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжат, судловга тааллуқлилиқ, оммавий-ҳуқуқий низо, маъмурий суд

Аннотация: в данной статье описываются особенности судебного контроля в Федеративной Республике Германия. Полномочия Конституционного суда Германии и Административного суда в этой области были сопоставлены с законодательством Узбекистана.

Ключевые слова: нормаконтроль, ведомственный нормативно-правовой документ, подсудность, публично-правовой спор, административный суд

Abstract: the article analyzes the specifics of judicial control over legal rules in the Federal Republic of Germany. The powers of the German Constitutional Court and the Administrative Court in the relevant area have been compared with the legislation of Uzbekistan.

Key words: judicial control over legal rules, departmental laws, jurisdiction, public legal dispute, administrative court

Германияда суд нормаконтроли ўзига хос хусусиятга эга ҳисобланади. Яъни норматив ҳужжатлар бўйича низолашиш ишлари маъмурий суд билан бир қаторда, Конституциявий суд судловига тааллуқли ҳисобланади.

Ҳозирда Германиянинг Асосий қонунига биноан, Германияда суд ҳокимияти Конституциявий суд, федерал судлар ва 16 та ерлар судлари томонидан амалга оширилади. Германияда “бешта юрисдикция” ҳақида гап кетганда: а) ҳудудлар ва ўлка судлари томонидан амалга ошириладиган Умумий судлар юрисдикцияси: фуқаролик ишлари бўйича суд, жиноий ишлар бўйича суд, ихтиёрий равишда судловга тегишлилик; б) махсус судлов юрисдикцияси: меҳнат низолари бўйича суд, маъмурий низолар бўйича суд, ижтимоий таъминот масалалари бўйича суд ва молиявий судлар (солиқ низолари бўйича) тушунилади[1].

Германия Маъмурий процессуал кодекси(МПК)нинг олтинчи бўлими 40-моддасига биноан конституциявий аҳамиятга эга бўлмаган ва федерал қонунлар билан ҳал этилиши бошқа судларнинг ваколатига берилган низолардан ташқари барча оммавий-ҳуқуқий низолар юзасидан маъмурий судларга мурожаат қилиш мумкин.

Ўзбекистон Республикаси қонунчилигида ҳам шундай норма мавжуд. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Маъмурий суд ишларини юритиш тўғрисидаги кодекс(МСИЮТҚ)нинг 26-моддасига кўра, маъмурий судга фуқаролар ва юридик шахсларнинг бузилган ёки низолашилаётган ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш

тўғрисидаги, маъмурий ва бошқа оммавий ҳуқуқий муносабатлардан келиб чиқадиган ишлар тааллуқлидир, бундан Ўзбекистон Республикаси Конституциявий судига, фуқаролик ишлари бўйича судларга, иқтисодий судларга ва ҳарбий судларга тааллуқли ишлар мустасно[2]. Айнан мазкур норма орқали Германия қонунчилиги билан ўхшаш жиҳатлар мавжудлигини кузатиш мумкин.

Оммавий – ҳуқуқий низолар конституциявий ҳуқуққа тегишли эмас. Бу шуни англатадики, биринчидан, низонинг объекти ҳар иккала томондан ҳам конституциявий органга тегишли эмас, иккинчидан эса низонинг объекти тўғридан тўғри конституциядан келиб чиқувчи ҳуқуқ ва мажбуриятларининг объекти саналмайди. Ушбу критерия Конституциявий суднинг компетенциясини аниқлашда ёрдам беради.

Германия Асосий Қонуннинг 93-моддасида Федерал Конституциявий суднинг ваколатлари бериб ўтилган бўлиб, Асосий Қонунда баён этилган нормаларни давлат органлари томонидан бажариллиши ва фуқароларнинг шикоятларини кўриб чиқиш баён этилган. Федерал Конституциявий суд Асосий Қонуннинг 93-моддаси 1-қисми 4- “а” бандига мувофиқ, муайян бир шахс томонидан Асосий Қонуннинг 20-моддаси 4-қисми, 33, 38, 101, 104-моддаларида кўрсатилган ҳуқуқлари давлат ҳокимияти органлари томонидан бузилганлиги ҳолати бўйича берган шикоятларига кўра иш олиб боради[3;117-119-б]. Шунингдек, бундай шикоятлар умумий суд инстанциялари томонидан қабул қилинган қарорларга нисбатан ҳам берилиши мумкин. Мазкур ҳолда Федерал Конституциявий суд қабул қилинган суд қарорини қайта кўриб чиқади. Суд музокарасидан сўнг ҳар бир немис фуқаросининг асосий ҳуқуқлари бузилган деб топилганда, Асосий Қонун фуқарога Федерал Конституциявий судга мурожаат этиш имкониятини тақдим этади.

Германия қонунчилигидан фарқли равишда Ўзбекистон Республикаси Конституциявий суд томонидан кўриладиган ишлар сони камроқ. “Ўзбекистон Республикасининг Конституциявий суди тўғрисида”ги Қонуннинг 4-моддасига кўра, Конституциявий суд:

Ўзбекистон Республикаси қонунларининг ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталари қарорларининг, Ўзбекистон Республикаси Президенти фармонлари, қарорлари ва фармойишларининг, ҳукумат, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари қарорларининг, Ўзбекистон Республикаси давлатлараро шартномавий ва бошқа мажбуриятларининг Ўзбекистон Республикасининг Конституциясига мувофиқлигини аниқлайди;

Ўзбекистон Республикасининг Президенти томонидан имзоланганига қадар Ўзбекистон Республикаси конституциявий қонунларининг, Ўзбекистон Республикаси халқаро шартномаларини ратификация қилиш тўғрисидаги Ўзбекистон Республикаси қонунларининг Ўзбекистон Республикасининг Конституциясига мувофиқлигини аниқлайди;

Қорақалпоғистон Республикаси Конституциясининг Ўзбекистон Республикасининг Конституциясига, Қорақалпоғистон Республикаси қонунларининг Ўзбекистон Республикасининг қонунларига мувофиқлиги тўғрисида хулоса беради;

Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ва қонунлари нормаларига шарҳ беради;

Ўзбекистон Республикаси Олий судининг муайян ишда қўлланилиши лозим бўлган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг Ўзбекистон Республикасининг Конституциясига мувофиқлиги тўғрисида судлар ташаббуси билан киритилган мурожаатини кўриб чиқади;

конституциявий судлов ишларини юритиш амалиётини умумлаштириш натижалари юзасидан ҳар йили Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарига ва Ўзбекистон Республикаси Президентига мамлакатдаги конституциявий қонунийликнинг ҳолати тўғрисида ахборот тақдим этади;

Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ва қонунлари билан берилган ваколати доирасида бошқа ишларни кўриб чиқади.

Конституциявий суд конституциявий судлов ишларини юритаётганда бошқа судларнинг ёки ўзга органларнинг ваколатларига кирадиган барча ҳолларда ҳақиқий ҳолатларни аниқлаш ва текширишдан ўзини тияди[4].

Конституциявий нормаконтрол нуқтаи назардан Ўзбекистон Республикаси Конституциявий суд нормаконтрол объектига Ўзбекистон Республикаси қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталари қарорлари, Ўзбекистон Республикаси Президенти фармонлари, қарорлари ва фармойишлари, ҳукумат, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари қарорлари киради.

Ушбу ҳолатда вазирлик, давлат кўмиталари ва идораларнинг қабул қилган норматив ҳуқуқий ҳужжатлари юзасидан низолашиш тўғрисидаги ишлар Конституциявий суднинг ваколат доирасига киритилмаган. Аксинча, бундай низоларни кўриб чиқиш Олий суднинг ваколат доирасига киритилганлиги белгилаб қўйилган. Лекин, Ўзбекистон Республикасининг Конституциясига биноан “Ўзбекистон Республикаси Конституциявий суди қонун чиқарувчи ва ижро этувчи ҳокимият ҳужжатларининг Конституцияга мувофиқлиги тўғрисидаги ишларни кўради” деб белгилаб қўйилган. Бу эса, умумий олиб қараганда бу турдаги низоларни кўриб чиқиш Конституциявий суднинг ваколат доирасига киришини англатади ва бундай турдаги низоли ишларни кўришда бахсли ҳолатни юзага келтириши мумкин.

Ўз навбатида МСИЮтКнинг 179-моддасига кўра, ўзига нисбатан идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатнинг амал қилиши татбиқ этиладиган фуқаро ёки юридик шахс мазкур ҳужжат Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва қонунлари билан кафолатланган унинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини бузган деб ҳисобласа, ушбу идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатни тўлиқ ёки қисман ҳақиқий эмас деб топиш тўғрисидаги ариза билан судга мурожаат қилишга ҳақли[5]. Бу эса фуқаронинг Конституцияда белгиланган ҳуқуқларини идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжат бузадиган бўлса, Олий судга шикоят қилиши мумкинлигини англатади. Ҳозирги кунда бу масала муаммо эмасдек кўриниши мумкин. Лекин, фуқаронинг тўғридан тўғри Конституциявий судга шикоят қилиш ҳуқуқини юзага келиши баъзи мураккабликларни юзага келтириши мумкин.

Маълумки, “Ўзбекистон Республикасининг Конституциявий суди тўғрисида”ги Қонуннинг 25-моддасига кўра, Қуйидагилар Конституциявий судда кўриб чиқиш учун масалалар киритиш ҳуқуқига эга:

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг палаталари;

Ўзбекистон Республикаси Президенти;

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси;

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (омбудсман);

Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси;

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутатлари умумий сонининг камида тўртдан бир қисмидан иборат депутатлар гуруҳи;

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати аъзолари умумий сонининг камида тўртдан бир қисмидан иборат сенаторлар гуруҳи;

Ўзбекистон Республикаси Олий суди;

Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори;

Ўзбекистон Республикаси Ҳисоб палатасининг раиси.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 2 мартдаги ПФ-5953-сонли фармони^[6] билан тасдиқланган 2017 — 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини «Илм, маърифат ва рақамли иқтисодиётни ривожлантириш йили»да амалга оширишга оид давлат дастурида Конституциявий судда қонунларнинг Конституцияга мувофиқлигини кўриб чиқиш учун масала киритиш ҳуқуқига эга бўлган субъектлар қаторига фуқаролар ва юридик шахсларни киритиш назарда тутилмоқда. Идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар бўйича низолашишда бугунги кунда вужудга келаётган муаммолари ҳолатлар, яъни Конституциявий ва маъмурий суднинг ваколат доирасида аниқ чегаранинг мавжуд эмаслигини Россия Федерацияси ва Озарбайжон қонунчилигида ҳам кўришимиз мумкин. Бу турдаги ишларни кўришнинг маъмурий суд ва Конституциявий суд ўртасидаги қарама қаршиликнинг мавжуд бўлиши ишни кўриб чиқиш учун судлар томонидан сансоларликка йўл қўйилишига ва фуқароларни сарсон қилинишига олиб келиши мумкин.

Суд амалиётида ҳам Ўзбекистон Республикаси Конституциявий суд томонидан идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатнинг қонунийлигини текширган. Қуйида ушбу суд амалиёти бўйича Ўзбекистон Республикаси Конституциявий суд қарори кўриш мумкин.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ КОНСТИТУЦИЯВИЙ СУДИНИНГ ҚАРОРИ [7]

1998 йил 26 февраль Тошкент шаҳри «Давлат ижтимоий суғуртаси бўйича нафақаларни тайинлаш ва тўлаш тартиби тўғрисидаги Низом»нинг 17-банди бешинчи қисмининг Конституцияга мувофиқлигини текшириш ҳақидаги иш бўйича

Конституциявий суд раис Б.Эшонов, судьялар О.Эрназаров, Ғ. Абдумажидов, Ғ. Пиржановдан иборат таркибда, тарафлар сифатида Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Ўзбекистон Касаба уюшмалари федерацияси кенгаши, Ўзбекистон Республикаси Ижтимоий таъминот вазирлиги, Ўзбекистон Республикаси Меҳнат вазирлиги, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Ижтимоий суғурта жамғармаси вакиллари, шунингдек, эксперт доцент М. Гасанов иштирокида, Ўзбекистон Республикаси Конституцияси 109-моддаси биринчи қисмининг 1-бандига ва «Ўзбекистон Республикасининг Конституциявий суди тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни 1-моддасининг иккинчи қисмига амал қилган ҳолда, Ўзбекистон Касаба уюшмалари федерацияси кенгаши томонидан

1993 йил 1 декабрда, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Ижтимоий суғурта жамғармаси томонидан 1994 йил 10 февралда, Ўзбекистон Республикаси Меҳнат вазирлиги томонидан 1994 йил 10 февралда, Ўзбекистон Республикаси Ижтимоий таъминот вазирлиги томонидан 1994 йил 11 февралда, Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан 1994 йил 14 февралда тасдиқланган «Давлат ижтимоий суғуртаси бўйича нафақаларни тайинлаш ва тўлаш тартиби тўғрисидаги Низом»нинг 17-банди бешинчи қисмининг Конституцияга мувофиқлигини текшириш ҳақидаги масалани очиқ суд мажлисида кўриб чиқди. Масала Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузуридаги Амалдаги қонун ҳужжатлари мониторинги институтининг мурожати муносабати билан «Ўзбекистон Республикасининг Конституциявий суди тўғрисида»ги Қонуннинг 19-моддасига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Конституциявий судининг судьялари О.Эрназаров, Ғ. Абдумажидов ва Ғ. Пиржановнинг ташаббуси билан киритилди. Маърузачи судья Ғ. Пиржановнинг ахборотини, юқорида кўрсатиб ўтилган вазирликлар ва идораларнинг вакиллари, эксперт М. Гасановнинг 2 фикрини эшитиб, иш материалларини ўрганиб чиқиб, Конституциявий суд қуйидагиларни

аниқлади:

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 38-моддасида ёлланиб ишлайдиганларнинг ҳақ тўланадиган дам олиш ҳуқуқи мустаҳкамлаб қўйилган. Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодексининг 133-моддасига мувофиқ, барча ходимларга дам олиш ва иш қобилиятини тиклаш учун иш жойи (лавозими) ва ўртача иш ҳақи сақланган ҳолда йиллик меҳнат таътиллари берилади. Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 39-моддасига кўра, ҳар ким қариганда, меҳнат лаёқатини йўқотганда, шунингдек боқувчисидан маҳрум бўлганда ва қонунда назарда тутилган бошқа ҳолларда ижтимоий таъминот олиш ҳуқуқига эга. Меҳнат кодекси 285-моддасининг биринчи қисми вақтинча меҳнатга қобилиятсизлик нафақаси оиланинг бетоб аъзосини парвариш қилганда тўланишини назарда тутди. Бироқ, агар оила аъзосининг касаллиги ходимнинг меҳнат таътили даврида бошланган бўлиб, ходим дам олиш ўрнига беморни парваришлагга мажбур бўлган бўлса, унда «Давлат ижтимоий суғуртаси бўйича нафақаларни тайинлаш ва тўлаш тартиби тўғрисидаги Низом» 17-бандининг бешинчи қисмига кўра, вақтинча меҳнатга қобилиятсизлик нафақаси берилмайди ва бундай вазиятда таътил ходим оиланинг бетоб бўлиб қолган аъзосини парвариш қилган кунлар сонига монанд оилага таътил берилмайди. Шу тарзда меҳнат таътили даврида оиланинг бетоб аъзосини парвариш қиладиган ходимларнинг дам олиш ва ижтимоий таъминотга бўлган конституциявий ҳуқуқлари камситилади. Баён қилинганларга асосланиб ва «Ўзбекистон Республикасининг Конституциявий суди тўғрисида»ги Қонуннинг 25, 26 ва 27-моддаларига амал қилиб, Конституциявий суд

қарор қилди:

1. «Давлат ижтимоий суғуртаси бўйича нафақаларни тайинлаш ва тўлаш тартиби тўғрисидаги Низом» 17-бандининг навбатдаги ёки қўшимча меҳнат таътилидаги ходимнинг бетоб бўлиб қолган оила аъзосини парвариш қилганлик учун нафақа олиш ҳуқуқини чекловчи бешинчи қисми Ўзбекистон

Республикасининг Конституциясига мос келмайди деб топилсин.

2. Ушбу қарор қатъий, унинг устидан шикоятга ўрин йўқ ва у «Халқ сўзи» ва «Народное слово» газеталарида эълон қилинган пайтдан кучга киради.

Ўзбекистон Республикаси Конституциявий суди

Суд амалиёти ва фуқаролар ва юридик шахсларнинг Конституциявий судга мурожаат қилиш ҳуқуқини юзага келишидан келиб чиқиб шуни таъкидлаш лозимки, суд нормаконтроли доирасида маъмурий суд ва конституциявий суднинг судга тааллуқлилиги бўйича муаммо юзага келиши мумкин. Айнан мазкур масала доирасида Германия тажрибасига назар солсак, мазкур муаммога ечим борлигини кузатиш мумкин.

Германиялик олим Э. Фризенхан конституциявий нормаконтролни қуйидагича таснифлайди:

1) давлат органлари ўртасидаги низоларни кўриб чиқиш;

2) ҳуқуқий нормаларни Конституцияга мослигини назорат қилиш;

3) конституциявий шикоятларни кўриб чиқиш[8;130 – 131-б].

Мазкур турдаги ишларнинг барчасида суд нормаконтролининг барча хусусиятларини кўриш мумкин. Бу ҳолатдаги энг асосий масала тадқиқот иши нуқтаи назардан нормаконтрол объектини аниқлаб олишдан иборат. Германияда конституциявий назорат объектларига қонунлар, Конституцияга тузатишлар, халқаро шартномалар, ижро этувчи органларнинг норматив ҳужжатлари, шунингдек, иттифоқ ва федерация субъектлари ўртасида ваколатларни ажратиш масалалари киради.

Демак, Германия Федерал Конституциявий суди ижро этувчи органларнинг ҳужжатлари устидан конституциявий назорат ўрната олади. Бу назорат одатда низо юзага келганда амалга оширилади.

Асосий Қонуннинг 93-моддасига кўра, Конституциявий суд суд нормаконтроли доирасида конституциянинг асосий ҳимоячиси ҳисобланади. Ижро этувчи органларнинг ҳар қандай ҳужжати Конституцияга эҳтимолий қарама-қаршилиги мавжуд деб ҳисобласа, ҳар бир шахс Конституциявий судга шикоят қилиши мумкин.

Мисол учун, 1951 йил 27 сентябрда аризачи Г.Г. Шимолий Рейн-Вестфалия Ички ишлар вазирининг буйруғидан норози бўлиб, Билефельде ер судига шикоят қилади, суд иш Асосий Қонуннинг 100-моддасига биноан Конституциявий судга таалуқли бўлганлиги учун ишни тўхтатади. Бунга сабаб қилиб, ички ишлар вазирининг 1951 йил 28 апрелдаги буйруғи Асосий Қонуннинг 4, 5, 8, 9, 17 ва 19- моддаларига зид бўлади. Жумладан, мазкур буйруқ Асосий Қонунда белгиланган виждон эркинлиги(4-модда), оила (5-модда), йиғилиш ўтказиш эркинлиги(8-модда), жамоат бирлашмаларига аъзо бўлиш эркинлиги(9-модда), петиция(17-модда) ва ҳуқуқий ҳимояда бўлиш каби асосий ҳуқуқларни чеклаган. Асосий Қонуннинг 100-моддасига кўра, Конституциявий суд томонидан умумий суд назоратини амалга ошириш белгиланган. Асосий Қонуннинг 93-моддасига кўра, Конституциявий суд Асосий Қонуннинг ҳимоячисидир. Ҳар қандай ижро органининг ҳуқуқий ҳужжати Конституцияга қарама-қаршилиги текширишда ижро органидан мустақил бўлган Конституциявий судга мурожаат қилиш мумкин[9; 946-б].

Ижро этувчи органлар ҳужжатларининг Конституциявий судга таалуқлилигини муҳим жиҳати мазкур ҳужжатлар тўғрисида Асосий Қонунда белгиланган нормаларни бузиш билан ифодланади.

Германияда маъмурий судларга давлат органлари томонидан жисмоний ва юридик шахсларнинг ҳуқуқларининг қандай ҳуқуқий шаклда бузилишдан қатъи назар шикоят қилиниши мумкин. Маъмурий судларнинг юрисдикциясига индивидуал маъмурий қарорлар (Verwaltungsakte), оммавий-ҳуқуқий шартномалар (öffentlich-rechtliche Verträge), қонуности ҳужжатлар (Satzungen) ва делегацияланган қонунчилик (мисол учун, парламент томонидан тасдиқланган маъмурий регламент) бўйича низолашиш тўғрисидаги ишлар киради. Агар шахсий ҳуқуқларни бузса, расмий баённомалар ҳам суд назорати объекти бўлиши мумкин.

Маъмурий процессуал кодекси 45-моддасига кўра, оммавий-ҳуқуқий низолар асосан биринчи инстанция маъмурий судларида ҳеч қандай истисносиз кўриб чиқилади.

Қонуности ҳужжатларини бекор қилиш бўйича ҳаракатлар иккинчи даражали Олий маъмурий судларнинг ваколатига киради (Маъмурий процессуал кодекси 47-модда) ва бошқа муҳим аҳамиятга эга бўлган баъзи тортишувлар, масалан, электр станцияларини қуриш ёки улардан фойдаланиш билан боғлиқ бўлганлар Федерал Маъмурий судлар томонидан кўриб чиқилади. Умумий ҳолда, маъмурий суд ўз ҳудудида жойлашган ҳар қандай жавобгарга қарши ҳаракатларини ўз юрисдикциясига олади. Мурожаат қилиш масалаларида, агар нотўғри судга мурожаат қилинган бўлса, даъво рад этилмасдан тегишли судга юборилиши керак[10].

Агар даъвогар қонуности ҳужжатларнинг ҳақиқийлигига шубҳа қилмоқчи бўлса, Олий Маъмурий судга уларни бекор қилиш бўйича шикоят қилиш мумкин (МПК 47-модда). Ушбу меъёрий ҳужжатлар Ер қонунидан юридик жиҳатдан қуйи кучга эга бўлиши лозим (МПК 47-модда, 1-қисм, 2-банд). Фақат Федерал қурилиш кодексига бўйича чиқарилган меъёрий ҳужжатлар устидан қонунга мувофиқ тегишли ер қонунчилигида қўшимча қондаларсиз шикоят қилиниши мумкин (МПК 47-модда, 1-қисм, 1 банд). Хусусий даъвогарлар билан бир қаторда, норматив ҳужжатларни бекор қилиш чоралари ҳар қандай орган томонидан ҳам берилиши мумкин. Даъвогар қонуности ҳужжатлар унинг ҳуқуқлари бузган ёки бузилиши тахмин қилган бўлса, судга мурожаат қилиши мумкин. Қонуности ҳужжат устидан шикоят қилиш учун у бир йил давомида амал қилган бўлиши лозим. Фақат Қурилиш кодекси асосида чиққан ҳолларда бу муддатга амал қилинмайди[11].

Қонуности ҳужжатни бекор қилиш бўйича иш кўриш жараёнида вақтинчалик буйруқ билан ушбу актининг бошланишини ёки ундан кейинги қўлланилишини тўхтатиб қўйиши мумкин (МПК 47-модда, 6-қисм). Мазкур масала доирасида илтимоснома берилиб, суд иккита ҳолатнинг оқибатларини таққослайди: а. ҳужжат қонуний эканлиги исботланган, аммо вақтинчалик буйруқ берилган; б. ҳужжат ноқонуний эканлиги исботланган, аммо вақтинчалик буйруқ берилмаган. Агар охириги фаразнинг оқибатларининг жиддийлиги устунлик қилса, суд буйруқ бериши керак.

Маъмурий процессуал кодекси 47-моддасининг муҳим жиҳатларидан бири маъмурий суд ва

конституциявий суд судловига таалуқли масаласида икки жиҳатни баён қилингандир:

Биринчидан, агар Ер қонунчилигида меъёрий ҳужжат Конституциявий суд томонидан кўриб чиқилиши белгиланган бўлса, маъмурий суд томонидан кўриб чиқилмайди.

Иккинчидан, агар меъёрий ҳужжатнинг ҳақиқийлигини текшириш бўйича суд жараёни Конституциявий судда кўриб чиқилаётган бўлса, Олий Маъмурий суд суд ишини Конституциявий суд томонидан тугатилгунга қадар тўхтатиб туришни буюриши мумкин.

Қуйидаги мисолда Конституциявий суд ва маъмурий суд ўртасида суд нормаконтроли доирасида судга тааллуқлилик масаласини таҳлил қилиш мумкин.

1967 йилда бир гуруҳ ҳарбийлар Ҳарбий интизом уставига ҳарбий бошлиқлар томонидан қўлланадиган жазо чораларидан бири бўлган қамоқ жазоси қонунга зидлиги бўйича Олий Маъмурий судга шикоят қилган. Олий маъмурий суд мазкур иш Асосий Қонуннинг 104-моддасига боғлиқ масала бўлгани учун, Конституциявий судга тааллуқли деб ҳисоблаган. Ҳарбий интизом уставининг 10-бандига кўра, бошлиқ томонидан қўлланадиган қуйидаги жазо чоралари мавжуд:

1. ҳайфсан;
2. қаттиқ ҳайфсан;
3. иш ҳақини тасарруф этиш ҳуқуқини чеклаш;
4. жарима;
5. ҳарбий қисм ҳудудидан чиқишга рухсатни чеклаш;
6. ҳибсга олиш.

Асосий Қонуннинг 104-моддасига кўра, шахснинг эркинлиги қонунларга мувофиқ ва фақат уларда белгиланган тартибда чекланиши мумкин. Қамоқда сақланаётган шахсларга руҳий ва жисмоний тазйиқ ўтказиш мумкин эмас. Фақат судья озодликдан маҳрум қилиш тўғрисида қарор чиқариши мумкин. Агар маҳрум қилиш суд қарорига асосланмаган бўлса, у ноқонуний ҳисобланади. Полиция ҳеч қандай ўз ваколати билан ҳибсга олиш кунидан кейинги кун давомида ушлаб туриши мумкин эмас. Конституциявий суд қарорига кўра, Ҳарбий интизом уставига белгиланган ҳибсга олиш жазоси ҳарбий бошлиқ томонидан қўлланиши Асосий қонунга зид ҳисобланади. Бундай жазо чораси фақат Ҳарбий суд томонидан қўлланиши лозимлиги таъкидлаб ўтилди[12; 1020-1022-б.].

Юқорида таҳлил қилганимиздек, Германия маъмурий юстицияси ўзига хос хусусиятларга эга. Германияда маъмурий судловни амалга ошириш қуйидаги натижаларга эришишнинг гарови ҳисобланади:

биринчидан, ҳуқуқий демократик давлатнинг талабларини мамлакатда ўрнатиш;

иккинчидан, давлат аппарати фаолияти устидан объектив суд назоратини амалга ошириш;

учинчидан, фуқароларнинг оммавий субъектив ҳуқуқларини ҳимоя қилиш;

тўртинчидан, қонунчиликни техника, иқтисодиёт ва ижтимоий соҳалардаги ўзгаришларни ҳисобга олган ҳолда такомиллаштириш ва ҳаётга татбиқ этиш;

бешинчидан, Германияда ҳуқуқий барқарорликни таъминлаш[13].

Хулоса ўрнида шуни таъкидлаш лозимки, Германияда суд нормаконтроли қуйида ўзига хос жиҳатларга эга:

Биринчидан, суд нормаконтроли Конституциявий суд ва Олий маъмурий суд томонидан амалга оширилади;

Иккинчидан, Конституциявий суд нормаконтроли амалга оширишда асосан Асосий қонун нормаларини бузилиши ёки бузилмаслигига эътибор қаратилади;

Учинчидан, суд нормаконтролида Конституциявий суд ва Олий маъмурий суд ўртасида судловлилик муаммоси бўлмаслиги учун алоҳида нормада мазкур чегара белгилаб қўйилган(МПК 47-модда);

Тўртинчидан, Олий маъмурий суд нормаконтролида дастлабки ҳимоя чораларини қўллаш тартиби белгиланган;

Бешинчидан, Олий маъмурий суд нормаконтролига оид тегишли нормада тўғридан тўғри қонунда белгилаб қўйилган(Қурилиш кодекси).

Адабиётлар рўйхати:

1. Georg Herbert, Administrative justice in Europe. Leipzig. (http://www.aca-europe.eu/en/eurtour/i/countries/germany/germany_en.pdf)
2. Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 26.01.2018 й., 02/18/МПК/0627-сон, 12.10.2018 й
3. Grundgesetz Günter Frankenberg Fischer Verlag GmbH, Frankfurt am Main, 2004. S 117-119.
4. Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 18.03.2020 й., 03/20/612/0326-сон
5. Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 26.01.2018 й., 02/18/МПК/0627-сон, 12.10.2018 й., 03/18/496/2043-сон
6. Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 03.03.2020 й., 06/20/5953/0246-сон; 27.03.2020 й., 06/20/5975/0377-сон
7. <http://www.ksu.uz/decisions/199802261uz.pdf>
8. Friesenhahn E. Wesen und Grenzen der Verfassungsgerichtsbarkeit // ZSR. 1954. 129.73. S. 130 - 131.
9. Избранные решения Федерального Конституционного суда Германии. Москва. "Инфотропик Медиа". 2018. С.946
10. German Law of Administrative Court Procedure: an Overview Urs Kramer and Tim Hinrichsen Institut für Rechtsdidaktik Universität Passau 14b Dr.-Hans-Kapfinger-Str., 94032, Passau, Germany Journal of Siberian Federal University. Humanities & Social Sciences 10 (2015 8) 2050-2061
11. Code of Administrative Court Procedure (Verwaltungsgerichtsordnung, VwGO). Federal Law Gazette I page 686 // <https://germanlawarchive.iuscomp.org/?p=292#4>
12. Избранные решения Федерального Конституционного суда Германии. Москва. "Инфотропик Медиа". 2018. С.1020-1022
13. Д-р. Йенс Демпе. Административное право в Германии и во Франции. http://www.bizneslaw.uz/5_6/sravntab.htm.

С.Султанова
ТДЮУ докторанти

НОРМА ИЖОДКОРЛИГИ ФАОЛИЯТИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШНИНГ ҲУҚУҚИЙ АСОСЛАРИ

Аннотация: мақолада норма ижодкорлиги соҳасида амалга оширилаётган ислохотлар негизида қабул қилинаётган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар таҳлил қилинмоқда. Таҳлил асосида норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга муаллифнинг муносабати билдирилмоқда ва такомиллаштиришга оид таклиф берилмоқда.

Калит сўзлар: норма ижодкорлиги, норма ижодкорлигини такомиллаштириш, Норма ижодкорлиги фаолиятини такомиллаштириш Концепцияси, норматив-ҳуқуқий ҳужжат.

Аннотация: в статье анализируются нормативно-правовые акты, принимаемые в ходе осуществления реформы нормотворческой деятельности. На основе анализа раскрывается отношение автора относительно нормативно-правовых актов и выдвигается предложение по их совершенствованию.

Ключевые слова: нормотворчество, совершенствование нормотворчества, Концепция совершенствования нормотворческой деятельности, нормативно-правовой акт.

Annotation: the article analyzes the legal acts adopted in the course of the reform of lawmaking activity. Based on the analysis, the author's attitude to legal acts is revealed and a proposal for improvement is put forward.

Keywords: lawmaking, improvement of lawmaking, Concept of improving lawmaking activity, legal act.

Бугунги кунда қонунчиликнинг самарадорлиги масаласи жамият ҳётида янги аҳамият касб этмоқда. Зеро, қачонки қабул қилинаётган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар асосли ва керакли бўлса, уларни ижро этиш механизми пухта ишланган бўлсагина, ушбу қонунчилик жамият эҳтиёжларига жавоб бера олади.

Шу боис 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида қабул қилинаётган қонунларнинг амалга оширилаётган ижтимоий-сиёсий, ижтимоий-иқтисодий ва суд-ҳуқуқ ислохотлари жараёнига таъсирини кучайтиришга йўналтирган ҳолда қонун ижодкорлиги фаолияти сифатини тубдан ошириш вазифаси асосий вазифалардан бири этиб белгиланганлиги бежиз эмас [1].

2020 йил 24 январдаги Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев ўзининг Олий Мажлисга Мурожаатномасида қайд этганидек “Демократик ислохотлар йўли – биз учун яққаю ягона ва энг тўғри йўлдир. Бу борада биз ҳар куни изланишдамиз, хориждаги илғор тажрибаларни чуқур ўрганиб, ҳаётимизни, иш услубимизни янгилашга ҳаракат қилмоқдамиз” [2].

Тадиқотчи олимлар норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг экспертизасини, уларнинг умумхалқ муҳокамасини, қонунчиликнинг тартибга солиш кучини баҳолашни ва ҳуқуқни қўллаш мониторингини қонунчиликнинг самарадорлиги ошириш воситалари сифатида эътироф этмоқдалар [3].

Мамлакатимизда норма ижодкорлиги фаолиятини сифатини оширишга қаратилган вазифаларни тизимли ижро этиш учун ҳуқуқий базани яратиш йўлида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 08.09.2018 йилда №ПФ–5505 фармони Норма ижодкорлиги фаолиятини такомиллаштириш Концепцияси [4] тасдиқланди. Мазкур ҳужжатда ушбу соҳадаги муҳим масалалар белгиланган бўлиб, қуйидагиларни алоҳида ажратиш мумкин:

1. Идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни имкон қадар қисқартириш, аниқ соҳалардаги муносабатларни тартибга солувчи норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни тизимлаштириш ва кодификациялаш.

2. Идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни босқичма-босқич камайитириш, ҳар бир идоранинг юрисдикцияси рўйхатини аниқ белгилаш йўли билан уларнинг норма ижодкорлиги ваколатларини чеклаш.

3. Сифат, шаффофлик, тизимлилик, келишилганлик ҳамда жамоатчилик жалб этилишини таъминловчи концептуал жиҳатдан янги механизмларни жорий этишни назарда тутувчи норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни илгари суриш, ишлаб чиқиш ва қабул қилиш, шунингдек, уларнинг ижросини мониторинг қилиш тартибини такомиллаштириш.

4. “Ақлли тартибга солиш” механизмларини жорий қилиш:

- муайян муаммони ўзга чоралар (маъмурий тартиб-таомиллар, бошқаришга оид қарорлар, судда кўриб чиқиш) ҳал эта олмас ҳамда давлатнинг тартибга солиш орқали аралашуви зарурлиги етарли даражада, шу жумладан мурожаатларни, жамоатчилик фикри сўрови натижаларини ва амалдаги қонун ҳужжатларидаги бўшлиқларни ўрганиш ва таҳлил этиш негизида асосланган бўлсагина давлатнинг тартибга солувчи аралашуви йўл қўйиладиган тартибга солувчи қарорлар қабул қилиш учун асосларнинг етарлилиги принципнинг амалда ишлашини таъминлаш;

- муаммони, уни ҳал этиш усулларини, рақобатга таъсирини таҳлил қилиш, тартибга солишнинг янги воситалари ва тартибини жорий этишда юзага келиши мумкин бўлган оқибатларни прогноз қилиш ва баҳолаш, шу жумладан фуқаролар ва тадбиркорлик субъектлари учун фойда ва харажатларни таҳлил этишни назарда тутувчи хорижий мамлакатларда ижобий синовдан ўтган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларининг ҳамда қабул қилинган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг тартибга солиш таъсирини мажбурий баҳолашдан ўтказиш тизимини жорий этиш;

- норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ва уларнинг лойиҳаларини коррупцияга қарши экспертизадан ўтказишнинг самарали усуллари ва методологиясини мазкур тартиб-таомилни қонун ҳужжатларининг таъсирини баҳолаш тизимининг узвий элементи сифатида белгилаган ҳолда татбиқ этиш;

- тартиб-таомилларни мураккаблаштиришни назарда тутувчи, фуқаролар ва тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларига дахл этувчи қабул қилинадиган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларида мажбурий тартибда қуйидагилар тўғрисидаги қоидаларни қўллашга босқичма-босқич ўтиш:

- фуқаролар, тадбиркорлик субъектлари ва жамият томонидан қилинган ижро харажатлари таклиф этилаётган лойиҳа нормасида назарда тутилаётган харажатларга тенг ёки ортиқ бўлганда мавжуд нормани бекор қилиш;

- мураккаблаштирувчи тартиб-таомилларнинг амал қилиш муддатини чеклаш, бунда муддат ўтгач улар мавжуд тартибга солишни яхшилаш, унинг бундан буёнги зарурлигини асослаш ёки автоматик равишда кучини йўқотган деб топиш нуқтаи назаридан қайта кўриб чиқиши лозим;

- тўғридан тўғри амал қилувчи қонунларни қабул қилиш;

- идораларнинг норма ижодкорлиги фаолиятини ишлаб чиқилаётган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларининг сифати, уларнинг муваффақиятли амалга оширилиши, шунингдек, самарасиз тартибга солиш оқибатида фуқаролар ва тадбиркорлик субъектлари кўрган фойда ва чиқимлардан (шу жумладан зарар ва зиён) келиб чиққан ҳолда баҳолашнинг самарали тизимини жорий этиш;

- фуқаролар, фуқаролик жамияти институтлари, оммавий ахборот воситалари, тадбиркорлик субъектлари ва илм-фан вакиллари жалб этиш ишларини самарали ташкил этиш орқали норма ижодкорлиги жараёнига жамоатчилик муҳокамаларининг таъсир даражасини ошириш.

Ҳозирда Концепцияда белгиланган вазифаларни ижро этиш мақсадида ваколатли давлат органлари томонидан конкрет норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилинмоқда. Масалан, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг 2019 йил 26 мартдаги 2419-III/КК-523-III-сонли “Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг норма ижодкорлиги ва парламент назорати йўналишидаги фаолиятини кучайтириш ҳамда самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қўшма қарори [5] билан тўғридан-тўғри амал қилувчи қонунларда тизимлаштирилиши ва унификация қилиниши лозим бўлган қонун ҳужжатларини қайта кўриб чиқиш бўйича “Йўл харитаси” тасдиқланди. Жумладан, “Йўл харитаси”да белгиланишича 2019 йил 25 та, 2020 йил 19 та ва 2021 йилда 17 та қонун лойиҳаларини қайта кўриб чиқиш режалаштирилган.

Шунингдек, қўшма қарор билан “Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини, шунингдек уларга илова қилинаётган ахборот-таҳлилий материалларни юридик-техник жиҳатдан расмийлаштиришнинг Ягона услубиёти” тасдиқланди.

Бундан ташқари, норма ижодкорлигида “тартибга солиш гильотинаси” усули қўлланиб, идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар нормаларини юқори юридик кучга эга бўлган қонун ҳужжатларига ўтказиш орқали идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар бекор қилинмоқда. Маълумотларга кўра, 2019 йилнинг ўзида Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 457 идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжат давлат реестридан чиқарилаган. Ҳолбуки, 2018 йилда бу кўрсаткич 271 тани ташкил қилган [6].

Норма ижодкорлигини такомиллаштиришнинг воситаси. Норматив ҳуқуқий ҳужжатларни такомиллаштириш жараёнида қабул қилинаётган ҳужжатларни фуқаролар, ижтимоий институтлар, бизнес тузилмалари иштирокида муҳокама қилиш алоҳида аҳамият касб этади. Ғарб мамлакатларида 1980-йиллардан бошлаб қўлланилиб келаётган қонунчилик ҳужжатларининг тартибга солиш таъсирини баҳолаш тизими ушбу вазифани амалга оширишга хизмат қилади. Шундай қилиб, Ғарбда “Янги давлат бошқаруви” (New Public Management) элементи сифатида вужудга келган ва ҳозирги кунда “ақлли тартибга солиш” моделининг таркибий қисми сифатида

қаралаётган қонунчиликнинг тартибга солувчи таъсирини баҳолаш процедураси АҚШ, Буюк Британия, Германия, Голландия, Норвегия ва бошқа қатор давлатларда норма ижодкорлиги самарадорлигини ошириш воситаси сифатида эътироф этилмоқда.

Иқтисодий ҳамкорлик ва ривожланиш ташкилотининг ҳужжатларига кўра “қонунчилининг таъсир кучини баҳолаш бу – тақлиф этилаётган ва амалдаги тартибга солувчи (ҳуқуқий) норманинг ижобий ва салбий таъсирларини, шунингдек унинг мумкин бўлган муқобил вариантларини танқидий баҳолашнинг тизимли жараёни” [7].

Қонунчилининг таъсир кучини баҳолашсиз тўлақонли “ақлли тартибга солиш” мумкин эмас. Ушбу восита ёрдамида қабул қилинаётган қонунчилик ҳужжати давлат бюджети, бизнес ҳамжамияти ва фуқаролар учун қандай фойда ва харажатлар келтириб чиқаришини ҳисоблаш мумкин.

Турабаева З. ёзишича “қонунчилик ҳужжатлари таъсирини баҳолаш тизими ёки тартибга солиш таъсирини баҳолаш ҳуқуқий тартибга солиш сифатига таъсир кўрсатувчи асосий воситалардан бири ҳисобланади” [8].

Нажимов М.К. ҳам қонунчиликнинг таъсир кучини баҳолаш процедурасининг ўрнини алоҳида эътироф этганлар. Олимнинг фикрича, “қонунчилик актларининг сифатли таҳлили уз ичига учта элементни қамраб олиши керак: тақлиф қилинаётган норманинг зарурлиги тўғрисида маълум қилиш, мавжуд муаммони ҳал қилишнинг муқобил ёндашувларини ўрганиш, тақлиф қилинаётган нормаларнинг афзалликлари ва салбий томонларини ҳамда таҳлил қилиш давомида аниқланган асосий муқобил вариантларни баҳолаш. Кўпгина ҳолатларда қонунчилик актларининг таъсирини баҳолаш, агар ҳукумат таркибида мувофиқлаштирувчи орган бўлмаса, ваколатли идралар томонидан амалга оширилади” [9].

Маълумки, юртимизда 2015 йил 1 январдан бошлаб Ягона интерактив давлат хизматлари порталида (www.mv.gov.uz) махсус электрон платформа, 2015 йил май ойида эса regulation.gov.uz веб сайти ишга туширилди ва унда тадбиркорлик соҳасдаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар жамоатчилик муҳокамасига кўйилади [10]. 2018 йил 1 майдан бошлаб эса, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 13 апрель 2018 йилдаги “Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги фаолиятини янада такомиллаштиришга доир ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-3666-сонли қарорига асосан жамият ҳаётининг барча соҳаларига тааллуқли норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳалари ишлаб чиқарувчи ташкилот томонидан жамоатчилик муҳокамасига кўйилиши шарт этиб белгиланди [11].

Шак шубҳасиз, жамоатчилик муҳокамаси қонунчилик ҳужжатлари таъсирини баҳолаш тизимининг муҳим қисми ҳисобланади. Шу билан бирга, тўлақонли баҳолаш бўлиши учун норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳасини тайёрлаган орган тақлиф этилаётган норманинг муқобил вариантларини таҳлил қилиши ва энг муқобилни танлаш ҳақида ўз хулосасини бериши лозимдир.

Хусусан, норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг таъсир кучини баҳолаш механизминини ишга тушириш йўлида яқин орада Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 12 мартдаги 212-сонли “Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Юридик таъминлаш бошқармаси тўғрисидаги низомни

тасдиқлаш ҳақида”ги ва 2019 йил 22 мартдаги 242-сонли “Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг регламентини тасдиқлаш тўғрисида”ги қарорлари қабул қилинди.

Яна бир муҳим ҳужжат – Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 19 майдаги “Давлат ҳуқуқий сиёсатини амалга оширишда адлия органлари ва муассасалари фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-5997 фармонида кўра давлат бошқаруви тизимининг тартибга солиш таъсирини баҳолаш бўйича фаолиятини мувофиқлаштириш Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигига юклатилди.

Энг муҳими, ҳозирда парламентимиз томонидан 2019 йил 19 сентябрда биринчи ўқишда қабул қилинган, ва иккинчи ўқишга тайёрлаш босқичида кўриб чиқилаётган Ўзбекистон Республикасининг “Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўғрисида”ги қонунининг янги таҳрири лойиҳаси норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни ишлаб чиқиш ва қабул қилишга янгича ёндашуви ўрнатмоқда, норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларининг таъсир кучи баҳоланиши мажбурий бўлган соҳалар белгиламоқда, фуқаролар ҳамда тадбиркорлик субъекларининг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларига таъсир қилувчи қонун лойиҳаси билан биргаликда таъсир кучи баҳолаш ҳисоботи (хулосаси)ни тақдим қилиш мажбурийлиги ўрнатилмоқда ва ҳ.к.

Мазкур қонун лойиҳасида қонунчиликнинг тартибга солиш кучини баҳолаш (ҚТКБ)га таъриф берилган бўлиб, унда у норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини қабул қилиш оқибатларини ва қабул қилинган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг амалдаги таъсирини баҳолашдан иборат, деб белгиланган. Фикримизча, мавҳумликни олдини олиш ва ҚТКБнинг асл моҳиятини очиқ бериш мақсадида Иқтисодий ҳамкорлик ва ривожланиш ташкилоти ҳужжатлари ва ҚТКБнинг халқаро қўлланилиш амалиётидан келиб чиққан ҳолда кенгроқ таъриф керак. Мисол учун, “қонунчиликнинг тартибга солиш кучини баҳолаш бу узининг методологияси билан белгилаб берилган жарёндири, унда тартибга солиниши керак бўлган муаммо аниқланади, тартибга солувчи муқобил вариантлар тайёрланади ва таҳлил қилинади, танланган энг муқобил вариант асосида норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳаси тайёрланади ёки мавжуд бўлган (ҳуқуқий) тартибга солишни ўзгартириш мақсадга мувофиқ эмаслиги ҳақида хулоса тайёрланади”.

Бундан ташқари, қонун лойиҳасига мувофиқ қонунчиликнинг тартибга солиш кучини баҳолаш куйидаги ҳолатларда амалга оширилади:

- норматив-ҳуқуқий ҳужжат ишлаб чиқилаётганда;

- норматив-ҳуқуқий ҳужжат қабул қилиниб, кучга киргандан сўнг.

Бироқ, Иқтисодий ҳамкорлик ва ривожланиш ташкилотининг тадқиқотларига асосан, ҚТКБ жамият ҳаётининг бирор бир соҳасида муаммо вужудга келган вақтдан бошланса, баҳолаш ўз самарасини беради [12]. Яъни биз жамоатчилик муҳокамасига тайёр норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳасини эмас, балки норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳаси концепциясини олиб чиқишимиз даркор.

Юқоридагиларга асосан, фикримизча қонун лойиҳасида “қонунчиликнинг тартибга солиш кучини баҳолаш норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳасини ишлаб чиқишдан олдин ўтказилади”, деб белгилаш керак.

Фикримиз давомида, айтиш жоизки “Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўғрисида”ги қонунининг янги таҳрири қабул қилиниши ва унга қонунчиликнинг таъсир кучини баҳолаш мажбурий бўлган соҳалар ва бошқа тегишли ҳолатларнинг белгиланиши норма ижодкорлиги фаолиятини такомиллаштириш соҳасида амалга оширилаётган ишларнинг изчил давоми бўлиб, яна битта тўғридан-тўғри амал қилувчи қонуннинг ишга тушишига олиб келади.

Хулоса ўрнида таъкидлаш жоизки, шубҳасиз норма ижодкорлиги соҳасида амалга оширилаётган ислохотлар, қонунчилик самарадорлигини оширишга асос бўлиб хизмат қилувчи норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг қабул қилиниши демократик ҳуқуқий давлат ва эркин фуқаролик жамиятининг ҳуқуқий пойдевори бўлиб хизмат қилади.

Адабиётлар рўйхати:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 7 феврал 2017 йилдаги ПФ-4947 сонли “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги фармони // “Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги тўплами, 13 феврал 2017 йил, №6, 70-м.

2. <http://uza.uz/oz/politics/zbekiston-respublikasi-prezidenti-shavkat-mirziyevning-oliy-25-01-2020>

3. Арнаутова А.А. Средства повышения эффективности нормативных правовых актов // Вестник Университета им. О.Е.Кутафина (МГЮА). Б. 188-193.

4. Ўзбекистон Республикаси миллий қонунчилик базаси – www.lex.uz

5. Ўзбекистон Республикаси миллий қонунчилик базаси – www.lex.uz

6. <https://www.minjust.uz/ru/activity/normativity/98767/>

7. <http://www.oecd.org/gov/regulatory-policy/ria.htm>

8. Турабаева З. Қонунчилик ҳужжатлари ижросини таъминлашда мониторинг институти ва қонунчилик ҳужжатлари таъсирини баҳолаш тизимининг аҳамияти // Юридик фанлар ахборотномаси, ТДЮУ:2019, №3.- Б.33.

9. Нажимов М.К. Норма ижодкорлиги жараёнини такомиллаштириш – давлат-ҳуқуқий ислохотларнинг муҳим йўналиши // Юридик фанлар ахборотномаси, ТДЮУ:2019, №2. – Б.86-87.

10. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2 декабрь 2014 йилдаги 328-сонли “Қонун ҳужжатларининг тадбиркорлик фаолиятига таъсирини баҳолаш тизимини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори // Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2014 й., 49-сон, 581-модда; 2015 й., 26-сон, 338-модда.

11. Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси – www.lex.uz

12. Детерминанты качества анализа регулирующего воздействия. ОЭСР, 2006. - Б.5 // <https://www.oecd.org/regreform/regulatory-policy/42047676.pdf>

Ш.Н. Рўзиназаров
ТДЮУ профессори, ю.ф.д.

ФУҚАРОЛИК-ҲУҚУҚИЙ ФАНЛАРГА ОИД ФУНДАМЕНТАЛ ТАДҚИҚОТЛАР: ЗАМОНАВИЙ РЕАЛЛИК ВА ДОКТОРИНАЛ МЎЛЖАЛЛАР

Аннотация: мазкур мақолада фуқаролик ҳуқуқий фанларнинг роли, аҳамияти ва унинг устувор йўналишлари бўйича фундаментал тадқиқотларнинг янги тенденциялари таҳлил этилган. Шунингдек, фуқаролик ҳуқуқининг долзарб муаммолари бўйича фундаментал тадқиқот ишларининг фуқаролик ҳуқуқий фанларга оид фундаментал тадқиқотларни мувофиқлаштиришнинг зарурияти исботлаб берилган. Айниқса, унда фуқаролик ҳуқуқининг долзарб муаммолари рақамли иқтисодиётнинг илмий йўналишларидан келиб чиқиб асосланган хулоса ва таклифлар ишлаб чиқилган.

Калит сўзлар: фуқаролик ҳуқуқи, илмий назария, доктрина, методология, ҳуқуқий онг, цивил ҳуқуқининг асосий устувор йўналишлари, фундаментал тадқиқот, амалий ва инновацион тадқиқот, тадқиқот натижаси, хорижий тажриба, рақамли фуқаролик муомаласи.

Аннотация: в данной статье анализируется роль и значение гражданско-правовой науки и новое тенденции фундаментального исследования по их приоритетным направлениям. Наряди с этим обоснованы перспективное фундаментальный исследование работы по акадийский проблемам гражданское право. Самое главное доказаны объективная необходимость координации фундаментальных исследований гражданско-правовых дисциплин в современных условиях. В нем исходя из научных направление цифрового экономики обоснованы выводы и предложение по актуальном проблемам гражданского права.

Ключевое слова: гражданское право, научная теория, доктрина, методология, правовая политике, результат исследования, юриспруденция, основные приоритетные направления, гражданского право, фундаментальных исследования, цифровой гражданской оборот, зарубежный опыт.

Annotation: this article analyzes the role and significance of civil law science and new trends in fundamental research in their priority areas. The dresses with this are grounded in the perspective fundamental research of the Akadian civil law problems. The most important thing is proved to be the objective necessity of coordination of fundamental research of civil law disciplines in modern conditions. In it, based on the scientific direction of the digital economy, the conclusions and proposal on topical problems of civil law are justified.

Key words: civil law, the main priorities, civil law, fundamental research, digital civil turnover.

Дунёда ижтимоий тараққиётнинг барча босқичларида фундаментал тадқиқот ва илмий доктринага аъъанавий жиҳатдан энг долзарб муаммо сифатида эътибор берилган ва тан олинган. Ижтимоий муносабатларни ҳуқуқий тартибга солишни унинг назарий доктринал моҳиятини тушунмасдан, фуқаролик-ҳуқуқий муносабатлар табиатидаги ўзига хосликларни чуқур фундаментал мушоҳада этмасдан, доктринал қоидаларини қонун ҳужжатларга ва ҳуқуқни

қўллаш амалиётига татбиқ этмасдан фуқаролик муомаланинг нормал амалда бўлиши ва самарадорлига эришиб бўлмайди. Давлат ва жамиятнинг объектив ривожланишни қонуниятларига асосан фуқаролик ҳуқуқи доктринаси догматик тусга эга бўлмасдан цивилистик дунёқараш ва тафаккур ҳар бир жамият тараққиётининг тарихий ҳуқуқий ривожланиш тенденцияси ва эволюциясини ўзида акс эттиради. Дунёвий, замонавий билим ва цивилистик тафаккур глобаллашув жараёнларига, хусусий ҳуқуқ ривожланишининг аъъанавий ва илғор тажрибасига монанд бўлиши ва миллий ҳуқуқий қадриятлардан озикланган доктринал ёндашувларга ҳамоҳанг ҳолда ижтимоий муносабатларни фуқаролик ҳуқуқий тартибга солишнинг нафақат объектив реаллиги тенденцияларини билки илмий-назарий доктринал мўлжалларни инobatга олиш лозим.

Мавзунинг долзарблиги ва зарурияти. Мамлакатимиз тараққиётида илм-фаннинг роли ва аҳамиятибеқиёсдир. Давлатимизни янада ривожлантиришда фундаментал, инновацион ва амалий тадқиқотларни амалга оширишга эҳтиёж жуда катта [1]. Илм-маърифатга қизиқиши султ миллатнинг келажаги ҳам бўлмаслиги барчага равшан. Бехбудий бобомиз таъбири билан айтганда “Дунёда турмоқ учун дунёвий илм ва фан лозимдир. Замона илми ва фанидан бебаҳра миллат бошқа миллатларга поймол бўлур”. Бу пурҳикмат сўзлар фаннинг ватан ва миллат раванқи учун нақадар муҳим эканлигидан далolat беради.

Давлатимиз раҳбари Ш.Мирзиёев таъкидлаганидек, эндиги вазифа нафақат илмий тадқиқотлар ва изланишларни жамовий қўллаб-қувватлаш, балки уларни натижаларини амалиётга татбиқ этишга қаратилган самарали механизмларни яратишдан иборат. Ёшларимизга муносиб таълим бериш, уларни илм-фанга бўлган интилишларини руёбга чиқаришимиз керак. Олий таълим муассасаларида илмий салоҳиятни янада ошириш, илмий ва илмий-педагог кадрлар тайёрлаш қўламини кенгайтириш – энг муҳим масалалардан биридир.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 9 январдаги ПФ-5618 сон “Жамиятда ҳуқуқий онг ва ҳуқуқий маданиятини юксалтириш тизимини тубдан такомиллаштириш тўғрисида”ги фармони билан тасдиқланган, “Жамиятда ҳуқуқий маданиятни юксалтириш концепциясининг 5-боби “Ҳуқуқий маданиятни юксалтиришнинг илмий асосларини тадқиқ этиш”га бағишланган бўлиб унинг 3-бандида “Ҳуқуқий фанларни ривожлантиришнинг илмий асосланган режаларини ишлаб чиқиш ва унинг устувор йўналишларини аниқлаш” назарда тутилган.

Юридик фанларни ривожлантиришда фундаментал тадқиқотларнинг ўрни беқиёс бўлиб, у умум тан олинган назарий-методологик асосдир [2]. Бутун дунё ҳуқуққа юз тутмоқда. Бирлашган Миллатлар ташкилотининг 2007 йил 6 декабрдаги 62-ялпи мажлисида “Миллий ва халқаро даражадаги ҳуқуқ устуворлиги резолюцияси” [3] қабул қилинганлиги ҳам фикримизнинг ёрқин тасдиғидир”. Ҳуқуқий глобаллашув юридик фанларнинг асосий институтларини чуқур фундаментал илмий тадқиқ этиб ўрганишни тақозо этади [4]. Фуқаролик ҳуқуқи энг қадимий фан тармоғи бўлиб унинг илдиэлари Рим хусусий ҳуқуқига бориб тақалади. Дарҳақиқат, фикх илми мактаби айнан бизнинг ҳудудимизда яратилган бўлиб ҳозирги замон юриспруденцияси ундан

озикланмоқда десак, муболаға бўлмайди. Ҳар қандай фан каби фуқаролик – ҳуқуқий фанлар ҳам тадрижий ривожланиш йўлини босиб ўтмоқда [5]. Маъмурий буйруқбозлик даврида гарчи фуқаролик ҳуқуқи фани ривожланишига тоталитар тузум асоратлари хусусан, режали иқтисодиёт ўзининг салбий таъсирини кўрсатган бўлсада, соҳага оид илмий тадқиқот ишларида шартномавий муносабатларни тартибга солишга оид докторинал ёндашувлар, янги бозор типигаги иқтисодий формацияга асосланган фуқаролик муомаласининг асосий негизлари Фуқаролик кодексининг нормаларида сақлаб қолинганлиги, цивилистик тафаккурнинг ютуғи бўлди. Қолаверса, соҳага оид фундаментал тадқиқотлар натижасида мулк ҳуқуқи, тадбиркорлик фаолиятини ривожлантиришнинг мустақкам ҳуқуқий кафолатлар яратилди [6].

Муаммони моҳияти. Фуқаролик ҳуқуқий фанлар бўйича фундаментал илмий тадқиқотларни амалга ошириш борасидаги муаммоларни қуйидаги омилларга кўра тавсифлаш мумкин.

Биринчидан, фуқаролик ҳуқуқи бўйича назарий билимларга таяниб таомили янги билимларни олишга йўналтирилган чуқур экспериментал ёки назарий фундаментал тадқиқотлар амалга оширишга эришиш лозим.

Иккинчидан, фундаментал сўзининг луғавий маъноси жиҳатидан “бош, асосий, муҳим, энг муҳим” тушунчаларида ифодаланишни инobatта олиб фуқаролик ҳуқуқий фанларнинг асосий институтларини тушуниш ва талқин этиш бўйича илмий доктринал гипотеза, қарашлар мажмуи ишлаб чиқилади.

Учинчидан, фуқаролик ҳуқуқий ҳодиса, жараён объектлар табиатида рўй бераётган ўзгаришларни чуқур илмий тадқиқ этиб унинг ривожланиши тарихий ва тадрижий қонуниятлари асосида илгари фанда маълум бўлмаган янги ишланмалар ёки гипотеза (назария)ни фуқаролик муомаласида қўллашга оид янги билимлар шакллантирилади.

Тўртинчидан, фуқаролик ҳуқуқи оид фундаментал тадқиқот ўзининг мумтоз маъносига кўра табиат қонуниятлари ва реал ҳаққонийлигидаги ҳодиса ва объектнинг диалектик бирлиги билан боғлиқ муносабатларни аниқлаш жараёнида юз берадиган комплекс ҳуқуқий муносабатларни ҳуқуқий тартибга солишнинг монанд назарияси, юридик механизмини концептуал ҳаққоний илмий асосларини ишлаб чиқишдан иборат.

Бешинчидан, фуқаролик ҳуқуқи бўйича фундаментал тадқиқотларни олиб боришнинг энг асосий хусусияти шундаки у бевосита амалий муаммони ҳал этмасида, базавий фундаментал муаммони ҳал қилиниши жуда кўплаб амалий вазифаларни очқлиги ва самарали ечимининг йўллари очиб беради. Энг муҳими, фуқаролик ҳуқуқини фундаментал тадқиқотларга таянмасдан унинг моҳиятини тўғри тушуниш жуда мураккаб масаладир. Фундаментал фуқаролик ҳуқуқий тадқиқотлар фаннинг негизидеги мўлжалини ва замонавий ривожланиш тенденцияларини ва қонуниятларини ўзида акс эттиради.

Олтинчидан, фуқаролик ҳуқуқи оид фундаментал назарий тадқиқотлар унинг нормалари билан тартибга солинадиган ижтимоий муносабатларни ҳуқуқий механизмларини такомиллаштириш учун докторинал мўлжал бўлиб хизмат қилади. Фуқаролик ҳуқуқий фундаментал назарий тафаккур фуқаролик қонун

ҳужжатлари нормаларини ривожлантириш ва такомиллаштиришда “назарий концепция” функциясини бажаради. Шунингдек, бундай турдаги тадқиқот фанини гнесологик илдишлари моҳиятини чуқур тушуниш, идрок этишга, назарий мушоҳада этишга, фуқаролик ҳуқуқий фанларни илмий англашни ҳаққонийлиги учун илмий тадқиқ этишнинг тан олинган ва инновацион методларга таяниб уни диалектик ривожлантиришнинг асослари ва принципларининг истиқболли фундаментал йўналишлари ёритиб берилади.

Еттинчидан, фуқаролик ҳуқуқий фанлар бўйича фундаментал назарий тадқиқотлар давлатнинг ҳуқуқий сиёсатини хусусан, фуқаролик ҳуқуқий сиёсатининг асосий негизларини белгилаб берилиши, фанлараро ёндашувлар асосида давлат ва жамиятни ривожлантириш қонуниятларини тадрижий истиқболларини гипотезалари ишлаб чиқиши ва уни ижтимоий ҳаётда қўллашнинг натижадорлигига эришилиши лозим. Фуқаролик ҳуқуқи бўйича фундаментал назарий тадқиқотлар фуқаролик муомаласининг ҳолати ва ривожлантиришга оид олдиндан ишлаб чиқилган ва ҳар томонлама чуқур асослантирилган илмий башоратларга таянилиши лозим.

Саккизинчидан, глобаллашув шароитида фуқаролик ҳуқуқи бўйича дунё цивилист олимлари хатти-ҳаракатларини бирлаштириш мақсадида ўзаро ҳамкорликнинг янги шакл, усул ва форматларини ишлаб чиқиш ва жамоавий фундаментал назарий тадқиқотларни амалга ошириш ғоятда муҳим вазифалардан бўлиб ҳисобланади.

Тўққизинчидан, фуқаролик ҳуқуқий фанларга оид фундаментал, амалий ва инновацион тараққиётларни мувофиқлаштириш бугунги талабга жавоб бермайди. Фундаментал тадқиқот мавзуларини белгилашга тизимли ёндашув мавжуд эмас. Фуқаролик ҳуқуқий фанларнинг устувор йўналишлари бўйича тадқиқотларни амалга ошириш тарқоқлиги, самарадорлик ва натижадорлик даражаси пастлиги, рақамли фуқаролик ҳуқуқи оид фундаментал тадқиқотларни деярли йўқлиги унинг назарий, қонунчилик асосларини ривожлантириш имкониятини яратмаяпти. Қолаверса, соҳага оид чуқур фундаментал тадқиқотларнинг комплекс ёндашув ҳолати бугунги кун эҳтиёжи ва заруриятидаги орда қолаётганлиги сабабли ҳуқуқни қўллаш амалиётидаги кўплаб муаммоларни ҳал қилишга илмий ечим топишда қийинчиликлар ва ҳуқуқ моҳиятини нотўғри талқин этишга сабаб бўляпти.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 5 апрелдаги Ф-5464-сонли “Ўзбекистон Республикасининг фуқаролик қонунчилигини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги фармойишига кўра қуйидагилар Ўзбекистон Республикаси фуқаролик қонунчилигини янада такомиллаштиришнинг асосий устувор йўналишлари этиб белгиланди. Хусусан, фуқаролик қонунчилиги нормаларини тизимлаштириш ва унификация қилиш, уларнинг энг намунали хорижий амалиётлар билан уйғунлигини таъминлаш, шунингдек ушбу соҳада илғор халқаро стандартларни имплементация қилиш; хусусий мулкнинг дахлсизлиги кафолатларини таъминлайдиган, жисмоний ва юридик шахсларнинг, айниқса тадбиркорларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоя қиладиган самарали фуқаролик ҳуқуқий механизмларни белгилаш; оммавий ва

фуқаролик ҳуқуқ нормаларини аниқ чегаралаш, иқтисодийётни бошқаришда маъмурий-буйруқбозлик тамойилларига асосланган, ўз аҳамиятини йўқотган ва эскириб қолган қондаларни чиқариб ташлаш; давлат-хусусий шериклиги, кластерлик ишлаб чиқариши, электрон тижорат, крипто-валюта айланмаси, ер участкаларини хусусийлаштириш, қурилиш пудрати ва бошқа замонавий фуқаролик-ҳуқуқий институтлар ва иқтисодий муносабатлар шаклларини ҳуқуқий тартибга солишни таъминлаш кабилар шулар жумласидандир.

Мазкур фармойишга мувофиқ қабул қилинган Ўзбекистон Республикасининг фуқаролик қонунчилигини такомиллаштириш концепциясида фуқаролик ҳуқуқий муносабатларнинг амалдаги функцияларитактомиллаштириш ва янгиларни жорий қилиш (ҳалоллик, адолат, оқиллик ва бошқа принциплар); мавҳум тушунча (атама)ларни қайта кўриб чиқиш ва янгиларни киритиш; фуқаролик мажбуриятларини виждонан ва муносиб амалга ошириш, маънавий, моддий зарар ва зиёнларни ҳисоблаш тартибини жорий этиш, юридик шахсларнинг ташкилий-ҳуқуқий шаклларини оптималлаштириш, вакиллик институтини такомиллаштириш, мулкдорлик ҳуқуқларини кенгайтириш йўли билан ашёвий ҳуқуқлар институтини кучайтириш, мажбурият ҳуқуқини, фуқаролик ҳуқуқий жавобгарлик институтини такомиллаштириш, халқаро хусусий ҳуқуқ нормаларини қайта кўриб чиқиш, битимлар ва шартномавий, корпоратив ҳуқуқий муносабатларни тартибга солишнинг самарадорлигини ошириш, кредитор ва қарздорлар ҳуқуқларининг ишончли қафолатларини таъминлаш, Ўзбекистон Республикаси хорижий тижорат ташкилотлари филиалларининг ҳуқуқий мақомини кучайтириш ва ҳуқуқларини кенгайтириш, фуқаролик ҳуқуқий муносабатларда ахборот коммуникация технологияларни қўллашнинг ҳуқуқий асосларини шакллантириш хусусан, крипто-активлар, шу жумладан майнинг айланмасини ривожлантириш, шахси кўрсатилмаган маълумотларнинг сезиларли массивларини ("big data") йиғиш ва қайта ишлашни ҳуқуқий тартибга солиш, электрон тижоратдан фойдаланиш, электрон майдончалар орқали ҳаридларни амалга ошириш бўйича имкониятларни кенгайтириш ва ҳ.к.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 8 сентябрдаги ПФ-5185-сон Фармони [7] билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикасида маъмурий ислохотлар Концепциясининг III бўлими иқтисодий тармоқларига маъмурий таъсир кўрсатишни янада қисқартириш ва бошқарувнинг бозор механизмларини кенгайтиришга бағишланган бўлиб энг зарур иқтисодий тармоқлари ва ижтимоий соҳаларда (саноат, транспорт, энергетика ва бошқалар) рақобат муҳитини ривожлантириш, давлат ва тижорат манфаатлари тўқнашувини бартараф этиш; давлат иштирокидаги тижорат ташкилотларини тузишга чеклов чораларини белгилаш; давлат активларини бошқариш тизимининг молиявий шаффофлиги ва самарадорлигини оширишга қаратилган давлат иштирокидаги ҳўжалик юритувчи субъектларни бошқаришнинг корпоратив механизмларини ривожлантириш соҳаларида давлат иштирокининг аниқ бозор механизмларини ишлаб чиқиш; ижтимоий-иқтисодий ривожланишнинг долзарб масалаларини ҳал қилишда нодавлат масалаларини ҳал қилишда нодавлат ташкилотлари ва тадбиркорлик субъектларининг кенг иштирокини таъминлашга ҳамда

бюджет ҳаражатларини камайтиришга қаратилган ижтимоий ва давлат-хусусий шерикликнинг ҳуқуқий ва институционал базасини такомиллаштириш каби асосий йўналишлар белгиланган.

Мамлакатимизда илк мартаба қабул қилинган Маъмурий ислохотлар Концепцияси оммавий ҳуқуқнинг айрим устувор докторинал йўналишларини белгилашда жуда катта аҳамиятга эга. Бироқ хорижий давлатларнинг тажрибасини инобатга олиб хусусий ва оммавий ҳуқуқ Концепциясини назарий асослари бўйича фундаментал тадқиқотларни амалга ошириш устувор йўналишлардан бўлиб ҳисобланади [8].

Хусусий ҳуқуқ ўз ичига устувор диспозитив тусдаги ҳуқуқ нормалари, институт ва соҳаларни хусусий ҳуқуқий муносабатларда хусусий манфаатларни ифода этади, шартномавий алоқадорликнинг эришилишига, тарафларнинг тенглигига, ижтимоий муносабатларни ҳуқуқий тартибга солишда мулкнинг дахлсизлигига, хусусий ишларга бирон-бир кишининг ўзбошимчалик билан аралашига йўл қўйилмаслик, фуқаролик ҳуқуқларини тўсқинликсиз амалга оширишни бузилган ҳуқуқлар тикланишини, уларнинг суд орқали ҳимоя қилинишини таъминлаш зарурлигига асосланади. Яна бир муҳим жиҳати шундан иборатки, бир тарафнинг иккинчи тарафга маъмурий бўйсунлишга асосланган мулк муносабатларга, шу жумладан, солиқ, молиявий ва бошқа маъмурий муносабатларга нисбатан фуқаролик қонун ҳужжатлари қўлланилмайди, қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно. Таҳлиллар шуни кўрсатадики, замонавий шароитларда оммавий ва хусусий ҳуқуқ илмий ёндашувларда рўй бераётган докторинал назарий таълимотларига таяниб, маъмурий ислохотларнинг концептуал асосларини инобатга олиб оммавий ва хусусий ҳуқуқ нуқтаи назаридан уни аниқ чегараларининг фуқаролик ҳуқуқий механизмларини ишлаб чиқишни тақозо этмоқда.

Таҳлил ва натижалар. Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодекси "Бозор конституцияси" сифатида муҳим ҳуқуқий тартибга солиш функциясини бажармоқда. Мамлакатимизда устозимиз Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг академиги, юридик фанлар доктори, профессор Х.Раҳмонқулов раҳбарлигида цивилистик мактаб яратилди. Устоз раҳбарлигида амалга оширилган диссертациявий тадқиқотларда мулк, тадбиркорлик, инвестиция, қишлоқ ҳўжалиги, оила, халқаро хусусий ҳуқуқ, айниқса фуқаролик ҳуқуқининг долзарб муаммолари ва устувор йўналишлари бўйича илмий тадқиқот ишлари фанимиз тараққиётига муносиб ҳисса бўлиб қўшилди. Бироқ, юридик фанларни фундаментал тадқиқ этишнинг изчил тизими йўқлиги ва уни соҳалараро мувофиқлаштириш талабга жавоб бермаслиги, ҳуқуқий изланишларнинг суръати сусайишига олиб келди. Ҳозирги пайтда юридик соҳа бўйича фундаментал тадқиқотларни мувофиқлаштирилган ҳолда комплекс ўрганиш жараёни талабга жавоб бермайди. Энг муҳими, фуқаролик ҳуқуқий фанларни устувор йўналишлари бўйича Ҳаракатлар стратегиясида қўйилган вазифаларни фундаментал тадқиқотларни амалга ошириш орқали устувор йўналишларни белгилаш ва уни тизимли ўрганиш долзарб муаммолардан бўлиб ҳисобланади. Гарчи, монографик тадқиқотларда юридик фанларнинг ривожланиши ва замонавий муаммолари, хусусан фуқаролик, тадбиркорлик ҳуқуқининг айрим соҳавий институтлари тизимли

ўрганилаётган бўлсада, кўплаб замонавий фундаментал мавзуларни мақсадли ёндашувлар асосида илмий тадқиқот ва олий таълим муассасаларининг ҳамкорликдаги “Йўл хариталари”ни рўёбга чиқаришнинг роли ва аҳамияти ортмоқда. Бошқача айтганда, фуқаролик, тадбиркорлик, оила, халқаро хусусий ҳуқуқ соҳаларининг устувор йўналишлари бўйича узоқ йилларга мўлжалланган “Тадқиқот стратегияси”ни ишлаб чиқиш айна муддаодир. Бу ҳол юридик фанларни хусусан, фуқаролик ҳуқуқий фанларни фундаментал тадқиқ этиб ўрганиш бўйича янги ихтисослашган институционал илмий тадқиқот тузилмаларини шакллантиришни талаб этмоқда. Фидоий, илмга чанқок, ҳуқуқий фан тараққиётига ўзининг муносиб ҳиссасини қўшадиغان олимлар корпусини устоз-шоғирд тизими асосида нафақат мамлакатимизда балки дунёнинг етакчи давлатларида тайёрлаш иқтисодий ривожланишнинг тамомила янги тарихий босқичга олиб чиқиш имкониятини яратади.

Ҳозирги пайтда рақамли иқтисодий муносабатларни ҳуқуқий тартибга солишга эҳтиёж ва зарурат тобора ортиб бормоқда. Тўғриси айтганда, ҳуқуқий илмий ижодиёт глобаллашув жараёнларидан ва ҳуқуқни қўллаш амалиётидан орқада қолаётганлиги нафақат факт балки айна ҳақиқатдир. Хусусан, ҳуқуқий футурология, ҳуқуқий менежмент, иқтисодиёт соҳасида турли ҳуқуқий тизимдаги давлатлар қонунчилигини яқинлаштириш, фуқаролар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тизимини такомиллаштириш, касбий юридик ёрдам кўрсатиш, хусусий ҳуқуқнинг долзарб муаммоларини фундаментал таъкиб этиб ўрганиш лозим. Айниқса фуқаролик муомиласи субъектларининг эркин ҳаракати, иқтисодиёт соҳасида императив ҳуқуқий тартибга солишдан босқичма босқич воз кечиш, ҳакамлик, медиация, халқаро тижорат арбитражи фаолиятини ривожлантириш, трансчегаравий ҳуқуқий тартибга солиш самарадорлигига эришиш лозим. Рақамли иқтисодиётни ҳуқуқий таъминлаш мақсадида блокчейн, криптовалюта, рақамли инвестиция лойиҳаси, трансчегаравий молиявий операцияларни ҳуқуқий таъминлаш, фонд биржаларида евробондлар муомиласининг ҳуқуқий режими, рақамли муҳит шароитида тузиладиган электрон битимлар, хусусан, смарт-контрактларнинг фуқаролик ҳуқуқий табиати тадқиқ этиб ўрганилмаган. Шунингдек, ҳайдовчисиз транспорт ва учувчи (дрон) воситалар фаолиятини ҳуқуқий тартибга солиш, юридик хизмат кўрсатиш тизимини автоматлаштириш ва ахборот коммуникация технологияларидан фойдаланишни ҳуқуқий таъминлаш, сунъий интеллект, рақамли юриспруденция, электрон ҳуқуқат, электрон суд билан боғлиқ масалаларни фундаментал тадқиқ этишга муҳтождир. Давлат хусусий шериклик муносабатларини ҳуқуқий тартибга солиш, тиббий хизмат кўрсатиш, аҳолини озиқ-овқат махсулотлари билан таъминлашнинг ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш, махсус, эркин иқтисодий ва кичик саноат зоналарининг ҳуқуқий режими, қишлоқ хўжалигига мўлжалланмаган ер участкаларини хусусийлаштиришни илмий таҳлил этиш, оммавий ҳуқуқ нуқтаи назаридан стратегик режалаштиришнинг ҳуқуқий асосларини, ижодий уюшма ва бирлашмаларининг фуқаролик ҳуқуқий мақоми, ижтимоий хизмат кўрсатишнинг фуқаролик ҳуқуқий муаммолари, қишлоқ хўжалиги кластерларининг фуқаролик ҳуқуқий мақоми бўйича илмий

изланишларни амалга ошириш зарур. Аудиторлик ва баҳолаш фаолиятини фуқаролик ҳуқуқий тартибга солиш, уй-жой ҳуқуқининг долзарб муаммолари, қимматли қозғалар бозори, рақобат, геодезия ва картография, шаҳарсозлик соҳасидаги муносабатларни ҳуқуқий таъминлаш, рақамли иқтисодиёт шароитида интеллектуал мулк ҳуқуқий субъектлари ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилишни такомиллаштириш борасида устувор тадқиқот йўналишларини белгилаш объектив заруратдир. Бундан ташқари, инвестиция, транспорт, sanoat, курилиш, қишлоқ хўжалиги ҳуқуқини комплекс ривожлантириш, давлат хизматини кўрсатишнинг ҳуқуқий асосини такомиллаштириш, “хуфёна иқтисодиёт”ни камайтиришнинг ҳуқуқий воситалари самарадорлигини ошириш, молия, солиқ, сўғурта, валюта бозори, бюджет ҳуқуқининг қонунчилик асосларини такомиллаштиришга оид фундаментал тадқиқотларни кучайтириш лозим. Айниқса, акциядорлик жамиятида миноритар акциядорлар иштирокини ошириш, давлат улуши мавжуд хўжалик жамиятлари ва давлат корхоналарини бошқаришнинг мумтоз таълимотларини янгича идрок этиш, Фуқаролик кодексининг ашёвий ҳуқуқлар ва юридик шахсларнинг ташкилий-ҳуқуқий шаклларига оид нормаларини хорижий давлатлар қонунчилик тажрибаси асосида қиёсий тадқиқ этиш мақсадга мувофиқ. Сувдан фойдаланиш шартномавий муносабатлар, урбанизация муносабатларини ҳуқуқий тартибга солиш, экспорт фаолиятининг ҳуқуқий асосларини ривожлантириш, технопарklar, хусусий бандлик агентликларининг ҳуқуқий мақоми оилавий меҳмонхона, хусусий тиббиёт субъектлари мақоми, санитария эпидимология хизмат кўрсатишни ҳуқуқий тартибга солиш, уй-жой мулкдорлари ширкатларида давлат-хусусий шерикликнинг ҳуқуқий механизмлари билан боғлиқ замонавий масалаларни устувор тадқиқот йўналиши сифатида белгилаб олган ҳолда юридик фанларнинг ихтисослаштириш йўналишлари бўйича фундаментал, инновацион ва амалий тадқиқотларни амалга ошириш ўз навбатида, давлат дастурларидаги мақсадли вазифаларни илмий таъминлашга хизмат қилади.

Ҳуқуқий тадқиқотларнинг янги истиқболли йўналишлари фуқаролик ҳуқуқиди янги институтлар бўлмиш эстоппель, абстракт (суд неустойкаси) экология ва мерос шартномаларининг ҳуқуқий табиатини ўрганиш билан ҳам узвий боғлиқ. Инновацион тадбиркорлик, сайёҳлик ва ёшлар тадбиркорлик кластерлари фаолиятини ҳуқуқий тартибга солиш, хусусий тадбиркорлик субъектлари томонидан оммавий аҳамиятга молик функцияларнинг бажаришнинг тартиб ва асослари, экологик тадбиркорлик, метрополитенда йўловчи ва багаж ташиш, аутсорсинг, каршеринг(тадбиркорлик билан боғлиқ бўлмаган мақсадлар учун жисмоний шахсларга автомобилни ижарага бериш) инновацион, ахборот, инвестиция ширкати, корпоратив, энергетика ҳуқуқи ва оммавий хизмат кўрсатиш ҳуқуқий муносабатларини тизимли ва мақсадли фундаментал тадқиқот объекти сифатида ўрганиш муҳим аҳамият касб этмоқда. Фуқаролик ҳуқуқларини амалга оширишнинг эркинлиги, чегараси, оқилоналиги, ижтимоий адолатни рўёбга чиқариш механизмларини такомиллаштириш зарур. Ҳуқуқ ва мажбуриятни суиистеъмол қилиш, қонунни менсимаслик, уни хурмат қилмаслик, фуқаролик муомиласида ҳуқуқбузарликлар профилактикасини

кучайтириш, қонун билан тақиқланмаган ҳар қандай ҳаракатга рухсат этилади, деган юридик “олтин” тамойилни амалда рўёбга чиқаришни илмий таъминлашни талаб этади. Фуқаролик ҳуқуқий норманинг диспозитив касб этишидан келиб чиқиб, ахлоқий-этик тарбиявий функциясини амалга оширишни таъминлашнинг ҳуқуқий муаммоларини тадқиқ этиш зарур. Шунингдек типик аҳамиятга эга бўлмаган манба сифатида иш муомиласи одатларини қўллаш доираларини янада кенгайтиришга оид истиқболли фундаментал йўналишларни белгилаш зарур. Ҳуқуқнинг ижтимоийлашуви шароитида хусусий ва оммавий манфаатларнинг уйғунлашуви, давлатнинг фуқаролик ҳуқуқий муносабат субъектларига оммавий хизмат кўрсатишнинг роли ошаётганлиги ва бу борада конституциявий принципларнинг рўёбга чиқаётганлиги, ҳуқуқий ижодий методология соҳасида янгича фундаментал ёндашувларни ишлаб чиқишни талаб этмоқда.

Фуқаролик ҳуқуқий муомиланинг ўзига хос жиҳати сифатида ҳуқуқий муносабат иштирокчиларига эрк, эркин изҳор қилишнинг цивилистик механизмларига оид илмий таълимотни яратиш лозим. Бундан ташқари, фуқаролик ҳуқуқидаги ҳаракатсизлак ва мажбуриятни бажармасликнинг оқибатларини бартараф этишга қаратилган назарий таълимотларни ривожлантириш, процессуал тежамкорликнинг ҳуқуқий механизмларини такомиллаштириш (онлайн тарздаги судгача ҳимоя қилиш) тизимининг таъсирчанлигини ошириш лозим.

Жамиятда ижтимоий фаол ва ҳуқуқий ҳулқ-атворли инсон рейтингини баҳолаш тизимини яратиш, глобаллашув шароитида фуқароларнинг геоиқтисодий ва геоҳуқуқий тафаккурини шакллантириш мақсадида юридик онлайн курсларни ташкил этиш ҳам пировардида жамиятда рақамлаштириш борасидаги вазифаларни ҳал қилишга йўналтирилган. Фуқароларнинг рақамли ҳуқуққа оид билими ва кўникмаларини шакллантириш ўта долзарбдир. Боз устига ҳуқуқни “ақлли” иқтисодий таҳлили, иқтисодиёт юридикацияси нуктаи назаридан тадқиқотчиларда ҳақиқий ва том маънодаги ижодий менежмент кўникмаларини ривожлантириш илмий натижадорликка эришишда турли фанларнинг ютуқларидан фойдаланиш маҳоратига эга бўлган, халқаро ва минтақада тан олинадиган тадқиқот ишларини яратишнинг энг муҳим омили бўлиб ҳисобланади. Ҳуқуқнинг ижтимоийлашуви, фуқароларнинг ҳуқуқлари ва қонун билан ҳимоя қилинадиган манфаатларини судда ҳимоя қилишда жамоатчилик назоратининг воситаси сифатида жамоатчилик (гурӯх шахслар) томонидан бериладиган даъво аризаларининг таъсирчанлигини оширишга оид илмий тадқиқот ишларини амалга оширишга эҳтиёж вужудга келмоқда. Ҳар бир шахснинг цивилистик процессуал ҳуқуқий маданияти жамиятнинг зарурий ҳуқуқий элементи сифатида махсус тадқиқот ишларини амалга ошириш истиқболли йўналишлардан бўлиб ҳисобланади. Фуқаролик ҳуқуқий фанлар соҳасида илмий тадқиқот ишларини амалга оширишда ҳуқуқ психологияси, ҳуқуқ социологияси ва юридик педагогика фани соҳалари намоёндалари эришган илмий натижаларидан фойдаланишга эришиш лозим. Шунингдек, кўп қутбли дунё шароитида жаҳон юриспруденциясининг ноёб манбаларидан мақсадли фойдаланиш зарур. Глобаллашув шароитида миллий юриспруденция муаммоларини ўрганишда ва унинг

натижаларини эълон қилишда хорижий стандартларни инобатга олишни талаб қилади. Юридик фан ва юридик таълим узвий боғлиқдир. Рақамли дунё шароитида ҳуқуқнинг мумтоз ва замонавий моҳияти тубдан ўзгараётганлиги, унинг илмий ва назарий муаммоларини тадқиқ этишга ва уни ўқитишга янги инновацион ёндашувларни ишлаб чиқишни тақозо этмоқда. Энг муҳими, цивилистик билимларни инновацион бошқаришнинг замонавий концепциявий ёндашувларни ишлаб чиқиш соҳада улкан фундаментал тадқиқот натижаларига эришишнинг асосий шартидир.

Стратегик тараққиётни ҳуқуқий ва илмий таъминлаш ўз навбатида, ижтимоий ҳаётимизга кириб келаётган тамомила янги институтларни тадқиқ этиш асосида ниҳоятда муҳим натижадорликка эришиш имкониятини яратади. Энг асосийси, инновацион, индустриал ва рақамли иқтисодий тараққиётга эришиш пировардида давлат ва жамиятни “ақлли тартибга солишнинг” назарий методологик муаммоларини фундаментал асосда ўрганишни тақозо этади. Бу эса ўз навбатида қуйидаги муҳим устувор йўналишларга оид тизимли илмий таъминлашга хизмат қиладиган чора-тадбирларни кўришни талаб этмоқда. Биринчидан, ғоятда муҳим масала сифатида давлатимиз раҳбари асарлари ва нутқларидаги юридик фанларнинг олдига қўйилаётган муаммоларни ҳал қилиш бўйича салмоқли ва натижадор фундаментал тадқиқотлар кўламини кенгайтириш лозим. Илмий башоратлар шуни кўрсатмоқдаки, ҳуқуқни қўллаш амалиёти назариядан илгарилаб кетмоқда. Фуқаролик ҳуқуқи нормалари билан тартибга солинадиган ижтимоий муносабатлар доираси тобора кенгаймоқда. Шахслар, объектлар, битимлар, мулк ҳуқуқи ва бошқа ашёвий ҳуқуқлар, мажбурият ҳуқуқи, шартномалар, интеллектуал мулк, ворислик ҳуқуқи институтлари бўйича фундаментал илмий изланишларни амалга ошириш лозим. Иккинчидан, тадбиркорлик ҳуқуқи, корпоратив ҳуқуқ, инвестиция ҳуқуқи, рақобат ҳуқуқининг кўплаб долзарб ва устувор йўналишлари илмий тадқиқот ишларининг объекти сифатида ўрганишнинг эҳтиёжи ортиб бормоқда. Айниқса, Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантиришнинг 2017-2021 йилларга мўлжалланган Ҳаракатлар стратегиясида норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни қабул қилиниши қайд этилган ҳуқуқий фанларнинг марказий институти бўлмиш ҳуқуқ манбалари бўйича фундаментал тадқиқотларни жадаллаштиришни талаб этади. Бироқ ушбу фанларнинг устувор йўналишлари бўйича тизимли фундаментал тадқиқотлар замонавий талаблар амалга оширилмаётганлиги сабабли қонун ижодкорлиги бўйича асослантирилган илмий ҳулоса ва тақлифлар ишлаб чиқиш имконини бермаяпти. Бу йўналишда бажарилаётган амалий тадқиқот ишлари соҳага оид фундаментал илмий изланишларга таянилмаганлиги сабабли истиқболли назарий-методологик ёндашувларни ишлаб чиқишга таъсир кўрсата олмаяпти. Бу эса ўз навбатида, қайд этилган ҳуқуқ соҳаларини ривожлантириш мақсадида унинг устувор йўналишларини белгилаб махсус фундаментал илмий тадқиқот ишларига асос солиш фурсати етди. Бинобарин, хорижий давлатлардаги соҳага оид тадқиқотлар кўлами ва доирасини назарда тутсақ, чет эллардаги тадқиқотлар ривожидан ортда қолиш билан бирга, бу каби ҳуқуқнинг кичик соҳаларини тараққий этиш

даражаси самарадорлиги ва натижадорлиги жиҳатдан умуман талабга жавоб бермайди десак, бу ҳам аини ҳақиқат.

Учинчидан, юридик фан шу жумладан, фуқоролик ҳуқуқий фанлар ижтимоий ҳуқуқий ҳаёт ривожидан ортда қолмоқда. Бундай талқинда юридик фанга бўлган муносабат жамият ҳаётида ҳуқуқий негилизмни келтириб чиқариш билан бирга ҳуқуқий ечимлар бўйича асосланган ностандарт ҳулоса ва тақлифлар ишлаб чиқишга сабаб бўлади. Чунки юридик фаннинг асосий вазифаси миллий ҳуқуқий таълимоти, ижтимоий муносабатларнинг ривожланиш қонуниятларини ва ҳуқуқий қоидаларини ўрганишда, талқин қилишда уларга илмий баҳо беришда янги жамиятнинг хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда ёндашиш ва амалиёт учун ҳар томонлама мукамал асосланган назарий ҳулоса тақлиф ва тавсиялар ишлаб чиқиш ҳисобланади. Бу эса ҳуқуқ соҳалари бўйича илмий тадқиқот ишларини амалга ошириш ва ташкил қилиш жараёнида амалиёт билан узвийликни таъминлаш борасида туб ўзгаришлар яшани, янги шакл ва усулларни ўзлаштиришни талаб қилади.

Тўртинчидан, юридик фанларнинг назарий-методологик асосларини белгилашда нафақат “эҳтиёж-манфаат-мақсад” тамойилини балки амалга оширилган мақсад, янги эҳтиёж, янги мақсад ёки мақсадларнинг йиғиндисини ҳам ҳисобга олиш зарур. Шу мақсадда ихтисослик шифри бўйича фуқоролик ҳуқуқий фанлар сирасига кирадиган оила ҳуқуқи ва халқаро хусусий ҳуқуқ доирасида ўрганиладиган муаммоларнинг доираси жуда кенг. Ушбу соҳалар бўйича амалга оширилган диссертациявий тадқиқотлар етарли эмас. Шу маънода чуқур илмий тадқиқот ишлари амалга оширилаяпти деб бўлмайди. Аксарият ишлар амалий тусга эга бўлиб фақат соҳага оид қонунчиликни такомиллаштиришга доир тақлифларни ишлаб чиқиш билан чекланилган, холос. Илмий ҳулосаларни асослантириш даражаси саёз. Қолаверса, ушбу соҳалар бўйича етук олимлар корпусини тайёрлашга нисбатан тизимли ёндашув бўйича истиқболли режалар мавжуд деб бўлмайди. Гарчи халқаро хусусий ҳуқуқ фанини ривожлантириш бўйича атоқли олимлар томонидан илмий концепция ишлаб чиқилган бўлсада, уни амалиётда қўллаш бўйича ижобий методологияга асосланган мунтазамлик касб этмаяпти. Яна тақдор айтиш жоиз бўлса илмий ташкилий-ҳуқуқий механизмлари ишлаб чиқилмаган. Ҳуқуқий фанларнинг кичик соҳаларини бошқариш унга илмий етакчилик, бошқача айтганда, ҳақиқий фан ташкилотчиси тизими йўлга қўйилмаган. Ҳуқуқий илмий фаолиятдаги янги тенденцияларни рўёбга чиқариш мақсадида институтчилик ташкилий-ҳуқуқий механизмларни татбиқ этиш орқали уни таъминлашга эришилмаганлиги юридик органларни ривожлантиришга ижобий ёрдам бермаяпти.

Бешинчидан, юридик фанлар шу жумладан фуқоролик-ҳуқуқий фанларни ривожлантириш, ҳуқуқни қўллаш самарадорлигини ошириш бўйича узоқ йилларга мўлжалланган миллий концепциялар мавжуд эмаслиги, уни жадал суръатларда натижадор ютуқларга эришишга самарали ёрдам бермаяпти. Оддий қилиб айтганда, юридик фанларни ривожлантиришдаги мавжуд муаммоларни ҳал қилишга янги ёндашувларни ишлаб чиқишни талаб этмоқда. Бу эса ўз навбатида, илм аҳли эъзоз топаётган мамлакатимизда юридик фанлар хусусан, фуқоролик ҳуқуқи фанларининг атоқли ва фидоий

намоёндалари ва вакиллари ва ёш илмий тадқиқотчиларнинг илмий салоҳияти ва кучларини ягона мақсадга “Ўзбекистон юридик фани – 2050” бирлаштирадиган давлат томонидан ҳуқуқий тадқиқотларни қўллаб қувватлаш бўйича аниқ ва комплекс чора-тадбирларни кўришни тақозо этмоқда. Айниқса, мамлакатимизда ишлаб чиқиши кўзда тутилган рақамли иқтисодиёт миллий концепциясини рўёбга чиқариш ва шу асосда “Рақамли иқтисодиёт - 2030” дастурини ҳаётга татбиқ этишга оид оламшумул аҳамиятга эга бўлган вазифани ҳал қилишда юридик фанларнинг, яъни оммавий ва хусусий ҳуқуқнинг илғор илмий докториналарини ҳам ишлаб чиқишни зарурат қилиб кўяди. Фан шу жумладан юридик фан ютуқларига таянилмасдан рақамли иқтисодиётни шакллантиришга ва уни илмий таъминлашга эришиб бўлмайди. Фуқоролик ҳуқуқий фанлар бўйича фундаментал тадқиқотлар натижасида ишлаб чиқилган ҳулоса ва тақлифлар нафақат анъанавий фуқоролик муомаласида улкан ютуқларга эришишнинг омили балки рақамли ҳуқуқий муносабатларни тартибга солишга хизмат қиладиган норматив-ҳуқуқий базани яратишга хизмат қилади. Ўзбекистон Республикаси Фуқоролик кодексини рақамли иқтисодиётнинг талабларидан келиб чиқиб уни такомиллаштириш вазифасини ҳал қилиш рақамли иқтисодиёт миллий концепциясининг асосий ўзаги бўлиб ҳисобланади. Рақамли фуқоролик муомаласи билан боғлиқ ижтимоий муносабатларни хусусий ҳуқуқий тартибга солиш механизмларининг янги тенденцияларини инобатга олишни объектив зарурат қилиб кўяди.

Зеро, мамлакатимизда юридик фанларни шу жумладан, фуқоролик ҳуқуқий фанларни устувор йўналишлари бўйича фундаментал тадқиқотларни амалга оширишга қаратилган комплекс ташкилий-ҳуқуқий ва ўқув-услубий ҳамда амалий чора-тадбирларнинг кўрилиши, унинг илмий натижадорлигини таъминлашда стратегик ислохотларни назарий методологик асосларини яратишга хизмат қилади.

Адабиётлар рўйхати:

1. Баранов П.П. Кризис юридической науки в современном мире // Философия и право 2017 №3. С.29-36/ <https://elibrary.ru>
2. Малахов В.П. Методологические и мировоззренческие проблемки современной юридической теории: Монография – М.: ЮНИТИ-ДАНА. Закон и право 2011; Пассов Е.И. Методология и методики: теорический методк исследования кн.з. Елец МУП “Типография” г. Ельца. 2011 Жуков В.Н. Юриспруденция как наука: возвращение к забытым истоком // Государство и право 2017 №9. С. 5-24.
3. <https://documents-dds-uy.un.org>.
4. Юридик фаннинг роли энг долзарб тақсимот объекти бўлиб ҳисобланади. Масалан, қаранг: Нигматуллин Р.В. юридический наука и современный мир // юридический мир 2018 №2. С. 49-51.
5. Зайцев О.В. Становление и развитие современной докторины гражданское право в России: Автореф. дисс...д.ю.н. – М.: 2018. Методологическое проблемы цивилистических исследований сборник научных статей. Ежегодник. Выпуск 2. 2017 отв.пед. А.В.Габов, В.Г. Голубков, О.А.Кузнецова – М.

6. Стёпин А.Б. Гражданское право предпринимателей как объект комплексного правового регулирования // Юрист 2018. №7. С.11-18.

7. Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами 2017 й, 37-сон, 979-модда.

8. Ушбу йўналишда илмий тадқиқот ишлари амалга оширилмоқда. Қаранг: Иванова В.И., Хоритонов Ю.С. Концепция частного и публичного право России. Азбука частного право –М.: Монография изд-во ЮНИТИ ДЕНА 2015; Некрасов И.А. Концепция иностранного частного право как фактического обстоятельства: современные тенденции в международном частном праве: Автореф.дисс....к.ю.н. –М.: 2008; Васильев С.В. Частное и публичное право в России (историко-теоретический аспект): Дисс.д-ра.ю.н. Санкт-Петербург 2002; Марышева Н.И., Лазарева Т.В., Власова Н.В. Цивилистическая концепция международного частного право // журнал Российского право 2015. №9. Филиппова С.Ю. Цивилистическая наука России: статут // <https://books.google.co.uz>; Суханов Е.А. Гражданское право России частного право –М.: Статут. 2008. 407 с; Шарифуллин В.Р. Частно-правовое регулирование: дисс.....к.ю.н. Казань 2006 32 с; Хоритонов Ю.С. Управление в гражданском праве: проблемы теории и практики. М.: 2011. 88 с.

Дж. Бабаев,

ТДЮУ проф. в.б., ю.ф.н.

ИСТЕЪМОЛЧИГА ЕТКАЗИЛГАН ЗАРАРНИ ҚОПЛАШНИ ФУҚАРОЛИК-ҲУҚУҚИЙ ТАРТИБГА СОЛИШНИНГ ИЛМИЙ-МЕТОДИК МАСАЛАЛАРИ

Аннотация: Мақолада истеъмолчига етказилган зарарни қоплашни фуқаролик-ҳуқуқий тартибга солишнинг илмий-методик масалалари таҳлил этилади. Бунда фуқаролик ҳуқуқининг бир қатор функциялари: тартибга солиш, муҳофаза қилиш, қўриқлаш, ҳимоялаш, бузилган ҳуқуқни тиклаш, компенсаторлик таҳлили асосида истеъмолчига етказилган зарарни қоплашнинг ўзига хос хусусиятлари ёритилади.

Калит сўзлар: Фуқаролик ҳуқуқи, истеъмолчи, зарарни қоплаш, маънавий зиён, ҳуқуқий тартибга солиш, муҳофаза қилиш, қўриқлаш, ҳимоя қилиш, бузилган ҳуқуқни тиклаш, компенсаторлик.

Abstract: The article analyzes the scientific and methodological issues of civil law regulation of compensation for damage to the consumer. It covers a number of functions of civil law: regulation, protection, safeguarding, protection, restoration of the violated right, the specifics of compensation for damage to the consumer on the basis of compensatory analysis.

Keywords: Civil law, consumer, indemnification, non-pecuniary damage, legal regulation, protection, safeguarding, protection, restoration of violated right, compensation.

Аннотация: В статье анализируются научно-методические вопросы гражданско-правового регулирования возмещения вреда потребителю. Он охватывает ряд функций гражданского права: регулирование, защита, обеспечение, защита, восстановление нарушенного права, особенности возмещения вреда потребителю на основе компенсационного анализа.

Ключевые слова: Гражданское право, потребитель, компенсация, моральный вред, правовое регулирование, защита, охрана, защита, восстановление нарушенного права, компенсация.

Зарарни қоплаш фуқаролик ҳуқуқларини ҳимоя қилишнинг универсал усулларидан бири саналади. Айни пайтда бу усул фуқаролик ҳуқуқининг компенсаторлик функцияси бажарилишини таъминлашга ҳам хизмат қилади. Зарарни қоплаш орқали шахснинг бузилган ҳуқуқи тикланади ва унинг мулкий манфаатлари таъминланади. Шу сабабли зарарни қоплаш зарар етказувчига нисбатан ўзига хос мулкий санкция сифатида қўлланилади. Қолаверса, зарарни қоплаш фуқаролик ҳуқуқининг муҳофаза қилиш (қўриқлаш, ҳимоялаш) функциясида асосий ва марказий ўринни эгаллайдиган усул саналади. Шу жиҳатдан фуқаролик ҳуқуқи субъектларига, шу жумладан истеъмолчига етказилган зарарни қоплаш ҳам муҳофаза қилиш функциясини бажаришга хизмат қилади.

Маълумки, фуқаролик ҳуқуқининг муҳофазалаш ёки қўриқлаш функцияси фуқаролик ҳуқуқи айрим субъектлари ҳуқуқлари бузилишининг олдини олишга қаратилган механизмларни яратиш, шунингдек фуқаролик муомаласи айрим объектларини белгилашда ифодаланади. Юридик адабиётларда

қайд этилишича, муҳофазаловчи фуқаролик-ҳуқуқий муносабат тартибга солувчи ҳуқуқий муносабатдан алоҳида ҳолда мавжуд бўладиган мустақил ҳуқуқий алоқалар саналади. Қўриқловчи ҳуқуқий муносабатлар тартибга солувчи ҳуқуқ бузилиши билан вужудга келади, бироқ унинг келгусида мавжуд бўлиши ва ривожланиши тартибга солувчи ҳуқуқий муносабатнинг тақдирга боғлиқ бўлмайди. Тартибга солувчи ва қўриқловчи ҳуқуқий муносабат алоқадорлигининг икки модели мавжуд. Биринчи ҳолатда ҳуқуқ бузилиши оқибатида тартибга солувчи ҳуқуқий муносабат тугамасдан қўриқловчи ҳуқуқий муносабат билан бир вақтда ривожланади, бироқ тартибга солувчи ва қўриқловчи муносабатлар бир-биридан мухтор ҳолда ва мустақил бўлади. Иккинчи ҳолатда эса тартибга солувчи ҳуқуқий муносабатлар ҳуқуқ бузилиши оқибати барҳам топади ва қўриқловчи ҳуқуқий алоқалар юзага келади. Мазкур ҳолатларда қўриқловчи ҳуқуқий муносабатлар тартибга солувчи ҳуқуқий муносабатларнинг бир қисм, алоҳида ҳолати ёки босқичи бўлиши мумкин эмас. [1]

В.Ф.Яковлев фуқаролик ҳуқуқининг ҳуқуқни ҳимоя қилиш ва ҳуқуқни тиклаш функцияларни ажратишни тақлиф қилади ва уларнинг таркибига ҳуқуқбузарликдан огоҳлантириш ва субъект ҳуқуқ бузилиши оқибатларини бартараф этишни киритади. [2]

А.Я.Рыженков фуқаролик ҳуқуқи функцияларини таҳлил қилар экан, ушбу фикрларга қўшилади ва фуқаролик ҳуқуқининг ҳуқуқни ҳимоя қилиш функцияси унинг қўриқловчилик функциясига тўлиқ мос келмайди деб ҳисоблайди. [3]

Фикримизча, фуқаролик ҳуқуқининг қўриқловчи, муҳофазаловчи ва ҳимояловчи функциялари ижтимоий муносабатларни тартибга солишнинг фуқаролик-ҳуқуқий методларидан бир ҳисобланган бузилган ҳуқуқни тиклаш билан ҳамоҳангдир. Истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва уларнинг бузилган ҳуқуқларни тиклаш усули ҳисобланган зарарни қоплаш ҳам айнан мазкур функцияларини бажаради. Истеъмолчига етказилган зарарни қоплаш зарар қайси ҳуқуқий муносабатдан юзага келишидан қатъий назар ҳуқуқни тиклашга қаратилади. Бунда истеъмолчи кўрган реал зарар ва унга етказилган маънавий зиён қопланиши йўли билан унинг бузилган ҳуқуқларини тикланишига эришилади.

Фуқаролик ҳуқуқининг ҳуқуқни ҳимоя қилиш функцияси ФКнинг 11-15-моддаларида ўз ифодасини топган бўлса, истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш "Истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида"ги Қонуннинг деярли барча моддаларида ўз ифодасини топган. Бундан ташқари, истеъмолчига етказилган зарарни қоплаш нафақат фуқаролик-ҳуқуқий усуллар орқали балки, маъмурий тартибда ҳам амалга оширилади. Бироқ маъмурий-ҳуқуқий усуллар қонунда назарда тутилган ҳолларда амалга оширилади.

Қоидага кўра, ҳуқуқи бузилган шахс уни ҳимоя қилиш усулларини танлашда эркин ҳисобланади. Масалан, истеъмолчига нуқсонли товар сотилганида у агар бу ҳол шартнома тузиш пайтида айтиб ўтилмаган бўлса, ўз хоҳишига қараб қуйидагилардан бирини талаб қилишга ҳақли:

товарни айти шундай маркали (моделли, артикулли) мақбул сифатли товарга алмаштириб бериш;

товарни бошқа маркали (моделли, артикулли) шундай товарга алмаштириб, унинг харид нархини тегишинча қайта ҳисоб-китоб қилиш;

товарнинг нуқсонларини бепул бартараф этиш ёки истеъмолчининг ёхуд учинчи шахснинг нуқсонларни бартараф этишга қилган харажатларини қоплаш;

харид нархини нуқсонга мутаносиб равишда камайтириш;

шартномани бекор қилиб, кўрилган зарарни қоплаш ("Истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида"ги Қонуннинг 13-моддаси биринчи қисми).

Таъкидлаш лозимки, зарарни қоплаш айти пайтда фуқаролик ҳуқуқининг қўриқловчилик функциясини бажарар экан, унда огоҳлантирувчи-тарбияловчилик (олдини олиш), қайта тиклаш ва компенсаторлик тусга эга бўлади. [4]

Н.Ф.Имомовнинг фикрича, фуқаролик ҳуқуқининг функцияси нафақат тартибга солиш ва муҳофаза қилиш, балки ҳуқуқий ҳолат ва муайян хулқ-атвор қоидаларини ҳамда ҳуқуқий тартиботни белгилашни ҳам қамраб олади. [5]

Ушбу фикрларга қўшилган ҳолда истеъмолчига етказилган зарарни қоплаш истеъмолчининг ҳуқуқини муҳофаза қилишда ҳуқуқ бузилганида зарар ектазувчи ва мажбуриятни лозим даражада бажармаган ёки бажармаган шахсдан ундирилиши лозим бўлган суммаларда ифодаланади. ФК ва "Истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида"ги қонунда айнан қайси ҳолатларда истеъмолчига етказилган зарарни қоплаш белгиланганлиги фуқаролик ҳуқуқининг муҳофаза қилиш функцияси ҳисобланса, ҳуқуқ бузилганда етказилган зарарни қоплаш унинг компенсаторлик функцияси саналади.

И.А.Власеконинг ёзишига кўра, ҳуқуқнинг компенсаторлик функцияси шунда ифодаланадики, бунда ҳуқуқнинг барча элементлари ва хусусиятлари ўзаро ҳамкорликда ва биргаликда алоҳида шахслар, жамоалар ва ташкилотларнинг ҳуқуққа хилоф ҳаракат (ҳаракатсизлик) оқибатда етказилган жисмоний, моддий, маънавий ва бошқа зарарларни қоплашга йўналштирилиши лозим. [6]

Мазкур фикрга муносабат билдирар экан, А.Я.Рыженков қуйидаги таҳлилни ифодалайди: фуқаролик ҳуқуқи доирасида компенсаторлик функциясининг моҳияти ва асосий хусусияти фуқаролик ҳуқуқининг жабрланувчи субъектининг бузилган мулкӣ ва шахсий номулкӣ ҳуқуқларини тўлиқ қайта тикланишида ифодаланади. Компенсаторлик функциясининг аҳамияти фуқаролик-ҳуқуқий тартибга солишнинг (ижобий ва салбий жиҳатдан) компенсаторлик негизлари асосида қурилишида намоён бўлади. [7]

Фикримизча, истеъмолчига етказилган зарарни қоплаш унинг бузилган ҳуқуқини тўлиқ тиклаш билан бирга жавобгарлик чораси сифатида ҳуқуқбузарга нисбатан қўшимча мулкӣ санкцияларини юклаши мумкин. Албатта, истеъмолчига "зарар етказилиши" тушунчаси фуқаролик ҳуқуқида амал қиладиган шартномали ва деликт мажбуриятлардаги "зарар етказилиши"дан фарқ қилишига ҳам эътибор қаратиш лозим. Зеро, фуқаронинг истеъмолчилик мақоми мажбурият-ҳуқуқий муносабатларидаги кредитор ва қарздорнинг мақомидан бир мунча фарқли жиҳатларга эга. Масалан, кредитор ва қарздор шартнома тузилганида ёки тузилиши жараёнида ҳуқуқ ва мажбуриятга эга бўладилар. Деликт мажбуриятларида эса зарар етказилганидан кейин жабрланувчи ва зарар

етказувчи мақоми юзага келади. Истеъмолчи эса ҳали шартномавий муносабатга киришмасдан олдин ҳам бир қатор ҳуқуқларга эга бўладики, бу ҳуқуқларнинг бузилиши истеъмолчига зарар етиши ҳисобланади. Хусусан, “Истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Қонунинг 4-7-моддаларига кўра, истеъмочи товар (иш, хизма) тўғрисида маълумот олишга ҳақли бўлиб, бунда у шу товар сотиб олиш, иш ёки хизматга буюрта бериш истагида бўлиши ёки бўлмаслиги муҳим эмас. Унинг ишлаб чиқарувчи, сотувчи, пудратчи, ижрочига маълумот сўраб қилган муурожаатининг ўзиёқ ушбу субъектларнинг истеъмолчи олдидаги мажбурияти юзага келтиради ва бу мажбуриятнинг бажарилмаслиги ёки лозим даражада бажарилмаслиги оқибати истеъмочи кўриши мумкин бўлган зарар қопланиши лозим. Жумладан, истеъмолчи дўконга кириб электрон чойнакнинг сифати, қаерда ишлаб чиқилганлиги, ишлаш жараёни ва хусусиятлари борасида сотувчига савол берди, сотувчи эса керак бўлса бундай маълумотларни интернетдан оласиз дея жавоб қилди. Бу вазиятда истеъмолчи сотувчининг “Истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Қонунинг 7-моддаси иккинчи қисмига кўра, истеъмолчининг товар (иш, хизмат) ҳақидаги нотўғри ёки етарли даражада тўлиқ бўлмаган маълумот туфайли етказилган зарарни қоплаш тўғрисидаги талаблари сотиб олинган товар (иш, хизмат)нинг хоссалари ва жиҳатлари ҳақида истеъмолчи махсус билимга эга эмас деган тахминга асосланиб қараб чиқилади ва зарар қопланади.

Қайд этиш зарурки, истеъмолчи етказилган зарарни қоплашнинг компенсаторлик функцияси қонунчиқарувчи ва истеъмолчи учун ўзига хос “мўлжал” саналади ва мазкур “мўлжал”га мувофиқ истеъмолчи ҳуқуқларини ҳимоя қилишга оид нормалар қабул қилинади, бу борадаги фуқаролик қонунчилигини такомиллаштириш йўналишлари белгиланади, ҳуқуқни реализация қилиш жараёнлари амалга оширилади. Масалан, Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 53-моддасида “давлат истеъмолчиларнинг ҳуқуқи устунлигини ҳисобга олиб, иқтисодий фаолият, тадбиркорлик ва меҳнат қилиш эркинлигини, барча мулк шакллариининг тенг ҳуқуқлилигини ва ҳуқуқий жиҳатдан баб-баравар муҳофаза этилишини кафолатлаши” белгиланган бўлиб, мазкур нормани белгилашда қонунчиқарувчи истеъмол ҳуқуқининг устунлиги иқтисодий фаолиятда ҳисобга олинишини назарда тутди. Ушбу “мўлжал”дан келиб чиқиб эса, фуқаролик ҳуқуқининг истеъмолчи ҳуқуқларини бузилишига нисбатан компенсаторлик функцияси назарда тутилган. Зеро, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 5 апрелдаги Ф-5464-сонли фармойиши билан тасдиқланган “Ўзбекистон Республикасининг фуқаролик қонунчилигини такомиллаштириш Концепцияси”нинг “Асосий фуқаролик-ҳуқуқий институтларни такомиллаштириш” деб номланган II-бўлими 4-бандида маънавий, моддий зарар ва зиёнларни ҳисоблаш тартибини жорий этиш йўли билан фуқаролик қонунчилигининг компенсаторлик функциясини кучайтириш вазифаси белгиланган. Бу эса айни пайтда истеъмолчига етказилган зарарларни қоплашнинг изчил ва самарали механизмларини жорий этишда, бунда истеъмолчилик мақомидан келиб чиқиб ишлаб чиқарувчи, сотувчи, пудратчи ва ижрочининг мажбуриятлари доирасини аниқ ифодалашни назарда тутди.

Истеъмолчига етказилган зарарни қоплашда фуқаролик ҳуқуқининг тартибга солиш функцияси ҳам алоҳида ўрин тутди. Чунки тартибга солиш функцияси ижтимоий муносабатни вужудга келиши, унинг мазмуни ва субъектлари ҳолатини аниқлаш, ижтимоий муносабатни амалга ошириш ва иштирокчилар ҳуқуқларини кафолатлашни ифодалайди. Шу сабабли бошқа ҳуқуқ соҳалари томонидан амалга оширилаётган ҳуқуқий тартибга солишдан фақрли равишда фуқаролик-ҳуқуқий тартибга солиш функциясида асосий ва бош омил давлат томонидан қонун ҳужжатларини қабул қилиш ва ҳуқуқий қоидаларни ўрнатиш эмас, балки тарафларга ҳуқуқ ва мажбуриятларни белгилашда диспозитивлик ва шартномалар тузишда эркинлик ҳисобланади. Масалан, истеъмолчи ҳуқуқлари бузилган қатъий ва императив тарзда фақат етказилган зарарни қоплаш талаби белгиланмайди, балки истеъмолчининг хоҳишидан келиб чиқиб унинг ҳуқуқларини тиклашнинг бир нечта варианты таклиф этилади. Истеъмолчи ўз хоҳишидан келиб чиқиб бузилган ҳуқуқни тиклашни қонунчиликда таклиф этилган бир нечта вариантларини бирини ёки биргаликда бузилган ҳуқуқнинг даражасига мутаносиб равишда танлашга ҳақли бўладию Хусусан, ФКнинг 434-моддасида истеъмолчи сотиб олувчига сифати тегишли даражада бўлмаган товар сотилганида унинг бузилган ҳуқуқини тиклаш учун 5 та вариант (усул, йўл) таклиф этилади ва сотиб олувчи-истеъмолчи улардан исталганини танлаши мумкин. Жумладан, бу ҳолатда истеъмолчи қуйидагиларни талаб қилишга ҳақли ҳисобланади:

- худди шу маркадаги (моделдаги, артикулдаги) сифати тегишли даражада бўлган товарга алмаштиришни;
- харид нархини тегишинча қайта ҳисоблаган ҳолда бошқа маркадаги (моделдаги, артикулдаги) сифати тегишли даражада бўлган товарга алмаштиришни;
- товарнинг камчиликларини текинга бартараф этишни ёки сотиб олувчи ёхуд учинчи шахс томонидан товарнинг камчиликларини бартараф этиш учун қилинган харажатлар қопланишини;
- харид нархини мутаносиб равишда камайтиришни;
- кўрилган зарар ўрнини қоплаган ҳолда шартнома бекор қилинишини талаб қилиш ҳуқуқига эга.

Истеъмолчига етказилган зарарни қоплашни фуқаролик-ҳуқуқий тартибга солишда муҳим бўлган жиҳатлардан яна бири истеъмолчи сифатида бевосита ишлаб чиқарувчи, сотувчи, пудрат ёки ижрочи билан ҳуқуқий муносабатга киришган ёки киришмаганидан қатъий назар фуқаронинг товар, иш ёки хизматнинг нуқсонли оқибатида етказилган зарарни талаб қилишга ҳақлилиги саналади. Масалан, фуқаро дўстининг туғилган кунига меҳмонга бориб, дўкондан сотиб олинган мевадан истеъмол қилиши оқибатида заҳарланиши мумкин ва бу ҳолатда унга етказилган зарар учун сотувчи жавобгар саналади. Бу ҳолатда заҳарланган фуқаро истеъмолчи мақомида бўлади ва унга етказилган зарар учун жавобгарлик истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисидаги қонунчилик доирасида белгиланади. Бошқача айтганда, бу вазиятда фуқаро товарни ҳақиқатда тегишли дўкондан шахсан ўзи харид қилганилигини исботланиши шарт эмас, балки товарни шу дўкондан олинганлигини тасдиқловчи ҳужжатларни тақдим этиши кифоя қилади.

Мазкур масалада хорижий мамлакатлар қонунчилигига эътибор қаратадиган бўлсак, Россия Федерацияси қонунчилигига мувофиқ жабрланувчи шахс товарнинг нуқсонлари оқибатида етказилган зарарни қоплаш тўғрисидаги даъво қўзғатганида у ҳавола қилаётган манбани кўрсатишга мажбур ҳисобланмайди. [8] Англияда эса даъвогар бундай манбани: шартнома шартини бузиш, умумий ҳуқуқ бўйича эҳтиётсизлик ёки мақомни бузишни кўрсатиши шарт. Амалиётда жабрланувчи шахс мазкур учта ҳолатнинг барчасидан фойдаланган ҳолда бир процессда битта ёки турли жавобгарларга қарши даъво қўзғатиши мумкин. Масалан, агар чакана олди-сотди қилувчи сотувчи яққа тадбиркорга кичик юк машинаси сотди. Бир оз муддатдан кейин юк машинаси ички камчиликлари оқибати ёнгин чиқди ва натижада юк машинасининг ўзи ёниб кетди ҳамда ҳайдовчи соғлиғига шикаст етказди ва юк машинасида бўлган товарлар нобуд бўлиши оқибатида мулкрий зарар ҳам юзага келди. Бу ҳолатда тадбиркор сотувчига нисбатан шартнома шартини бузиш ва умумий ҳуқуқ бўйича даъво қўзғатишга ҳақли ҳисобланади. Юк машинаси ҳайдовчиси эса истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисидаги қонунчиликка кўра ишлаб чиқарувчига нисбатан даъво қўзғатиш ҳуқуқига эга бўлади. Шунингдек у ўзининг соғлиғига етказилган зарар ва маънавий зиённи қоплашни талаб қилишга ҳам ҳақли бўлади. Тадбиркор эса ёниб кетган товари ва юк машинасининг қийматини талаб қилиш ҳуқуқи эга саналади. [9]

Истеъмолчига етказилган зарарни қоплаш бир вақтнинг ўзида компенсаторлик ва бузилган ҳуқуқни тиклаш функциясини бажаради. Ҳуқуқнинг компенсаторлик функцияси айна пайтда бузилган ҳуқуқни тиклашга хизмат қилади. Бироқ бу ҳамма ҳолатларда ҳам тўлиқ намоён бўлмаслиги мумкин. Масалан, истеъмолчига сифатсиз хизмат кўрсатилиши оқибатида унга етказилган маънавий зиённи қоплаш ҳуқуқни тиклаш функциясидан кўра кўпроқ компенсаторлик вазифасини бажаради. Чунки, истеъмолчининг руҳий изтироблари ва маънавий азоблари кўринишида намоён бўладиган маънавий зиённи қоплаш бузилган шахсий номулкий ҳуқуқни тиклаш воситаси бўлиши мумкин эмас, балки жабрланувчи учун муайян маънода юпанч вазифасини ўтовчи восита сифатида компенсаторлик функциясини амалга оширади. Бу ҳолатни ФҚда зарар тушунчасига берилган таърифдан ҳам англаб олиш мумкин. Жумладан, ФҚнинг 14-моддаси иккинчи қисмига кўра, зарар деганда, ҳуқуқи бузилган шахснинг бузилган ҳуқуқини тиклаш учун қилган ёки қилиши лозим бўлган харажатлари, унинг мол-мулки йўқолиши ёки шикастланиши (ҳақиқий зарар), шунингдек бу шахс ўз ҳуқуқлари бузилмаганида одатдаги фуқаролик муомаласи шароитида олиши мумкин бўлган, лекин ололмайдиган даромадлари (бой берилган фойда) тушунилади.

Мазкур таърифдан англашиладики, зарар қоплаш аввало бузилган ҳуқуқни тиклаш функциясини бажаради ва айна пайтда бу функция орқали зарарни қоплашга нисбатан компенсаторлик функцияси ҳам бажарувчи усул сифатида ёндашиш мумкин бўлади. Ўрни зарарни қоплаш бузилган ҳуқуқни тиклаш орқали жабрланувчининг мулкрий ҳолати бузилишидан олдинги ҳолатга қайта, бунинг учун эса зарар етказувчи тегишли тўловларни амалга оширадики, бу айна

пайтда компенсаторликдир. Маънавий зиённи қоплашда мазкур конструкциядаги биринчи элемент, яъни бузилган ҳуқуқни тиклаш намоён бўлмайди.

Хулоса сифатида айтиш ўринлики, истеъмолчига етказилган зарарни қоплашни фуқаролик-ҳуқуқий тартибга солиш истеъмолчининг бузилган ҳуқуқини тиклаш, унинг мулкрий манфаатларига қаратилган компенсаторлик ҳам қонунчиликда бунинг учун тегишли механизмларни белгилаш орқали таъминланади. Бунда фуқаролик ҳуқуқининг учта функцияси: тартибга солиш, тиклаш, компенсаторлик асосий ўрин тутса, қўриқлаш, муҳофаза қилиш ва ҳимоялаш функциялари қўшимча вазифани белгилайди ва айна пайтда комплекс тусга эга бўлган ҳуқуқий тартибга солиш функциясини тўлдиришга хизмат қилади. Истеъмолчига етказилган зарарни қоплашда ўзига хос жиҳат сифатида шахснинг истеъмолчилик мақоми инobatга олиниши ва қонун нормаларини ишлаб чиқиш ва қабул қилишда мазкур ҳолат инobatга олиниши мақсадга мувофиқдир.

Адабиётлар рўйхати

1. Кархалев Д.Н. Концепция охранительного гражданского правоотношения: автореф. дис. ... д-ра юрид. наук. – Екатеринбург, 2010.
2. Яковлев В.Ф. Гражданско-правовые средства обеспечения интересов личности в договорных отношениях // Гражданско-правовая охрана интересов личности в СССР. Свердловск, 1977. Вып. 53.
3. Рыженков А.Я. Функции гражданского права: вопросы теории // Пробелы в российском законодательстве. Юридический журнал. 2012. – № 4. – С. 45.
4. Суханов Е. А. Функции гражданского права // Гражданское право: Общая часть : учебник / отв. ред. Е. А. Суханов. – М. : ВолтерсКлувер, 2007. – Т. 1. – С. 48–49.
5. Имомов Н.Ф. Фуқаролик кодексининг вазифаси: ижтимоий муносабатларини ҳуқуқий тартибга солиш ёхуд ҳуқуқни белгилаш // Юридик фанлар ахборотномаси. 2018. - №1. – Б. 43.
6. Власенко И.А. Компенсационная функция права (вопросы теории и практики): автореф. дис. ... канд. юрид. наук. – Нижний Новгород, 1995. – С. 7-8.
7. Рыженков А.Я. Функции гражданского права: вопросы теории // Пробелы в российском законодательстве. Юридический журнал. – 2012. – № 4. – С. 46.
8. Закон РФ «О защите прав потребителей» // СЗ РФ. 1996. – № 3. – Ст. 140.
9. Christian Campell. International Product Liability, Yorkhill Law Publishing, 2007. – 213 с.

Э.Ахунджанов

старший преподаватель ТГЮУ

НЕКОТОРЫЕ ВОПРОСЫ СОВЕРШЕНСТВОВАНИЯ БАНКОВСКОГО ЗАКОНОДАТЕЛЬСТВА РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН

Аннотация: в данной статье были проанализированы концептуальные вопросы развития банковского законодательства, определены приоритетные направления совершенствования банковской сферы, указаны предложения и рекомендации.

Ключевые слова: банковское законодательство, иностранный банк, совершенствование, представительство, гармонизация.

Аннотация: мазкур мақолада банк қонунчилигини ривожлантиришнинг концептуал масалалари таҳлил қилинган, банк соҳасини такомиллаштириш йўналишлари белгиланган, таклиф ва тавсиялар кўрсатиб ўтилган.

Калит сўзлар: банк қонунчилиги, хорижий банк, такомиллаштириш, ваколатхона, уйғунлаштириш.

Annotation: this article analyses conceptual basis of development of banking legislation, define priority directions of improvement of banking sphere, offers and recommendations.

Key words: banking legislation, foreign bank, improvement, representative office, harmonization.

Банковская сфера является одним из важных отраслей, поскольку от ее эффективного функционирования зависит стабильность и дальнейший рост экономического потенциала страны, отдельных секторов экономики, а также укрепление позиций на международном рынке. Банки, действуя в соответствии с денежно-кредитной политикой государства, регулируют движение денежных потоков.

В Стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан в качестве приоритетного направления развития и либерализации экономики предусматривается углубление реформирования и обеспечение устойчивости банковской системы, уровня капитализации и депозитной базы банков, укрепление их финансовой устойчивости и надежности, дальнейшее расширение кредитования перспективных инвестиционных проектов, а также субъектов малого бизнеса и частного предпринимательства [2]. Достижение этой цели требует совершенствования банковской системы.

Прочной основой и базисом для функционирования и развития любого общественного института является правовая основа его деятельности, определение концептуальных основ. Как справедливо отмечают Е.С.Алехина и А.Е.Яблонская «отсутствие или слабость общей и отраслевых концепций развития законодательства затрудняет разработку научных основ системы законодательства» [6, 27-с]. Без всякого сомнения, развитие банковской сферы требует совершенствования банковского законодательства. Примечательно, что Указом Президента Республики Узбекистан «О мерах по коренному совершенствованию деятельности Центрального банка Республики Узбекистан» предусматривается разработка в новой редакции законов Республики Узбекистан «О Центральном банке Республики Узбекистан» и «О банках и банков-

ской деятельности» на основе глубокого изучения передового зарубежного опыта, общепризнанных норм и стандартов, экспертных заключений профильных международных финансовых институтов [3]. Следовательно, совершенствование правовых основ банковской деятельности и банковской системы представляет особую актуальность.

С учетом предусмотренных задач в Стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан и перспектив совершенствования финансово-банковской системы Республики Узбекистан, на наш взгляд, следует выделить следующие основные концептуальные направления совершенствования банковского законодательства:

1. Систематизация и гармонизация банковского законодательства Республики Узбекистан.

Как нам известно, банковское законодательство состоит из множества нормативно-правовых актов, основная часть из которых является ведомственными нормативно-правовыми актами (постановления Правления Центрального банка Республики Узбекистан). За годы независимости банковское законодательство претерпело множество существенных изменений. За истекший период в Закон Республики Узбекистан «О банках и банковской деятельности» изменения и дополнения вносились много раз, приняты три редакции закона. При этом часть вопросов не урегулирована. В частности, Закон предусматривает, что банки могут открывать дочерние банки, свои филиалы и представительства, участвовать в создании банков за границей с разрешения Центрального банка. Однако порядок создания и получения разрешения не нашли свое отражение в ведомственных нормативно-правовых актах. Аналогично порядок предоставления бланкового кредита банками не урегулирован ведомственным нормативно-правовыми актами.

Т.Н. Нешатаеванинг фикрига кўра, халқаро фуқаролик процесси таркибига нафақат одил судловни амалга оширувчи миллий органлар фаолияти балки халқаро органларнинг ҳам фаолияти киради. Унинг фикрича, одил судловни амалга оширувчи миллий ва халқаро органларнинг ўзаро алоқаси ва таъсирини тартибга солувчи нормалар йиғиндиси халқаро фуқаролик процессининг таркиби ҳисобланади [5, 29-б.]. Шунга яқин фикрни И.В. Федоров илгари суради, у халқаро фуқаролик процессини халқаро гуманитар суд иш юритуви (Инсон ҳуқуқлар бўйича Европа суди), халқаро фуқаролик иш юритуви (Европа адолат суди, Денгиз ҳуқуқи бўйича халқаро трибунал, Европа Иттифоқи биринчи инстанция суди) ва халқаро жиноят суд иш юритуви доирасида фуқаролик процедураларга (Рим халқаро жиноят суди) бўлади [9]. Бизнинг фикримизча, халқаро фуқаролик процессининг доирасини бундай кенг талқин қилиш мақсадга мувофиқ эмас. Биринчидан, халқаро хусусий ҳуқуқ миллий ҳуқуқ тизимига киради иккинчидан, унинг таркиби бўлган халқаро фуқаролик процессининг объекти сифатида халқаро ҳуқуқ таркибига кирувчи халқаро судлар фаолияти ўрганилмайди. Н.Г. Елисеев таъкидлаганидек, “чет эл элементи иштирокидаги ишларни кўриб чиқишдаги ўзига хосликни тартибга солувчи, чет эл элементи билан мураккаблашган фуқаролик ишларини кўриб чиқиш ва ҳал қилиш тартибини ўрнатувчи нормалар йиғиндиси халқаро фуқаролик процессуал ҳуқуқи деб аталади” [10]. В.В. Ярков халқаро фуқаролик процессини чет эл элементи мавжуд бўлган фуқаролик муомала муносабатлари иштирокчиларининг суд ва бошқа юрисдикцион ҳуқуқлари ҳимояси билан боғлиқ миллий ва халқаро ҳуқуқ нормалари тизими сифатида [11], И.В. Гетьман-Павлова икки ёки ундан кўп давлатларининг ҳуқуқий тартиботи билан боғлиқ фуқаролик-ҳуқуқий низоларни кўриб чиқиш процедурасини тартибга солувчи процессуал нормалар йиғиндиси сифатида кўради [2]. А.А. Мамаевнинг фикрича халқаро фуқаролик процесси - давлат судларининг миллий ва халқаро шартномалар билан тартибга солинган, экстерриториал характердаги трансчегаравий фуқаролик низоларни ва бошқа хусусий турдаги

масалаларини ҳал қилишга қаратилган одил судловни амалга ошириш билан боғлиқ оммавий-ҳуқуқий фаолияти ҳисобланади [12]. Н.Ю. Ерпылева эса халқаро фуқаро процессини халқаро хусусий ҳуқуқ таркибига кирувчи, миллий қонунчилик ва халқаро шартномалар нормаларидан иборат, чет эл элементи билан мураккаблашган процессуал муносабатларни тартибга солувчи ҳуқуқ соҳаси деб ҳисоблайди [13].

Халқаро фуқаролик процессининг ҳуқуқ соҳасидаги ўрни аниқлашга ҳалақит берувчи муаммоларнинг ибтидоси ҳуқуқнинг умумий назариясидаги муаммоли масалаларига бориб тақалади. Бу энг аввало, процессуал ҳуқуқнинг ҳуқуқ тизимида тутган ўрни, моддий ҳуқуқ билан ўзаро мутаносиблиги борасидаги ҳал қилинмаган муаммолар пировардида халқаро фуқаролик процессининг ҳуқуқ тизимидаги ўрни ва ролини аниқлашда қийинчилик келтириб чиқаради. Айрим олимлар моддий нормалар ижтимоий муносабатларнинг шакли, процессуал нормалар эса моддий нормаларнинг шакли, шундай экан процессуал нормалар моддий нормалардан келиб чиққанлигини таъкидлайди [14]. Ю.И. Мельниковнинг фикрича процессуал нормалар моддий ҳуқуқ соҳасининг таркибида бўлиши мумкин бўлиб, бундай турдаги процессуал нормалар моддий нормалар гуруҳи таркибига киришини таъкидлайди [15]. В.А. Рязановский фикрича, процессуал ҳуқуқ мустақил ҳуқуқ соҳаси бўлсада, процессуал ҳуқуқ институтлари моддий ҳуқуқ билан узвий боғлиқ, ўз характерига кўра моддий ҳуқуққа бўйсунди ва унга хизмат қилади. Фуқаролик процесси – ҳуқуқни қўллаш шаклидаги ҳуқуқни амалга ошириш воситаларидан бири ҳисобланади [16]. Фуқаролик процессининг моддий ҳуқуққа хизмат қилиши шунда кўринадик, агарда моддий субъектив ҳуқуқни амалга оширишнинг имкони ҳуқуқни қўллаш органлари аралашуви билан ҳал бўлсагина процессуал ҳуқуқ институтлари ҳаракатга келади. Умуман олганда моддий ҳуқуқнинг амалга оширилиши учун суднинг иштироки талаб қилинмади. Шу сабабли Л.А. Грось процессуал ҳуқуқ – моддий ҳуқуқни амалга ошириш шаклининг бир бўлаги эканлигини таъкидлайди [17]. Бундай умумназарий ёндашув Т.Н. Нешатаева ва Л.Н. Ануфриева томонидан халқаро фуқаролик процесси халқаро хусусий ҳуқуқнинг таркибига кириши тўғрисидаги қарашларга асос бўлган [18]. Бунда бош мезон муносабатнинг трансмиллий характерга эгалиги билан асослангади.

Юқоридаги таҳмин шуни кўрсатадики, халқаро фуқаролик процессининг моддий ҳуқуқ тизими таркиби сифатида қуйдаги ҳолатларда тавсифланади. Биринчидан, чет эл элементи билан мураккаблашган муносабатга у ёки бу давлатнинг моддий ҳуқуқни қўллашликни аниқлаши ҳосила тарзида халқаро судловлиликнинг белгилашга асос бўлади. Масалан, “Фуқаролик, оилавий ва жиноий ишлар бўйича ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш ва ҳуқуқий муносабатлар тўғрисидаги” Кишинев конвенциясининг 35-моддасига кўра:

“1. Ота-оналар ва фарзандлар ўртасидаги ҳуқуқ ва мажбуриятлар уларнинг биргаликдаги доимий яшаш жойи жойлашган давлат қонун билан тартибга солинади...

3. Ота-оналар ва фарзандлар ўртасидаги ҳуқуқий муносабатларни кўриб чиқишга ҳуқуқни қўлланиши лозим бўлган давлатнинг суди ваколатли ҳисобланади...” [19].

Ушбу Конвенцияда халқаро судловлиликни белгилувчи ҳудди шундай қоида эр-хотиннинг шахсий ва мулкий ҳуқуқий муносабатларида (30-модда), никоҳни ҳақиқий эмас деб топишда (33-модда), вояга етган фарзандлардан алимент ундиришда (35-модда) қўлланилади. Кўриниб турибдики, қўлланилиши лозим бўлган давлатнинг моддий ҳуқуқни асосида халқаро судловлилик қоидалари белгиланмоқда. Иккинчидан, низоли моддий ҳуқуқий муносабатнинг характеридан келиб чиқиб халқаро судловлилик белгиланади. Масалан, кўчмас мулкка оид бўлган низолар бўйича халқаро судловлилик кўчмас мулк жойлашган жойдаги судга тегишли ҳисобланади яъни халқаро мутлақ судловлигига тегишли бўлади. Демак, халқаро судловлилик моддий ҳуқуқий муносабатга асосида белгиланади.

Шунинг билан биргаликда, халқаро фуқаролик процессининг ҳуқуқ тизимидаги ўрни ва ҳуқуқ соҳалари билан ўзаро муносабатини аниқлашнинг яна бир жиҳати, халқаро фуқаролик процессига тегишли нормаларнинг турли ҳуқуқ соҳалари, яъни фуқаролик процессуал ҳуқуқни, иқтисодий процессуал ҳуқуқни, халқаро хусусий ҳуқуқ ва бошқалар таркибида жойлашганлигидир. Халқаро фуқаролик процессининг нормалари юқорида таъкидлаб ўтилган ҳуқуқ соҳаларининг кодексларида жамланганлиги уларни тизимлаштириш, комплекс ўрганиш ва алоҳида ҳуқуқий жамланмага бирлаштиришда қийинчилик туғдиради. Чунки, бир тарафдан, пандект манбалардан уларни чиқариб олиш ва қайта гуруҳлаш қийинчилик туғдирса, иккинчи тарафдан, турли ҳуқуқ соҳаларининг илмий жамоалари айнан бир масалани ўзларига тегишлилигини даъво қилади, ўзларининг ҳуқуқ соҳаларига хос ёндашув ва методологиялардан фойдаланган ҳолда ўрганади. Албатта бундай ҳолат масалани тўлиқ ва ҳар томонлама ўрганилишига тўсиқ бўлади. Венгрия, Швейцария, Туркия ва баъзи бир бошқа давлатларининг “Халқаро хусусий ҳуқуқ тўғрисида”ги қонунлари халқаро судловлилик қоидаларини белгилайди яъни объектив ҳуқуқ сифатида халқаро судловлилик халқаро хусусий ҳуқуқ таркибига киритилган. Хусусан, Венгрияда 2017 йилда қабул қилинган “Халқаро хусусий ҳуқуқ тўғрисида”ги қонунинг 1-моддасига кўра ушбу қонун: а) қайси давлат қонуни қўллаш тўғрисидаги; б) венгер судларининг халқаро судловлиликни аниқлаш ва процессуал қоидаларини белгилаш; с) хорижий давлат суд қарорларини тан олиш ва ижро қилиш билан боғлиқ масалаларини тартибга солиши белгилаб қўйилган [20].

Ўзбекистон Республикасининг объектив ҳуқуқни тизими ривожланиб бориши жараёнида келажакда Халқаро хусусий ҳуқуқ тўғрисидаги Қонун сифатида барча халқаро хусусий ҳуқуқ нормаларини консолидация қилиш ва ушбу қонунга хусусан халқаро судловлилик қоидаларини киритиш мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз.

Бизнинг фикримизча халқаро фуқаролик процессини миллий процессуал соҳасига киритиш мақсадга мувофиқ эмаслиги қуйидагиларда кўринад:

Биринчидан, халқаро фуқаролик процессининг тартибга солиш объектидаги фарқ, яъни суд томонидан хорижий давлатнинг процессуал нормалари ёки халқаро шартномалардаги процессуал нормаларни қўлланиши, хорижий давлат моддий ҳуқуқини қўллаш ва уни хорижий давлат амалиётида қўлланилганидек тадбиқ қилиниши масаласи,

юрисдикциялар коллизиясини ҳал қилиш масаласи, айнан бир турдаги нормаларда бир давлатда моддий норма сифатида бошқа давлатда процессуал норма сифатида таснифланиши муаммолари миллий процессуал ҳуқуқ соҳасининг объектларидан ташқарида ётади;

иккинчидан, халқаро фуқаролик процессининг таркибига кирувчи халқаро тижорат арбитражи ўзининг юридик табиатига кўра низоларни ҳал қилувчи нодавлат тузилма ҳисобланади. Миллий процессуал ҳуқуқининг предметиға низоларни ҳал қилувчи нодавлат тузилмалар кирмаслиги предметлардаги тафовутни кўрсатади;

учинчидан, хорижий суд қарорларини ижро этиш миллий суд қарорларини ижро этиш қоидаларидан фарқ қилади, хорижий суд қарорларини ижро этиш қоидалари алоҳида ва ўзига хос процедураларни амалга оширишни талаб қилади. Масалан, Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик процессуал кодекси 364-моддасига кўра, “чет давлат судларининг ва чет давлат ҳакамлик судларининг (арбитражларининг) ҳал қилув қарорлари, агар бу Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномаларида назарда тутилган бўлса, тан олинади ҳамда ижрога қаратилади” [21];

тўртинчидан, хорижий давлат судининг топшириғи билан маҳаллий суд хорижий давлат процессуал нормаларини қўллаши мумкин. “Фуқаролик, оилавий ва жиноий ишлар бўйича ҳуқуқий ёрдам ва ҳуқуқий муносабатлар тўғрисидаги” Кишинев конвенцияси қоидаларининг 6-моддасида “Аҳдлашувчи томонлар ҳуқуқий ёрдан сўраётган давлатнинг қонунчилигидаги процессуал ҳаракатларни амалга ошириши мумкин”лиги белгилаб берилган. Шуни эътиборга олиш керакки, давлатлар ўртасиға ўзаро ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш амалиёти хорижий процессуал ҳуқуқ нормасини қўллашни тақазо этиши мумкин. Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодекси 1158-моддасининг 4-бандида чет эл ҳуқуқ нормаси оммавий-ҳуқуқий хусусиятга эга бўлганлигиға асосланибгина уни қўллашни чеклаш мумкин эмаслиги белгиланиб кўйилган [22]. Шундай экан чекланган доирада хорижий давлатларнинг оммавий-ҳуқуқий нормалари қўлланилиши мумкин;

бешинчидан, миллий процессуал нормалар ўз харақатига кўра процессуал ҳуқуқий муносабат субъектлари учун мажбурий бўлиб, норманиннг кўрсатмалари истисносиз тадбиқ қилинади. Халқаро фуқаролик процессининг нормаларида (коллизия ёки моддий) бундай қатъийлик доим ҳам мавжуд эмас. Масалан, Франция Фуқаролик процессуал кодекси 15-моддасига кўра “Француз хорижий контрагент билан хорижда тузилган мажбурий юзасидан француз судига жалб этилиши мумкин”. Лекин ушбу қоида 1988 йилги Лугано конвенцияси асосида халқаро судловлиқни аниқлашда қўлланилмайди. Миллий процессуал нормалар билан халқаро фуқаролик процесси нормалари ўзаро параллел мавжуд ҳисобланиб, фуқаролик процессуал муносабат чет эл элементи билан мураккаблашуви содир бўлмагунча халқаро фуқаролик процесси нормалари ҳаракатсиз ҳолда бўлади. Фуқароли процессуал муносабат чет эл элементи билан мураккаблашиши натижасида халқаро фуқаролик процессининг қоидалари қўлланила бошлайди;

олтинчидан фуқаролик процессида чет эл элементининг мавжудлиги, процедуранинг

мураккаблашишиға олиб келади. Масалан, хорижий давлатдан далилларни сўраб олиш ва тўплаш, хорижий давлат судига топшириқлар юбориш, хорижий суд қарорларини ижро этиш масалалари, Т.Н. Нешатаева таъкидлаганидек [5, 138-б.], бир давлатнинг миллий процессуал шаклиға тегишли эмаслиги кўринади;

еттинчидан, чет эл элементи билан мураккаблашган фуқаролик суд ишларида суд ҳужжатларини расмийлаштириш ўзига хос тартибда амалга оширилиши талаб қилиниши мумкин. Мисол учун хорижий давлатнинг моддий ҳуқуқ нормасини қўллаган ҳолда суд қарорининг тайёрлаш асоантириувчи қисмида одатдагидан бошқача ёндашувни талаб қилиши мумкин;

саккизинчидан, фуқаролик процессининг сўнги босқичи суд қарорларини ижро этиш ҳисобланади. Миллий процессуал ҳуқуқ хорижий давлатнинг процессуал ҳуқуқининг таркиби ёки давоми ҳисобланмайди. Лекин, халқаро фуқаролик процессининг институти ҳисобланган чет давлат судининг ёки чет давлат ҳакамлик судининг (арбитражининг) ҳал қилув қарорини ижрога қаратиш бир давлатда бошланган фуқаролик процессининг давоми иккинчи давлатда яқунлаганини билдиради. Шундай экан, халқаро фуқаролик процесси миллий фуқаролик процессуал ҳуқуқи таркибига кирмайди балки у билан чамбарчас боғлиқлиқда мавжуд бўлади.

Хулоса ўрнида шуни таъкидлаш лозимки, бугунги кунда халқаро фуқаролик процесси бўйича олимлар томонидан турлича доктриналар қарашлар мавжуд бўлсада халқаро судловлиқни аниқлашда низонинг моддий-ҳуқуқий томони асосий мезон ҳисобланади. Халқаро фуқаролик процесси тартибға соладиган муносабатларни бир давлатнинг миллий процессуал ҳуқуқи доирасида қамраб олиб бўлмайди, муносабатнинг трансмиллий харақатига эгаллиги, ўзининг тартибға солиш объекти ва методига кўра халқаро хусусий ҳуқуқ таркибига киради.

Адабиётлар рўйхати:

1. Звеков В.П. Международное частное право. Курс лекций. – М.: Норма-Инфа, 2001. 32-б.
2. Гетьман-Павлова И.В. Международное частное право: Учебник. М.: Эксмо, 2011. – 476 б.
3. Учебник гражданского процесса. Дарслик. М.К. Треушников таҳрири остида. М., 1996. 480 б.
4. Ануфриева Л.П. Международное частное право: в 3 томах т. 1. М.: Бек, 2000. 87-б.
5. Нешатаева Т.Н. Международный гражданский процесс. М.: Дело. 2000. 26-б.
6. Богуславский М.М. Международное частное право. М.: Юрист. 2004. Б 486
7. Лунц Л.А., Марышева Н.И. Курс международного частного права. Международный гражданский процесс. М., 1975.11-12 б.
8. Кузнецов М.Н. Некоторые особенности развития международного частного права // Советский журнал международного права. 1991, №1. 21-22 б.
9. Федоров И.В. Гражданское и арбитражное судопроизводство как предмет международно-правового и внутригосударственного регулирования: дисс. На соиск. Степ. Канд. Юр. Наук. – Казан, 2002
10. Елисеев Н.Г. Гражданское процессуальное право зарубежных стран: Учебник. М.: Проспект, 2006. 9–10 б.

11. Янков В.В. Гражданский процесс: Учебник. М.: Инфотропик Медиа. 2012. Б.624

12. Мамаев А.А. Международная судебная юрисдикция по трансграничным гражданским делам. М., 2008. 13-14 б.

13. Ерпылева Н. Ю. Понятие, источники и принципы международного гражданско-процессуального права // "Законодательство и экономика" 2012. № 3. 38-б.

14. Василенко В.А. Основы теории международного права. Киев: Вища школа, 1988. Б. 226 .

15. Мельников Ю.И. О понятии и месте процессуальных норм в структуре советского права // Проблемы соц. Законности. Харьков, 1988. № 22., 83 б.

16. Рязановский В.А. Единство процесса. М., 1996. 14-15-б.

17. Грось Л.А. Научно-практическое исследование влияния норм материального права на разрешение процессуально-процессуальных проблем в гражданском и арбитражном процессе: Учебное пособие. Хабаровск. 1999. 4-б.

18. Нешатаева Т.Н. Международное частное право и международный гражданский процесс : учебный курс в трех частях. М.: «Городец», 2004. Б.371

19. Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 26.08.2019 й., 03/19/554/3648-сон

20. Интернет ресурс. Музоахбат қилинган сана: 07.02.2020 й. <https://magyarkozlony.hu/dokumentumok/016703e04c2a3e6791025f6066da98b69fca22d8/megtekin tes>

21. Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 23.01.2018 й., 02/18/ФПК/0612-сон

22. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1996 й., 11-12-сон, 1-модда

А.Жўраев
ТДЮУ ўқитувчиси

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА БИЗНЕС ОМБУДСМАННИНГ ҚОНУН УСТУВОРЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШГА ОИД ФАОЛИЯТИ

Аннотация: мазкур мақолада тадбиркорлик фаолияти субъектлари ҳуқуқларини ҳимоя қилиш йўлида турли воситаларни қўллаш билан уларга шарт-шароитлар яратиш асосий мақсад эканлиги аниқланди. Шунинг баробарида Президент ҳузурида тадбиркорлик субъектлари ҳуқуқларини ҳимоя қилишнинг жаҳон тажрибаси ўрганилди ва унинг тадбиркорлик субъектларига ёрдам бериш таъсири таҳлил қилинди. Айниқса, охириги 3-4 йилдаги ислохотлар кўриб чиқилиб, давлат томонидан стратегик дастурлар ишлаб чиқилди. Тадбиркорлар учун вакил институти ташкил этилди. Вакил институтининг мақсад ва вазифалари таҳлил этилди. Фаолият йўналишлари ўрганиб чиқилди.

Калит сўзлар: тадбиркорлик субъектлари, ҳимоя, вакиллик институти, мулк.

Аннотация: основная цель данной статьи - создание условий для защиты прав субъектов хозяйствования с использованием различных средств. При этом был изучен мировой опыт защиты прав субъектов хозяйствования при Президенте и проанализировано его влияние на содействие бизнесу. В частности, рассмотрены реформы последних 3-4 лет и разработаны государством стратегические программы. Создан представительный институт предпринимателей. Проанализированы цели и задачи Представительского института. Были изучены направления деятельности.

Ключевые слова: субъекты предпринимательства, защита, институт представительства, собственность.

Abstract: the main goal of this article is to create conditions for protecting the rights of business entities using various means. At the same time, the world experience of protecting the rights of business entities under the President was studied and its impact on promoting business was analyzed. In particular, the reforms of the last 3-4 years were considered and the state developed strategic programs. A representative institution of entrepreneurs was created. The goals and objectives of the Representative Institute are analyzed. Areas of activity were studied.

Keywords: subjects of entrepreneurship, protection, institution of representation, property.

Истиқлол йилларида изчиллик билан амалга оширилаётган ислохотлар самараси ўлароқ мустақил давлатимизнинг мустаҳкам сиёсий, иқтисодий, ҳуқуқий, маънавий пойдевори яратилди [1, с 27].

Маълумки, 2017 йилнинг 7 февралда юртбошимиз Ш. Мирзиёев раҳнамолигида "Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида"ги Президент Фармони қабул қилинди. Фармонда мамлакатимиз мустақиллик йилларидан буён босиб ўтган тараққиёт йўлининг чуқур таҳлили, бугунги кунда жаҳон бозори конъюктураси кескин ўзгариб, глобаллашув шароитида рақобат тобора кучайиб бораётгани давлатимизни янада барқарор ва жадал суръатлар

билан ривожлантириш учун мутлақо янги ёндашув ҳамда тамойилларни ишлаб чиқиш ва рўёбга чиқаришни таъзаётганлиги айтиб ўтилган.

Бундан ташқари, олиб борилаётган ислохотлар самарасини янада ошириш, давлат ва жамиятнинг ҳар томонлама ва жадал ривожланиши учун шарт-шароитлар яратиш, мамлакатимизни модернизация қилиш ҳамда ҳаётнинг барча соҳаларини либераллаштириш бўйича устувор йўналишларни амалга ошириш мақсадида 2017 – 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси ишлаб чиқилди. Юқорида тақидлаб ўтилганидек, бешта устувор йўналишнинг учинчиси – бу иқтисодий янада ривожлантириш ва либераллаштиришдир.

Ш.Рўзназаровнинг таъкидлашича: “Жамиятнинг ҳуқуқий талабларини амалда қўллаш механизми орқали амалга оширилади. Бизнинг эътирофимизга кўра, ҳуқуқнинг ёрдамсиз, унинг мажбурлов кучисиз, давлат томонидан кафолатларсиз, жамият бир бутун тузилма сифатида яшай олмайди.

Ҳуқуқ фақат жамият тараққиёти билан боғлиқ бўлиб қолмай, балки уни ҳаракатга келтирувчи куч, восита, ижтимоий тараққиёт кафолатчиси сифатида ҳам хизмат қилади.

Тадбиркорлар ҳуқуқ ва манфаатлари кафолатлари қонун воситаси билан жорий этилади” [2, с. 84].

Ҳаракатлар стратегиясининг учинчи устувор йўналиши давлат олдига иқтисодий янада ривожлантириш ва либераллаштиришга йўналтирилган макроиқтисодий барқарорликни мустаҳкамлаш ва юқори иқтисодий ўсиш суръатларини сақлаб қолиш, миллий иқтисодийнинг рақобатбардошлигини ошириш, қишлоқ хўжалигини модернизация қилиш ва жадал ривожлантириш, иқтисодий давлат иштирокини камайтириш бўйича институционал ва таркибий ислохотларни давом эттириш, хусусий мулк ҳуқуқини ҳимоя қилиш ва унинг устувор мавқеини янада кучайтириш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик ривожини рағбатлантириш, ҳудудлар, туман ва шаҳарларни комплекс ва мутаносиб ҳолда ижтимоий-иқтисодий тараққий эттириш, инвестициявий муҳитни яхшилаш орқали мамлакатимиз иқтисодий тармоқлари ва ҳудудларига ҳорижий сармояларни фаол жалб этиш вазифаларини қўяди.

Мана шу вазифаларни ўз вақтида ва сифатли бажариш ҳамда тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш кафолатларини кучайтириш, уларнинг фаолиятига давлат органларининг асоссиз аралашувини олдини олиш, хусусий мулк дахлсизлигининг ҳуқуқий механизмларини янада мустаҳкамлаш, шунингдек, тадбиркорлик субъектлари ҳуқуқларининг устуворлиги принципини таъминлаш мақсадида эса мамлакатимизда президент фармони билан президент ҳузурида Тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича вакил институти ташкил этилди.

Биламизки, давлат бошқаруви тизимидаги ҳар қандай давлат тузилмаси ўз олдида турган вазифа ва функцияларни самарали ва сифатли амалга ошириши учун унга маълум бир ваколатлар ҳамда ҳуқуқлар берилиши лозим, хусусан бизнес омбудсман институтига ҳам. 2017 йилнинг 5 май санасида қабул қилинган “Ўзбекистон Республикаси Президенти

ҳузуридаги тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича вакил институти таъсис этиш тўғрисида”ги Президент фармонида вакилнинг ҳуқуқлари, ваколатлари, вазифалари ҳамда ташкилий ҳуқуқий асослари белгилаб берилган.

Маълумки, тадбиркорлар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш учун энг аввало мулк ҳуқуқини ҳимоя қилиш муҳим аҳамиятга эгадир. И.Б.Зокировнинг таъкидлашича: “Мулк ҳуқуқи ва бошқа ашёвий ҳуқуқларни ҳимоя қилиш деганда – бу ҳуқуқларга қарши қилинган бузилишларни бартараф этиш, мулкдорнинг мулккий манфаатларини тиклаш ва ҳимоя қилишга қаратилган, фуқаролик қонунчилигида белгиланган воситалар йиғиндиси тушунади” [3, с. 255].

Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича вакил институти таъсис этилгандан сўнг унинг асосий вазифалари ва фаолият йўналишлари этиб қуйидагилар белгиланди:

- тадбиркорлик фаолиятини ривожлантириш, тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш соҳасида давлат сиёсатини шакллантириш ва амалга оширишда иштирок этиш;

- давлат органлари, шу жумладан, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи ва назорат идоралари томонидан тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларига риоя этилиши юзасидан назоратни амалга ошириш;

- тадбиркорлик субъектларининг фаолияти текширилаётганда уларни ҳуқуқий қўллаб-қувватлаш;

- тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисидаги қонун ҳужжатлари нормалари ва талабларининг амалда рўёбга чиқарилаётганлигини ўрганиш;

- қабул қилинган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг тадбиркорлик фаолияти амалга оширилишига таъсири самарадорлигини баҳолаш;

- тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқий кафолатларини мустаҳкамлашга, уларнинг ривожланишини рағбатлантиришга қаратилган қонунчиликни такомиллаштириш юзасидан таклифлар тайёрлаш [4].

Фармонга мувофиқ, Тадбиркорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича вакил ўз ваколатларини мустақил ҳамда давлат органлари, уларнинг мансабдор шахсларига тобе бўлмаган тарзда амалга оширади ва ўз фаолиятида Ўзбекистон Республикаси Президентига ҳисобдордир. Тадбиркорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича вакил ва унинг ўринбосари Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан лавозимга тайинланади ва лавозимдан озод қилинади. Бу унинг конституцияда мустаҳкамланган ҳокимиятлар бўлиниш принципига алоқадор эмаслиги, фаолиятининг мустақиллиги ва фақат Президентга бўйсунлигини билдиради.

Тадбиркорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича вакил Ўзбекистон Республикаси Президентига тизимли равишда давлат органлари, шу жумладан, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи ва назорат идоралари томонидан тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш тўғрисидаги қонун ҳужжатларига риоя қилиниши ҳолати тўғрисида ахборот тақдим этади. Яъни Вакил қонунларнинг тадбиркорлик соҳасига оид қонун ва қонуности ҳужжатларнинг жойларда қай даражада ижро

этилатганлиги, қонунларнинг амалиётга нақадор мутаносиблиги, қандай қонунларни такомиллаштириш лозимлиги юзасидан ва шу каби ҳолатлар юзасидан ахборотлар тақдим қилади.

Вакил мақомига таалуқли бўлган масалаларни қиёсий-ҳуқуқий ўрганиш турли мамлакатларда амал қилаётган тадбиркорлар ҳуқуқлари бўйича вакил(омбудсман) институтининг умимий ўзига хос хусусиятларини ифодалашга имкон яратади.

1. Вакил институти катта аҳамиятга эга бўлиб, давлатда амалдаги ҳуқуқни кафолатлаш механизми тўлдирди. Унинг амалга киритилиши жамият демократиясининг қонуний натижаси ҳисобланади;

2. Вакил институти давлатнинг олий мансабларига тегишлидир;

3. Иш фаолиятининг асосий йўналиши ҳамкорликда амалга оширилади;

4. Шикоят ва аризалар тез қабул қилиниб, биринчи навбатда кўрилиб чиқилади;

5. Мақсадга эришиш учун қонун таъқиқланмаган фаол чораларни кўради;

6. Ҳуқуқий қоида ва нормалар, самарали самарали бошқариш тамойиллари ва инсон ҳуқуқларига нисбатан амалга ошириладиган назорат функцияси мавжуд;

7. Давлат бошқарув органларининг барча йўналишидаги фаолиятини кузатиб бориш юзасидан умумий ваколатга эга эканлиги;

8. Умуммажбурий характерга эга қарорларни қабул қилиш учун ваколат ва ҳокимиятга эга эмас;

9. Вакил институтининг мустақиллиги. Кўп давлатларда у парламент томонидан тайинланади ва унинг олдида ҳисобдордир;

10. Айрим ҳолларда омбудсман маъмуриятнинг муайян қарорлари ва ҳаракатларини кўриш билан чегараланиб қолмасдан, балки давлат органлари ва мансабдор шахслари фаолиятини комплекс кўриб чиқиш ҳамда улар ҳаракатларининг инсонпарварлик, одиллик принципларига ҳамда мақсадга мувофиқлиги тўғрисида хулоса беради;

11. Омбудсман институтининг ноёблиги, бир томондан, ўзининг асосий мазмун ва хусусиятига содиқ қолиши билан, иккинчи томондан, ҳар бир мамлакатнинг ижтимоий-сиёсий шароитларидан келиб чиқиб, турли шаклларда фаолият юритиши билан характерланади. Шунинг учун ҳам омбудсманнинг турлитуманлигини инобатга олган ҳолда унинг функционал вазифаларини белгилаш керак ҳамда у ёки бу шаклини тан олишда қатъий талаблар қўймаслик лозим;

12. Вакил ҳаракатлари, асосан, фуқаролар ҳуқуқларини амалга ошириш ва давлат маъмурияти фаолиятида йўл қўйилган хатоларни тузатишга қаратилган. Бу мақсадларни амалга ошириш учун омбудсман ўзига хос усуллардан фойдаланади, яъни ишонтириш, танқид ва ошкоралик принципларига амал қилади. Мазкур институтларнинг мавжуд бўлиши маъмуриятга ноанъанавий таъсир кўрсатишни ривожлантириш ва такомиллаштиришга йўналтирилган;

13. Назоратнинг бу шакли тадбиркорлар учун оддий ва тушунарли экани билан ажралиб туради, аҳолининг омбудсманга бевосита мурожаат этиши ва унга бепул хизмат кўрсатиши билан характерланади [5, с. 67].

Фармонга кўра, Тадбиркорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича вакил мақоми, меҳнат ҳақи, тиббий ва транспорт таъминоти шарт-шароитларига кўра Ўзбекистон Республикаси Президенти Давлат

маслаҳатчисининг ўринбосарига, Тадбиркорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича вакилнинг ўринбосари эса – Ўзбекистон Республикаси Президенти девони шўъба мудирига тенглаштирилган Тадбиркорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича вакилнинг фаолияти эса юридик шахс ҳисобланган Тадбиркорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича вакил девони томонидан таъминланганини кўзда тутилган.

2017 йил 29 августда қабул қилинган “Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузурдаги Тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича вакил” тўғрисидаги қонуннинг 8-моддасига мувофиқ вакилга қуйидаги ҳуқуқлар тақдим этилган:

1) тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларига риоя қилишга доир қонун ҳужжатлари давлат органлари, шу жумладан, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи ва назорат идоралари томонидан сўзсиз ижро этилишини ўрганиш;

2) тадбиркорлик субъектлари фаолиятида текширишлар амалга оширилиши қонунийлигининг мониторингини олиб бориш, тадбиркорлик субъектлари фаолиятига ноқонуний аралашув ҳолатларининг олдини олиш бўйича комплекс чоратадбирлар кўриш юзасидан таклифлар киритиш;

3) тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларига риоя қилиш бўйича қонун ҳужжатларининг бузилиши мумкин эмаслиги тўғрисида давлат органлари ва бошқа ташкилотларнинг мансабдор шахсларини ёзма равишда огоҳлантириш эълон қилиш;

4) қонун ҳужжатларининг аниқланган бузилишларини, уларга имкон берувчи сабаблар ва шарт-шароитларни бартараф этиш тўғрисида давлат органларининг ва бошқа ташкилотларнинг раҳбарларига белгиланган муддатларда бажарилиши мажбурий бўлган тақдимномалар киритиш;

5) тадбиркорлик субъектлари манфаатларини қўлаб судларга давлат божи тўламасдан аризалар ва даъволар билан мурожаат қилиш;

6) давлат органлари ва ташкилотларидан ўз ваколатига қирадиган масалалар юзасидан статистик, таҳлилий материаллар, хулосалар ҳамда бошқа ахборот сўраш ва олиш;

7) давлат органларининг тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш масалаларини кўриб чиқиш билан боғлиқ мажлисларида иштирок этиш;

8) зарур бўлган ҳолларда, ўз зиммасига юклатилган вазифаларни амалга ошириш учун давлат органларининг, илмий муассасаларнинг ва бошқа ташкилотларнинг раҳбарлари ҳамда мутахассисларини жалб этиш, ишчи гуруҳлар тузиш;

9) тадбиркорлик фаолияти соҳасидаги жиноятлар тўғрисидаги ишлар бўйича гумон қилинаётган, айбланаётган ва ҳукм қилинган тадбиркорлик субъектлари вакиллари билан учрашиш учун қамоқда сақлаш жойларига, жазони ижро этиш муассасаларига монеликсиз кириш;

10) маъмурий жавобгарликни келтириб чиқарадиган қонун ҳужжатлари бузилиши ҳолатлари юзасидан маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисида баённомалар тузиш.

Юқоридагилардан келиб чиқиб шуни айтиш жоизки, юртимизда Тадбиркорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича вакил институтининг жорий этилиши

демократик давлатнинг асосий белгиларидан бири ҳисобланади, зеро демократик давлатларнинг асосий хусусиятларидан бири бу ҳар бир фуқаро ва шахснинг ҳуқуқлари ва эркинликлари давлат томонидан ҳимоя қилиниши ва ушбу ҳуқуқларнинг амалга оширилиши учун шарт шароитлар яратиш демакдир.

Адабиётлар рўйхати:

1. Мустафоев Б. Инсон манфаатлари - олий кадрият. – Тошкент, Нуқуқ ва бурҳ, 2008 й. №1, –Б.27.
2. Рўзиназаров Ш.Н. Тадбиркорлик фаолиятида конституция ва қонун устуворлигини таъминлашнинг кафолатлари // ТДҶОИ Ахборотномаси. 2006. - №4. – Б.84.
3. Зокиров И.Б. Фуқаролик ҳуқуқи. Дарслик. 1-қисм. - Т.: ТДҶОИ, 2006. - Б.255.
4. «Халқ сўзи» газетасининг 2017 йил 6 майдаги 90 (6784)-сонидан эълон қилинган.
5. Искандаров Н.Р. Ўзбекистон Республикасида омбудсман институтининг ҳуқуқий мақоми дис. ю.ф.н. : ТДҶОИ – Тошкент 2012. 67-бет.

К.Э.Гафуров
Соискатель ТГЮУ

ГЛОБАЛЬНЫЙ ИННОВАЦИОННЫЙ ИНДЕКС И УЗБЕКИСТАН: ПРОБЛЕМЫ И ПЕРСПЕКТИВЫ

Аннотация: данная статья посвящена проблеме достижения высоких позиций в международных рейтингах, в частности в Глобальном инновационном индексе. Комплексно изучены и проанализированы проблемы, препятствующие повышению рейтинга. Изучена наилучшая практика передовых государств. На основе изученного разработаны предложения по улучшению показателей данного рейтинга для Республики Узбекистан.

Ключевые слова: глобальный инновационный индекс, инновации, международный рейтинг, институциональные основы, рейтинг университетов мира QS, интеллектуальная собственность.

Аннотация: ушбу мақола халқаро рейтингларда, хусусан Глобал инновацион индексида юқори ўринларга эришиш муаммосига бағишланган. Рейтингнинг яхшиланишига йўл қўймайдиган муаммоларни атрофлича таҳлил қилинган. Илғор мамлакатларнинг энг яхши амалиётлари ўрганилди. Тадиқот натижалари асосида Ўзбекистон Республикаси учун ушбу рейтинг кўрсаткичларини яхшилаш бўйича таклифлар ишлаб чиқилди.

Калит сўзлар: глобал инновацион индекси, инновация, халқаро рейтинг, институционал асослар, QS жаҳон университетлари рейтинги, интеллектуал мулк.

Annotation: this article is devoted to the problem of achieving high positions in international ratings, in particular in the Global innovation index. The problems hindering the rating increase were comprehensively studied and analyzed. The best practices of advanced countries have been studied. Based on the study, proposals were developed to improve the indicators of this rating for the Republic of Uzbekistan.

Keywords: global innovation index, innovation, international rating, institutional framework, QS world University rating, intellectual property.

Реформы, направленные на гарантирование защиты прав человека, повышение уровня жизни населения, обеспечение свободы экономической деятельности, совершенствование материальных и процессуальных норм в судебно-правовой сфере приводят к повышению показателей нашей страны в международных рейтингах и индексах.

В частности, за последние четыре года в «Индексе экономической свободы» Фонда наследия наша страна поднялась на 52 позиции, «Индексе эффективности логистики» – на 19 позиций, «Индексе ведения бизнеса» Всемирного банка – на 18 позиций.

В рейтинге «Классификация страновых рисков» Организации экономического сотрудничества и развития Узбекистан поднялся из 6 группы в 5 группу странового риска.

Вместе с тем, вследствие того, что некоторые руководители не уделяют достаточного внимания работе с рейтингами и большинство реформ не отражены в опросах, проводимых международными организациями, позиции Республика Узбекистан в приоритетных

международных рейтингах и индексах остаются низкими.

В целях ускоренного развития страны на основе современных достижений мировой науки, инновационных идей, разработок и технологий, а также последовательной реализации задач, определенных Стратегией действий по пяти приоритетным направлениям развития Республики Узбекистан в 2017–2021 годах была утверждена Стратегия инновационного развития Республики Узбекистан на 2019–2021 годы [1], согласно приложению № 1; «Дорожная карта» реализации Стратегии инновационного развития Республики Узбекистан на 2019–2021 годы согласно приложению № 2; целевые показатели инновационного развития Республики Узбекистан до 2030 года согласно приложению № 3.

Главной целью Стратегии было определено развитие человеческого капитала как основного фактора, определяющего уровень конкурентоспособности страны на мировой арене и ее инновационного прогресса;

Соответственно, основными задачами Стратегии для достижения главной цели:

вхождение Республики Узбекистан к 2030 году в состав 50 передовых стран мира по рейтингу Глобального инновационного индекса;

повышение качества и охвата образованием на всех уровнях, развитие системы непрерывного образования, обеспечение гибкости системы подготовки кадров, исходя из потребностей экономики;

укрепление научного потенциала и эффективности научных исследований и разработок, создание действенных механизмов интеграции образования, науки и предпринимательства для широкого внедрения результатов научно-исследовательских, опытно-конструкторских и технологических работ;

увеличение вложения государственных и частных средств в инновации, научно-исследовательские, опытно-конструкторские и технологические работы, внедрение современных и эффективных форм финансирования мероприятий в данных сферах;

повышение эффективности деятельности органов государственной власти путем внедрения современных методов и инструментов управления;

обеспечение защиты прав собственности, создание конкурентных рынков и равных условий ведения бизнеса, развитие государственно-частного партнерства;

создание устойчиво функционирующей социально-экономической инфраструктуры.

Также большим шагом вперед, благодаря инициативам Президента Республики Узбекистан Ш.Мирзиёева мы можем отметить, то, что в целях улучшения инвестиционной привлекательности и укрепления имиджа нашей страны на международной арене, внедрения новых механизмов работы с рейтингами и индексами в государственных органах и организациях, а также реализации задач, определенных в Стратегии действий по пяти приоритетным направлениям развития Республики Узбекистан в 2017 — 2021 годах Президент Республики Узбекистан Ш.Мирзиёев издал Указ от 2 июня 2020 года «Об улучшении позиций Республики Узбекистан в международных рейтингах и индексах, а также внедрении нового механизма системной работы с ними в государственных органах и организациях» № УП-6003 [1]. В рамках данного Указа предусмотрено создание Республиканского совета по работе с международными рейтингами и индексами, основными задачами которого определены:

проведение системного анализа уровня социально-экономического и политико-правового развития страны, обеспечение учета коренных преобразований, осуществляемых в различных сферах, в целях улучшения позиций нашей страны в международных рейтингах и индексах, являющихся приоритетными для Республики Узбекистан, а также устранение проблем, препятствующих эффективности работы в данном направлении;

продвижение инициатив по совершенствованию системы государственной власти и управления, демократизации общества, реализации реформ в сфере государственного и общественного строительства, основанных на передовом зарубежном опыте, в целях улучшения позиций нашей страны в международных рейтингах и индексах, являющихся приоритетными для Республики Узбекистан;

комплексную оценку нормативно-правовых актов и их проектов, направленных на регулирование различных сфер жизни государства и общества, с точки зрения их влияния на позиции нашей страны в международных рейтингах и индексах, являющихся приоритетными для Республики Узбекистан.

В приложении № 2 к Указу Президента Республики Узбекистан от 2 июня 2020 года № УП-6003 «Распределение социально-экономических и политико-правовых рейтингов и индексов между рабочими органами Совета» в части Социально-экономическая сфера (Министерство финансов) пунктом 11 определено Глобальный инновационный индекс (Global Innovation Index). Также в приложении № 5 к Указу Президента Республики Узбекистан от 2 июня 2020 года № УП-6003 «Изменения и дополнения, вносимые в некоторые акты Президента Республики Узбекистан» согласно «Перечню государственных органов, ответственных за улучшение позиций Республики Узбекистан в международных рейтингах и отдельных составных индикаторах» (приложение 3) пунктом 15 за повышение показателей Глобального инновационного индекса (Global Innovation Index) ответственно Министерство инновационного развития.

Глобальный индекс инноваций (The Global Innovation Index) — это глобальное исследование и сопровождающий его рейтинг стран мира по показателю уровня развития инноваций. Рассчитан по методике Международной бизнес-школы INSEAD, Франция. Глобальный индекс инноваций составлен из 82 различных переменных, которые детально характеризуют инновационное развитие стран мира, находящихся на разных уровнях экономического развития. Поэтому Индекс рассчитывается как взвешенная сумма оценок двух групп показателей. В первую группу входят располагаемые ресурсы и условия для проведения инноваций (Innovation Input): - институты, человеческий капитал и исследования, инфраструктура, развитие внутреннего рынка, развитие бизнеса. Во вторую группу - достигнутые практические результаты осуществления инноваций (Innovation Output): - развитие технологий и экономики знаний, результаты творческой деятельности.

Индекс представляет собой соотношение затрат и эффекта, что позволяет объективно оценить эффективность усилий по развитию инноваций в той или иной стране и имеет тесную взаимосвязь с уровнем экономического развития страны, а также уровнем экспорта.

Глобальный инновационный индекс (ГИИ) – это один из главных источников информации, дающий оценку эффективности инновационной деятельности страны. Накануне своего 12-го издания в 2019 г. ГИИ представляет собой ценный инструмент сравнительного анализа, содействующий диалогу между частным и государственным секторами, посредством которого директивные органы, руководители предприятий и другие заинтересованные лица могут отслеживать прогресс в области инноваций на ежегодной основе.

Доклад «Глобальный инновационный индекс» содержит подробные данные об инновационной деятельности 130 стран и территорий мира.

Восемьдесят показателей, по которым проводится анализ, позволяют составить общее представление об инновационной деятельности, в том числе с точки зрения политической ситуации, развития образования, инфраструктуры и бизнеса.

Глобальный инновационный индекс (ГИИ) 2020 года посвящен вопросу, издавна актуальному как для деловых, так и для политических кругов: как стимулировать инновационное предпринимательство и социальное, культурное и экономическое развитие. Сегодня в условиях мирового экономического шока, который усугубляет ущерб пандемии, ГИИ-2020 также затронет вопрос острой необходимости новых методов финансирования инноваций в мире после коронавируса.

В ГИИ-2020, этом авторитетном рейтинге, который издается уже тринадцатый раз, используется 80 параметров для оценки инновационного потенциала и достижений 131 страны и территории мира [3].

В наши дни самые разные развитые и развивающиеся страны прилагают усилия по поощрению инновационной деятельности в интересах достижения целей социально-экономического развития. К тому же теперь стало понятнее, что инновационные процессы развиваются во всех сферах экономики, а не только в секторах высоких технологий и современных производств. В результате страны твердо проводят курс на создание и поддержание полноценных динамичных инновационных экосистем и сетей.

В последние годы во всем мире растут вложения в инновационную деятельность, о чем свидетельствуют средние размеры инвестиций стран, находящихся на всех стадиях развития. Рекордно высоких уровней в 2017 и 2018 гг. достигли масштабы использования интеллектуальной собственности (ИС).

Согласно данным ГИИ-2019 первое место в рейтинге мировых лидеров в области инновационного развития занимает Швейцария, за которой следуют Швеция, Соединенные Штаты Америки (США), Нидерланды и Соединенное Королевство. Лидерами в своих регионах стали Индия, Южная Африка, Чили, Израиль и Сингапур, а Китай, Вьетнам, и Руанда возглавили рейтинги в соответствующих категориях стран, сгруппированных по уровню дохода [4].

В числе стран, заметно изменивших свое положение в рейтинге ГИИ 2019 года, следует назвать Объединенные Арабские Эмираты (36-е место), Вьетнам (42-е место) и Таиланд (43-е место), которые приблизились к первым сорока странам; Индию (52-место), приблизившуюся к ведущим пятидесяти странам; Филиппины (54-е место), прорвавшиеся в число ведущих 55 стран; и Исламскую Республику Иран (61-е место),

которая приближается к группе первых шестидесяти стран.

В географии инноваций происходит сдвиг от стран с высоким доходом к странам со средним доходом. Тем не менее, расходы на инновационную деятельность по-прежнему сконцентрированы в нескольких странах и регионах. Как и прежде, перерастающие из успешно развивающейся страны со средним уровнем дохода и инновационным потенциалом в узловой центр инноваций очень непросто; в сфере инноваций страны с высоким и соответственно средним доходом разделяет невидимая преграда. Самые активные усилия, стремясь преодолеть ее, прилагают Китай, Индия, Бразилия и Российская Федерация.

Инновационные рейтинги ГИИ дают наглядное представление о разрыве в области инноваций, который наблюдается по разным категориям дохода и всем позициям ГИИ, от учреждений до продукции творческого труда.

Индия, как страна со средним уровнем дохода, является одной из тех, которая достигла высоких результатов и может похвастаться своей историей успеха в сфере инноваций [5].

На протяжении ряда лет инновации были важнейшим направлением экономической политики индийского правительства. Такой подход приносит свои плоды. Рост рейтинга страны в Глобальном инновационном индексе (ГИИ) 2019 г. свидетельствует о том, насколько усилия в области политики могут способствовать быстрому увеличению инновационного потенциала и достижению высоких конечных результатов.

За четыре года Индия буквально взлетела в рейтинге на 24 позиции вверх [с 81-го места на 57-е].

Ежегодно, начиная с 2011г., Индия занимает первое место среди стран региона Центральной и Южной Азии по уровню инноваций.

В течение восьми лет подряд в Индии неизменно повышалась эффективность инновационной деятельности с учетом размеров валового внутреннего продукта (ВВП) в расчете на душу населения, что является рекордным показателем, сопоставимым с показателями еще трех стран.

Индия повысила свой рейтинг, поднявшись с 81-го места в 2015г. на 57-е место в 2018 г.

Благодаря качеству инноваций, а именно качеству научных публикаций, университетов и семейств патентов-аналогов, Индия занимает 2-е место среди стран со средним уровнем дохода. Индия неизменно находится в лидирующей группе стран по таким показателям уровня инноваций, как экспорт услуг, связанных с информационно-коммуникационными технологиями (ИКТ), число дипломированных специалистов в области науки и инженерного дела, качество университетов и научных публикаций, общий объем инвестиций в экономику и экспорт результатов творческого труда.

Индия также присутствует в рейтинге ГИИ по критерию наличия на ее территории ведущих глобальных научно-технических кластеров: Бенгалуру, Мумбаи и Нью-Дели входят в первую сотню наиболее значимых кластеров подобного рода в мире.

Жизненно важное значение для улучшения показателей инновационной деятельности в Индии и сохранения ее повестки дня в области инноваций имеет партнерство ВОИС и правительства Индии. В частности, свой вклад в поддержку ГИИ внесли Департамент содействия развитию промышленности и внутренней торговли Министерства торговли и промышленности,

Министерство торговли и промышленности и Национальный институт преобразования Индии (NITI Aayog). В то же время Конфедерация индийской промышленности (CII) стала информационно-аналитическим партнером ГИИ в 2009 г. и является самым первым из числа таких учреждений-партнеров.

Под руководством премьер-министра Индии Нарендра Моди в целях дальнейшего повышения эффективности инновационной деятельности в Индии были развернуты такие инициативы стратегического уровня, как «Производите в Индии» («Make in India»), «Индия – страна стартапов» («Start-up India»), «Индия – страна инноваций» («Innovate India») и «Индия – страна цифровых технологий» («Digital India»).

В результате применения основанного на фундаментальных принципах подхода и осуществления новой инновационной политики одним из факторов, наиболее благоприятствующих развитию глобальной инновационной деятельности в ближайшие несколько десятилетий, стало появление инновационной Индии и более совершенных инновационных сетей в этом регионе.

Так, к важным моментам по международному сотрудничеству можно отнести:

- в 2016г. в целях совершенствования системы показателей инновационной деятельности в Индии на основе ГИИ государственный министр торговли и промышленности Индии распорядился создать Целевую группу высокого уровня по инновациям.

- в 2017г. в целях устранения пробелов в данных по Индии, представленных в ГИИ, и повышения эффективности инновационной деятельности в Индии было организовано проведение первого раунда международных консультаций.

- в 2017г. в сотрудничестве с ВОИС была разработана концепция первого инновационного индекса Индии, основной упор в котором был сделан на составление рейтинга индийских штатов и который был издан годом позднее.

На сегодняшний день, для достижения Республикой Узбекистан высоких результатов в ГИИ, приоритетной задачей является переход от количества к качеству. Оценка не только количества, но и качества затрат на инновации и инновационных достижений стала всеобъемлющей задачей сообщества, формирующего инновационную политику.

В ГИИ оценивается качество инноваций следующим критериям по на основе показателей:

- 1) качества национальных вузов (рейтинг университетов мира QS);
- 2) интернационализации запатентованных изобретений (семейства патентов-аналогов регистрируются в двух и более ведомствах);
- 3) качества научных публикаций (h-индекс цитируемости документов).

Что касается качества университетов, то два первых места в ГИИ 2019 занимают США и Соединенное Королевство, за которыми следует Китай, поднявшийся в этом году на 3-е место (с 5-го места в 2018 г.). В группе стран со средним уровнем дохода следующие два места после Китая занимают Малайзия и Индия, что обусловлено высоким рейтингом их лучших университетов.

Во многом благодаря качеству своих университетов в первую десятку стран также входят Российская Федерация, Мексика и Бразилия (таблица В).

По показателю качества публикаций результаты довольно стабильны, при этом в рейтингах ГИИ лидируют США, Соединенное Королевство и Германия. Среди стран со средним уровнем дохода первое место занимает Китай, за которым следует Индия.

По количеству международных патентов семь из десяти первых мест приходится на европейские страны, а остальные три места занимают Израиль, Япония и Республика Корея. В группе стран со средним уровнем дохода две первые позиции занимают Китай и Южная Африка, при этом улучшения этого показателя добились Индия и Турция [6].

Китай стал первой страной со средним уровнем дохода, вошедшей в число 25 ведущих стран-новаторов в мире, и, таким образом присоединился к группе высокоразвитых государств, которые неизменно возглавляют рейтинг (ГИИ) в течение последних лет [7].

Абдувалиев А.А. в результате исследования выявил, что многие международные рейтинги дают нам не высокие показатели по причине того, что Республикой не всегда предоставляются необходимые статистические данные, что в результате значительно понижает показатели нашего рейтинга. Соответственно, мы согласны с тем, что автор предлагает Государственным комитетом по статистике вести учет всех данных, критериев, которые будут необходимы для расчета международного рейтинга [8].

Мы поддерживаем мнение Васильева А.Н. и Щукиной А.Я. о том, что экономика устойчивого развития представляет собой современную эколого-экономическую систему, формирующуюся в глобальном информационном пространстве, поскольку информация и знания выступают как непосредственная производительная сила, определяющая пути и темпы инновационной экономики, характер технических, организационных и структурных изменений, а, следовательно, существенного продвижения устойчивого развития. В итоге вышперечисленные процессы интенсифицируют становление экономики новейшего типа.

